

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ  
ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

---

# САККИЗ ЙИЛЛИК МАКТАБ ПРОГРАММАЛАРИ

I — III СИНФ

*Ўзбекистон ССР Маориғ министрлиги  
масдиқлаган*

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1975

© „Үқитувчи“ нашриёти, 1975 й.



П 60501 № 190  
М-353-(06)-75 282-314-75

# ОНА ТИЛИ

## УҚТИРИШ ХАТИ

Бошланғич синфларда она тили курси умумий таълим мактабларининг юқори синфларида ўрганиладиган она тили ва адабиёт систематик курсининг таркибий қисми ҳисобланади. Бошланғич синфлар она тили курси асос эътибори билан тилнинг амалий қисмидир. Шунинг учун ҳам болаларнинг нутқини ўстириш программанинг барча бўлимларига сингдириб берилган.

Бошланғич синфлар она тили курсининг вазифалари болаларни онгли ўқишига, сўзлашга ва ёзишга ўргатиш; ўқувчилар нутқини ўстириш; уларга она тили ва адабиётдан бошланғич маълумот бериш; болаларнинг она тилига ва ўқишига бўлган қизиқишини ўстириш; атрофии ўраб олган табиат, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини ўстириш ва бойитиш, ниҳоят, болаларда ўзларининг ёш хусусиятларига мос бўлган тил шаклларидан оғзаки ва ёзма равишда фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Она тили ўқитишининг мазмуни ва методлари бериладиган билимларни, кўникмаларни онгли ва пухта ўзлаштиришга, болаларнинг умумий тараққиётига ва коммунистик руҳда тарбиялапишига ёрдам бериши лозим.

Бошланғич синфларнинг она тили программаси ўз ичига қўйидаги бўлимларни олади:

1. Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш.
2. Ўқиш ва нутқ ўстириш.
3. Грамматика, имло ва нутқ ўстириш.

Программанинг бу бўлимлари ўз навбатида яна қисмларга бўлинади. Чунончи, «Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш» бўлими «Ўқиш ва нутқ ўстириш», «Езув ва нутқ ўстириш» қисмларига; «Ўқиш ва нутқ ўстириш» бўлими «Ўқиш тематикаси», «Ўқиш кўникмалари», «Текст устида ишлаш» ва «Синфдан ташқари ўқиш» қисмларига; «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» бўлими эса «То-

вушлар ва ҳарфлар», «Сўз», «Гап» ва «Боғланиши нутқи қисмларига бўлииади. Булардан ташқари, «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» бўлимида ҳуснинатга доир маълумотлар ҳамда ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзлар рўйхати берилади.

## Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш

Савод ўргатиш даври, қоида бўйича, 3,5 ойда (15 деқабргача) тугалланади. Агар ўқитувчи синфда тўлиқ ўзлаштиришга эришса, уни 10—15 кун олдин тугатиши ҳам мумкин. Бу давр ичидаги қўйидагилар талаб этилади: 1) болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш; 2) тўғри ёзиш учун замин ҳозирлаш; 3) кузатиш ва эккурсиялар жараёнида теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисалар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш орқали ўқувчиларнинг нутқ ва лугат бойлигини ўстириш.

Савод ўргатиш аналитик-синтетик товуш методи орқали олиб борилади. Бунда болалар гапни сўзга, сўзни бўғинга, бўғинни товушга бўлиш ва бўғинлардан сўз, сўзлардан гап тузинши машқ қиласидилар, ўқиш процессини эгалтайдилар. Айни вақтда улар товушларниң ҳарфлар билан ифодаланишини товушлардан ва бўғиндан сўз тузинши, уни ёзишни билиб оладилар. Ёзишга ўргатиш ўқишга ўргатиш билан бирга олиб борилади. Ўқиш ва ёзишга ўргатиш жараёнида ўқувчилар фонетика ва графика ҳақида тушунча ҳосил қиласидилар.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг эшитиш малакаларини ўстиришда уларни қўй ёзма ва босма текстдан ҳарф ва сўзларни тўғри кўчириб ёзишга; айтилиши билан ёзилишида фарқ қилмайдиган сўзларни, шундай сўзлардан тузилган кичик гапларни диктовка билан ёзишга ўргатади.

Ўқувчиларга гапниң биринчи сўзи, кишиларнинг исми ва фамилияси, ҳайвонларга ва бошқа нарсаларга атаб қўйилган ном бош ҳарф билан ёзилишини ўргатиб бориш жараёнида болаларнинг сўзларни тўғри ёзишлирага алоҳида эътибор берилади.

Сўзни бутунича ўқишга ўтилганда, ўқитувчи болаларга сўзни аниқ, барчага эшитарли, орфоэпия қоидаларига риоя қилган ҳолда ўқишга ўргатади, диққат-эътибор оҳангнинг тўғри бўлишига қаратилади. Хат-савод ўргатишнинг охирида болалар онгли, тўғри ва бўғинлаб сидирга ўқийдиган бўладилар. Уларда ўртоқлари олдида

гапириш кўникмалари ўсиб боради. Ўқувчилар шеърларни ифодали ўқиш, эртакларни ва ўзи ўқиган, ўқитувчи ўқиб берган ҳикояларни, ўз таассуротларининг, кузатишлиарининг натижасини сўзлаб беришга ўрганадилар. Натижада улар ўқитувчи берган сўроққа қийналмай жавоб берадиган, бошқаларга савол бера оладиган бўладилар.

## Ўқиш ва нутқ ўстириш

I—III синфларда ўқиш дарсларининг асосий вазифаси онгли, тўғри, тез ҳамда ифодали ўқиш малакаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириб бориш асосида асар тексти устида ишлаш ва мустақил ўқиш кўникмасини ўстириш ҳисобланади.

Болалар ҳикоя, шеър, эртакларни ўқиш билан асар мазмунини, ундаги асосий фикрни тушунишга ўрганадилар, асар қаҳрамонлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари билан танишадилар ва уларга баҳо берадилар. Улар бадиий асарнинг тили ва тасвирий воситалари ҳақида элементар тасаввур ҳосил қиласидар. Булар болалар тасаввурини кенгайтиради, фикрлашларини ўстиради, эстетик туйғуларини, бадиий адабиётга, она тилига бўлган муҳаббатларини тарбиялайди.

Асар мазмуни устида ишлаш билан болалар асардаги асосий фикрни ажратишга, қисмларга бўлишга, қисмлар орасидаги боғланишни белгилашга ўрганадилар. Булар болаларнинг мантиқий тафаккурининг ривожланишига ёрдам беради.

Асарни ўқиш жараёнида болаларнинг теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини тўғри шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқиш мазмунан болаларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий эстетик жиҳатдан тарбиялашга қаратилади. Ватан ва унинг табииати, кишиларимиз ҳақидаги асарларни ўқиш болаларни колективизм руҳида, ўз Ватанига муҳаббат, бутун дунё меҳнаткашларига дўстлик руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўқиш болаларни совет кишиси ва унинг меҳнатига, ўртоқларига тўғри муносабатда бўлишга колектив олдида ўз масъулиятини англашга ёрдам беради.

Ўқиш ўқувчилар нутқини ўстиради: ўқувчиларда конкрет тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиш асосида уларнинг лугатини бойитади, унга аниқлик киритади ва

активлаштиради, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён этиш малакаларини ўстиради.

Ўқиши программасига: 1) ўқиши тематикаси; 2) ўқиши кўниммалари; 3) текст устида ишлаш ва 4) синфдан ташқари ўқиши киради.

Программада ўқиши учун тавсия этилган асарлар рўйхати ҳар бир теманинг асосий мазмунини белгилайди, аммо улар тахминий бўлиб, намуна учун берилган. Бу рўйхат тўлдирилиши ёки айрим янги нашр этилган болаларга мос асарлар билан алмаштирилиши мумкин.

Ҳар бир синф учун берилган ўқиши материали ўқувчи онгини ўстиради, уни ахлоқий ва эстетик томондан тарбиялайди.

I—II синф болалари табиат, совет халқларининг ҳозирги ҳаёти, октябрятлар иши, В. И. Ленин, Совет Армияси, бошқа мамлакат болаларининг ҳаёти ҳақидаги асарларни ўқыйдилар.

Бутун ўқув йили давомида I- синф ўқувчилари табиатдаги фаслий ўзгаришларни кузатиб борадилар. Экскурсиялар, предмет дарслари ўтказилади. Ўқувчилар об-ҳаво ва табиатдаги фаслий ўзгаришларни синф календарига белгилаб борадилар.

Ўқув йили охирида улар сўзларни сидирға (айрим қишин сўзларни бўғинлаб), тўгри, онгли ўқиши малакаларини эгаллашлари, уни аниқ ва тўғри талафуз қилишлари, гапнинг охиридаги интонацияга, гаплар орасидаги паузага риоя қилишни билиб олишлари лозим. Ўқиши тезлиги тахминан минутига 30—40 сўз бўлади.

Текст устида ишлаш шу синфдаёқ бошланади: болалар ўқиганлари ва кузатганлари юзасидан берилган саволларга жавоб беришга, ўқитувчи ёрдамида ўқилган асардан асосий фикрни ажратса олишга, асарни қисмларга бўлишга, ўқилган асар мазмунини саволлар ёрдамида ва мустақил равишда баён этишга, текстга берилган иллюстрация (расм) мазмунини сўзлаб бера олишга; эртак айтиб беришга; табиат ҳодисалари ҳақидаги ўз кузатувларини айтиб бера олишга; текстдан унда қатнашувчи шахс, табиат тасвирини характерловчи сўз ва ибораларни ўқитувчи ёрдамида топа олишга ўрганадилар. Улар шеър, эртак, ҳикояни бир-биридан амалий равишда ажратишга ўрганадилар.

II синфда ахлоқий масалаларга бағишлилангақ асарлар катта ўрин эгаллайди. Ватан, В. И. Ленин, Октябрь ре-

волюцияси, Совет Армияси ҳақидаги маълумотлар анчагина бойитилади; Совет халқининг байрамлари, бошқа мамлакат меҳнаткашларининг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар кенгайтирилади.

Онгли ўқиш малакалари такомиллаштирилади, ифодали ўқишга (логик урғуга, паузага, ўқилган асар мазмунини оҳанг ёрдамида бера олиш кабиларга) катта аҳамият берилади; текст устида ишлашга ва болаларнинг оғзаки нутқига қўйилган талаб мураккаблашади. Ўқувчилар ўқилган асардан асосий мазмунни ажратса олиш, воқеа-ҳодисаларга, фактларга, қаҳрамонларга ўз муносабатларини билдира олиш, ўқилган асарни қисқартириб ва мукаммал баён этиб бериш малакаларини эгаллайдилар.

II синфда тўғри ва тез ўқиш малакаларини таркиб топтириш ниҳоясига етказилади. Ўқиш тезлиги минутига тахминан 60—80 сўз бўлади.

Ўқувчиларнинг лугатини аниқлаш, бойитиш ва активлаштириш иши давом эттирилади. Болалар воқеа-ҳодисаларни характерловчи сўз ва ибораларни топишига, ҳар хил гап ва текслардаги сўзнинг маъносини бир-биридан фарқлашга ўрганадилар. Ўқувчилар шеър, эртак, бадиий ҳикоя, илмий-оммабоп мақолаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан амалий ташишадилар.

III синфда бадиий асарни ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг пионерлар иши ҳақидаги, илгариги ва ҳозирги оммавий-сиёсий воқеалар ҳақидаги, совет кишисининг маънавий қиёфаси ҳақидаги, Ватанимизнинг илгор кишилари, уларнинг бир-бирига, табиатга, меҳнатга, Ватанга бўлган муносабатлари ҳақидаги билимлари кенгайтирилади ва умумлаштирилади. Халқимизнинг қаҳрамонона ўтмишини акс эттирган асарларни ўқиш болаларда меҳнаткашларнинг Октябрь революциясигача бўлган ҳаёти ҳақида, инсон баҳти учун курашувчилар ҳақида, меҳнаткашларнинг доҳийиси В. И. Ленин ва Коммунистик партия ҳақида, совет халқининг гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши кунларидаги қаҳрамонлиги ҳақида, Совет Армияси ҳақида, Ватан мудофааси ҳақида, Ватанимиз халқларининг революцион, жанговар меҳнат традициялари ҳақида, барча мамлакат меҳнаткашларининг бирдамлиги, совет халқининг бутун дунёда тинчликни ўрнатиш учун кураши ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Тарихий ва оммавий темадаги асарларни ўқиш ўқувчиларни кишилар ҳаётидаги тарихий ўзгаришларни кузатиб боришга ўргатади, уларда ҳозир ва илгари, узоқ ва яқин ўтмиш, Октябрь революциясигача ва ундан кейинни давр ҳақидағи тасаввурнинг шаклланишига олиб келади. Болалар бадий асарни элементтар анализ қилишга, бадий асар турини ажрата олишга ўрганадилар.

III синфда ўқувчилар ўз савияларига мое текстни онгли ва ифодали ўқишлири (ўқиш тезлиги минутига 80—90 сўз), текст мазмунини очишга ёрдам берадиган сўзларнинг маъносини тушунтиришлари, синонимлар танлашлари (синоним терминини билиш шарт эмас), текстдан образли сўз ва ибораларни топишлари, текстнинг асосий мазмунини айтиб бера олишлари лозим. Ўқув йили охира болалар текстни тугалланган мазмунли қисмларга мустақил равишда бўлиш, ҳикоя ёки мақоланинг планини тузиш; текстни қисқартириб ва танлаб ҳикоя, қилиш; ўқилган материал асосила, кузатилганлар ҳақида оғзаки ҳикоя тузиш; асарда қатнашувчи шахс ҳақида ҳикоя қилиш учун материал танлаш; асар қаҳрамони ҳақида ҳикоя тузиш; бир ҳикояда ёки бир неча ҳикояда қатнашувчи икки шахсни бир-икки белгиси бўйича қиёслай олиш; асар турларини (эртак, масал, шеър, ҳикоя ва ҳоказо) бир-биридан амалий равишда ажрата олиш малакасини эгаллайдилар.

III синфда илмий-оммабоп текст устида ишлаш, ўқилган ва эшигларни қисқа қайта ҳикоя қилиб бериш, план тузиш, воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш малакалари мустаҳкамланади.

Ўқиши программаси совет методикасининг эришган ютуқларига ва мактабнинг илфор, эфектли тажрибаларага асосланади.

Ўқиши дарсларида ўрганиладиган бадний асар, унинг foявий йўналиши, мазмуни ва шакли ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дикқат марказида бўлиши керак.

Таълим-тарбиявий вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ҳар бир дарс мақсадга мувофиқ уюштирилиши ва қисмларининг бир бутунлиги талаб қилинади. Ўқувчиларнинг ўқиш малакаларини ўстириш, ўқишининг ифодали бўлишини таъминлаш, болалар луғатини бойитиш ва нутқини ўстириш ҳар доим ўқитувчининг дикқат марказида бўлиши лозим. Ҳар бир синфда ўқиш дарслари-

нинг катта қисми (30—35 минут) ўқиши ва текст устида ишлашга ажратилади. Асарни ўқишидан олдинги ўқиши билан бирга бўладиган ва дарс материалларини умумлаштиридиган сұхбат 5—10 минутдан ошмаслиги, унинг мазмуни шу дарсда ўқиладиган текст билан жипс боғланган бўлиши лозим. Кириш сұхбати, ўқитувчи ҳикояси, кўрсатиладиган расм дарс темасига болаларнинг қизиқишиларини уйготиши, уларнинг ҳис-туйфуларини қўзгатиши ва текстни яхши тушунишларига ёрдам бериши керак.

Ўқиши дарсларида болаларнинг ҳаётий тажрибаларини бойитиш учун ўқитувчи табиий ҳодисаларни, катталарнинг ҳаёти ва меҳнати юзасидан системали равиша кузатиш ўюштиради.

Ўқиши, она тили программасининг барча бўлимлари билан, шунингдек, бошлангич таълимда ўрганиладиган барча предметлар билан бевосита боғлиқdir. Ўқувчилар ўзларининг билим, малака ва нутқий кўникумаларини барча дарсларга татбиқ этадилар ва уни мустаҳкамлайдилар. Улар барча предмет дарсларида ва мустақил ўқиши жараёнида олган билим ва кўникумаларини ўқиши дарсларида татбиқ қиласидилар.

### Синфдан ташқари ўқиши

Синфдан ташқари ўқиши болаларнинг ўқиши дарсларида олган билим ва малгакаларини мустаҳкамлайди, китобхонлик фаолиятини, ўқишига ҳавасини тарбиялайди, китоб билан мустақил ишлаш малакаларини оширади.

Синфдан ташқари ўқишининг мақсади ўқувчиларни мустақил ўқишига ўргатишига, болалар ўқиши учун мўлжалланган энг яхши китоблар ва уларнинг авторлари билан таниширишига, предметлар юзасидан синфда олган билимини бойитиш ва чуқурлаштиришига, китоб билан ишлаш йўлларини ўргатишига, билимга қизиқишини ва активлигини оширишига қаратилади.

Ўқувчиларнинг мустақил ўқиши учун белгиланган асарларга ҳаётни тўғри ва аниқ тасвирлайдиган, кишиларнинг маънавий қиёфаси, кучи ҳақида ҳикоя қиласидиган эртаклар, шеърлар, топшишмоқлар, мақоллар, бадиий ҳикоялар, повесть ва илмий-оммабол асарлар киради.

Үқитувчи синфдан ташқари ўқишига асарлар тавсия этишда ўқувчиларнинг имкониятларини, макта́б кутубхонаси фондини ҳисобга олади. Шунингдек, ҳар йили нашр қилинган китоблардан ҳам фойдаланади. Үқитувчи ўқувчиларга тавсия этиладиган китобларнинг таълим-тарбиявий аҳамиятига эътибор беради. Уларнинг шу синф ўқувчиларининг ёши ва билим савиасига мослигига аҳамият беради, қизиқишиларини ҳисобга олади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг мустақил ўқишига раҳбарлик ва унинг сифати устидан контроллик синфдан ташқари ўқиш дарсларида, оммавий машғулотларда (эрталик, адабий викторина, кўргазма ва ҳоказо); мустақил ўқиши энди ўрганувчилар билан шахсий ишлаш орқали; мустақил ўқиши орқали олган билимларини она тили (айниқса ўқиши), табиатшунослик, меҳнат, расм, ашула дарсларида доимо татбиқ этиб боришлиарни мунтазам равишда кузатиб бориш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ўқишлари шахсий сухбат ўтказиш, кутубхона карточкасини кўриш ва ўқиганлари юзасидан савол-жавоблар орқали ҳам аниқланади.

Синфдан ташқари ўқиш машғулотининг асосий шакли жадвалда кўрсатилган синфдан ташқари ўқиш дарси ҳисобланади. Синфдан ташқари ўқиш дарси синф журналига ёзилади. Синфдан ташқари ўқиш дарси 2- синфда ҳар ҳафтада бир соатдан (савод ўргатиш даврида синфдан ташқари ўқишига ҳафтада бир марта 15—20 минут вақт ажратилади), 2—3- синфларда эса икки ҳафтада бир соатдан ўтказилади.

### Грамматика, имло ва нутқ ўстириш

Бошланғич синф ўқувчилари маълум грамматик билим оладилар, кўникма ва малака ҳосил қиласидилар. Бу билим ва кўникмалар эса юқори синфларда ўрганилайдиган она тили систематик курсининг мазмуни билан узвий боғланган бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларида грамматика ва имлодан дастлабки билимларни ҳосил қилиш жараёнида тил материалларни анализ қилиш, таққослаш, тил ҳодисаларини группалаш ва умумлаштириш, асосийларини ажратади олиш кўникмалари ўстирилади, уларнинг ақлий ва нутқий тараққий этишлари амалга оширилади.

Бошланғич синфлар она тили курси тилнинг турли соҳаларига оид бир қатор маълумотларни ўз ичига олади. Бошланғич синф ўқувчилари сўзнинг фонетик состави, сўзни бўғинларга бўлиш, унинг маъноли қисмлари билан, айрим сўз турукмлари ва уларнинг муҳим белгилари билан танишадилар, гап ва гап бўлаклари ҳақида маълумот оладилар, мазкур темаларга алоқадор имло ва тиниш белгилари қоидаларини ўрганадилар. Программада ўқувчиларни сўзнинг лексик маъноси, сўзларни кўп маънолигига, маъно жиҳатидан бир-бирига яқин — синоним сўзлар билан таниширишга алоҳида эътибор берилади. Шу билаи бирга, ўқувчиларда нутқни тинглаш иқтидори ўстирилди, адабий тилдан кўникмалар ҳосил қилинади, тилнинг асосий элементларига (товуш, сўз, гапга) онгли муносабатда бўлиш тарбияланади.

Бошланғич синфларнинг «Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» программаси тўрт қисмга бўлинади: «Товушлар ва ҳарфлар»; «Сўз»; «Гап»; «Боғланишли нутқ». Мазкур қисмлар ҳар учала синфда ҳам берилади. Буларнинг бирортасига эътиборни сусайтириш болаларнинг нутқий тараққиётига монелик қиласи.

«Грамматика, имло ва нутқ ўстириш» программаси материаллари синфларга босқичли изчиллик принципи асосида тақсимланган. Бериладиган билим, малака ва кўникмалар алифбе давридан бошлаб то III синфнинг охирги чорагигача зинапоя шаклида босқичли изчилликда ўсиб, ривожланиб боради.

**Товушлар ва ҳарфлар.** Ўқувчилар товуш ва ҳарф соҳасида малака ҳамда кўникумга ҳосил қиласидилар. Улар алифбе китобини ўқиш даврида ўзбек тили дарсларида товушларни эшитиш ва айтишга, уларни бир-биридан ажратишга, овознинг кучайиши ва пасайишини ажратади. Пузынни олишга ўрганадилар, унли ва ундошлар ўртасидаги фарқни билиб оладилар.

Программанинг «Товушлар ва ҳарфлар» қисмидаги муҳим талаб шундаки, ўқувчилар нутқ товушларини эшитиб ва талаффуз қилиб, уларни бир-биридан фарқ қиласи олишлари, нутқ товушларини ҳарфлар орқали ифодалай олишлари керак. Бундай ишлар II ва III синфда ҳам давом эттирилади.

Ўқувчилар биринчи синфда нутқ товушларининг талаффузи билан ёзилиши ўртасида фарқ қиласидиган ҳо-

латлар ҳам бўлишини, масалан: *б*, *д* жарангли ундошларнинг сўз охирида жарангсизланиб *п*, *т* тарзида талаффуз қилиниши, аммо ёзувда ҳамма вақт *б*, *д* каби жарангли ундошлар ёзилишини билиб олишлари зарур. Бу маълумот 1-синфда икки бўғинли сўзлар асосида берилса, 2-синфда уч ва кўп бўғинли сўзлар асосида кенгайтирилади.

II синфда «Товушлар ва ҳарфлар» қисмига оид «Урғу», «Сўз охирида талаффуз қилинмайдиган т ва д ундошлари» темаларигина янгидан ўрганилади, III синфда эса янги пунктлар йўқ, аммо товушлар ва ҳарфларга оид аналитик-синтетик характердаги ишлар янги лексик материаллар асосида давом эттирилади. Бу синфда адабий тил талаффузи нормаларига ўргатиш, сўзни товуш-ҳарфлаб анализ қилишга асосланувчи имло кўникмаларини ҳосил қилиш борасида ҳам ишлар олиб борилади.

Сўз. Бошлангич синфларнинг программасида сўз лексик ва грамматик планда олинади. Программада лексик, яъни луғат ишига катта аҳамият берилади. Бунда лексикадан назарий билимлар эмас (бундай билим юқори синфларда берилади), балки грамматика ва имлони ўрганишга боғлаб бериладиган амалий машқлар кўзда тутилади. Ўқувчилар грамматика ва имло билан шуғулланиш, ёзувчиларнинг асарларини ўқиш даврида сўз, воқе-ликдаги предмет ёки ҳодисани ифодалаб, маъно билдиришини, гап таркибида, айниқса боғланишли текстларда янги-янги маъно касб этиши мумкинлигини, шакл жиҳатидан турлича бўлган сўзлар бир хил ёки яқин маъно билдиришини, шунингдек, баъзи сўзларнинг маъно жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши бўлишини ўрганадилар. Фикрни аниқ ифодалаш учун маъно жиҳатидан мос сўзни танлаш зарур эканлигини англай бошлайдилар.

Лексик машқлар алифбе давридаёқ бошланиб, кеинчалик мунтазам давом эттириладиган мантиқий машқлар билан қўшиб олиб борилади.

«Сўзнинг таркиби» темаси 2-синфда ўрганилади. Бу темани ўтишда ўқувчилардан имло кўникмаларини ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади. Сўзнинг таркиби билан дастлабки танишиш 1-синфда бошланади, бунда ўқувчилар ўзакдош сўзлар, ўзакдош сўзларнинг ўму-мий қисми (ўзак) ҳақида тасаввур ҳосил қиласидилар (бўсинфда «ўзак» термини билан таништириш шарт эмас).

Сўзниг таркибини ўрганиш асосида бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзлар танлаш катта ўрин тутади. Бу иш ўқувчиларнинг сўзлар орасидаги алоқани билиб олишларига, сўзларнинг ясалиши ҳақидаги тасаввурларини тартибга солишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг ўзак, сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи қўшимчаларни ажратиш, ўзакларни бир-бiri билан қиёслаш, товуш жиҳатидан бир-бiriiga яқин бўлган ўзакларни ёнма-ён келтириш борасида ҳосил қиласидан кўникмалари уларга сўзниг тўғри ёзилишини эсда тутиш, шунингдек, имло малакаларини мустаҳкамлаш имконини беради.

3- синфда «Сўзниг таркиби» темаси юзасидан 2- синфда олган билимлар, ҳосил қиласидан кўникмалар амалий ишлар жараёнида кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади; ўқувчилар сўз ўзгартувчи қўшимчанинг турлари: турловчи ва тусловчи қўшимчалар билан амалий таништирилади. Демак, сўзниг таркибини ўрганиш иши бошланғич синфларнинг ҳар бирида олиб борилади.

«Сўз туркумлари» темасини ўтишга тайёргарлик 1-синфда бошланади. Ўқувчилар ким?, нима?, қандай?, нима қиласиди? каби сўроқларга жавоб бўладиган сўзлар билан таништирилади. Ўқувчилар турли мантиқий машқларни бажарадилар, чунончи: улар турли хилдаги предметларнинг (нарса, ўсимлик, ҳайвон) номларини групайлайдилар, бу группаларга умумлаштирувчи сўзлар топадилар, ниҳоят, болаларда предмет, белги ҳаракат деган тушунчалар шакллантирилади. 2- синфда ўқувчилар 1-синфда олган билимларини умумлаштирич асосида «от», «сифат», «феъл» терминлари билан таништирилади, 3- синфда юқоридаги сўз туркумлари устида ишлаш давом эттирилади, олмош (кишилик олмошлири), боғловчи ва сон ҳақида маълумот берилади.

2- синфда от, сифат ва феъл ўтилганда уларнинг маъноси ва айрим кўрсаткичлари билан, чунончи: отнинг предмет номини билдириб, ким? нима? сўроғига жавоб бўлиши, бирлик ва кўпликда қўлланиши, гапда бошқа сўзлар билан боғланиб келиши, сифатпинг маъноси, қандай? қанақа? сўроқларига жавоб бўлиши ва от билан бирга қўллапиши, феълинг предмет ҳаракатини билдириб, нима қиласиди?, нима қиласипти?, нима қилмоқчи? сўроқларига жавоб бўлиши, бўлиши ва бўлишсиз шаклда қўлланиши билан таништирилади. Бу темаларни ўрганиш жараёнида ўқувчилар

-лар, -ма қўшимчаларининг имлосини ҳам ўрганиб оладилар.

3- синфда от ва феълнинг бошқа кўрсаткичлари: отнинг келишик қўшимчалари билан турланиши, эгалик қўшимчалари билан қўлланиши, феълнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланиши, замонлари ўргатилади. Темани ўрганиш жараёнида отлардаги келишик ва эгалик қўшимчаларининг имлосига алоҳида эътибор берилади. «Сифат» темаси ўтилганда, унинг -роқ қўшимчаси билан қўлланиши, -роқ қўшимчасининг, шунингдек, қип-қизил, сап-сарик, юм-юмалоқ каби сифатларнинг имлоси ўргатилади.

3- синфда сон, олмош ва бօғловчи ҳақида маълумот берилади. Уларга соннинг маъноси, сўроқлари ҳақида, предметнинг сон-саноги, тартибини билдириши ҳақида элементар маълумот берилади; темани ўрганиш билан бօғлиқ ҳолда 1 сентябрь, 10 январь, 1970 йил каби айрим тартиб сонларнинг ёзилиши амалий ўзлаштирилади (тартиб сон термини берилмайди).

Ўқувчилар фақат кишилик олмошлари билан таништирилади. Улар 1, 2, 3- шахс кишилик олмошлари, уларнинг бирлик ва кўплика қўлланиши, келишик қўшимчалари билан турланиши, имлосини билиб олсалар кифоя қиласди.

Бу синф ўқувчилари нутқда кўп қўлланиладиган гапнинг уюшиқ бўлаклари ва қўшма гапларни тушунтиришга, уюшиқ бўлаклар ва қўшма гапларда вергулнинг ишлатилишига доир тикиш белгилари қоидасини ўзлаштиришга ёрдам берадиган айрим бօғловчилар билан таништирилади. Бошланғич синфларнинг ҳар бирида турли грамматик темаларни ўтишда, шу жумладан, сўз туркумлари ҳақида маълумот берилганда, луғавий-мантиқий машқлар: предмет номи, предмет белгиси ва предмет ҳаракатини билдирган сўзларни группалаш, сўзнинг маъноси, сўз туркумларини ўз ўринда аниқ ишлатиш (бунда маъно жиҳатидан бир-бирига яқин ва қарама-қарши маъноли сўзлар кўзда тутилади) машқлари, шунингдек, луғавий-орфографик машқлар (бундай машқлар жараёнида ҳар бир синф программасида берилган имлоси қийин сўзлар ўзлаштириб борилади) ўтказилади.

Гап. Бошланғич синфлар программасининг «Гап» қисмида болалар уч турда маълумот оладилар: 1) гапнинг

тури ҳақида: дарак гап, сўроқ гап, ҳис-ҳаяжон гап, шунингдек, содда гап ва қўшма гап; 2) гап бўлаклари; 3) гапда сўзларнинг ўзаро боғланиши (сўз бирикмалари).

Ўқувчилар 1-синфда нутқни гапларга бўлишни, ўқиш вақтида тиниш белгиларига қараб оҳанг ва паузага риоя қилишини, гап анализ қилингандан кейин уни ёзиб олишни ўрганадилар, гапнинг охирига нуқта қўйилишини, гап бош ҳарф билан бошланишини билиб оладилар, сўроқ ва ундов белгисининг қўйилиши билан танишадилар.

2- синфда дарак гап, сўроқ гап ва ҳис-ҳаяжон гап терминлари билан танишадилар, маъно жиҳатидан зарур бўлган сўзни (маъно ургусини олган сўзни) овоз кучи билан ажратиб айтишни ўрганадилар, гапнинг охирига шуқтагина эмас, балки сўроқ белгиси қўйилишини ўзлаштириб оладилар. Ҳамма синфларда гапнинг кўрсатилган турларини тузадилар.

Гап бўлаклари билан ўқувчилар 1-синфда амалий таниша бошлайдилар. Бунда ўқувчилар грамматика ва ўқиш дарсларида гап ким ёки нима ҳақида айтилганини ва нима дейилганини билдирган сўзларни топишга ўрганадилар.

Ўқувчилар 2-синфда «эга» ва «кесим» терминларини ўзлаштирадилар, гапда бош бўлаклардан ташқари, иккинчи даражали бўлаклар ҳам (иккинчи даражали бўлаклар турларга ажратилмайди) бўлишини билиб олишлари керак.

3- синфда ўқувчилар боғловчилар ёки оҳангнинг ўзи билан боғланган уюшиқ бўлакларни, уларнинг санашиб оҳангни билан айтилишини ва ёзишда вергул билан ажратадилар. Бу синфда икки содда гапдан тузилган ва бир-бiri билан боғловчилар ёрдамида ёки оҳангнинг ўзи билан боғланган қўшма гаплар ўргатилади. Ўқувчилар ўзлари қўшма гаплар тузишлари ва қўшма гапларни қисмларга бўла олишлари, уларда аммо, лекин, бироқ, шунинг учун боғловчиларидан олдин вергул қўя олиш кўникмаси ҳосил бўлиши лозим. Болалар ундалма билан боғланишли нутқа танишадилар.

Ўқув йили охираida ўтказиладиган контрол диктант учун сўзлар сони тахминан қўйидагича: 1-синфда 30—40 сўз, 2- синфда 50—60 сўз, 3- синфда 70—80 сўз. Баён

учун танланадиган текстлардаги сүзлар сони эса диктантдаги сүзлар сонидан 10—15 сүз ортиқ бўлади.

Программа материалини ўтиш программадагина эмас, дарсликда ҳам белгилаб берилади.

Программа болалардан ўрганилаётган грамматик ва орфографик ҳодисаларни англаб олишларини, уларда ўз билганиларини тушунтириш, мулоҳазаларини асослай олиш, тил ҳодисаларини қиёслаш, группалаш, умумлаштириш, хулосалар чиқара олиш малакаларини шакллантиришни талаб қиласди. Программада ўқувчиларнинг ўз билимларини оғзаки ва ёзма нутқда татбиқ қила олишларига алоҳида эътибор берилган.

Нутқни ўстириш ўқиш, грамматика ва имло машғулотларида ҳам олиб борилади. Болаларни тўғри орфоэпик талаффузга ўргатиш, уларнинг оғзаки нутқининг аниқлиги ва таъсирчанигини таъминлаш, сўз бойликларини кенгайтириш, сўзни тўғри ва ўз ўрнида аниқ қўллашларига, сўз бирикмаси ва гап туза олишларига эришиш бошланғич синфларда она тилидан ўтказиладиган дарсларнинг асосий мундарижаси ҳисобланади.

Программада кўрсатилган нутқий машқлар орасила луғат иши, синтактик ва композицион (сада типдаги ҳикоялар тузиш) машқлар катта аҳамиятга эга. Сўз, сўз бирикмаси, гап, боғланишли текст устида ишлаш юзасидан ўтказиладиган турли-туман машқлар грамматик ҳодисаларни англашга, ўқувчиларнинг ақлий ва нутқий тараққиёт даражаларини кўтаришга ёрдам беради.

Имлони ўрганишда ўзлаштирилган грамматик материалларга асосланилади. Ўқувчилар грамматик тушунчаларни қанчалик пухта ўзлаштирсалар, қоидалардан қанчалик яхши фойдалана олсалар, уларда имло малакалари шунчалик муваффақиятли шаклланади. Шу билан бирга, имлони ўрганиш жараённида луғавий-орфографик машқлардан, шунингдек, турли-туман синтетик машқлардан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Орфографик ишларни бундай уюштириш, бир томондан, нутқ ўстиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, ўтилаётган материални ўқувчиларнинг онгли ўзлаштиришларини, орфографик кўникмаларнинг аста-секин пишиқ-пухта бўла боришини таъминлайди.

Имлоси қийин сўзлар машқларга киритилади, талаффузи ва ёзилиши жиҳатидан группалаштирилади, бир-бирига қиёс қилинади ва ўқувчиларнинг луғат дафтари-

ларига ёздерилади, шу йўл билан бундай сўзларнинг та-лаффузи ва ёзилишини эсда сақлаб қолишларнга эри-шилади.

Турланиш ва тусланиш (отларнинг келишик қўшим-чаларн билан турланиши, феълларнинг шахс-сон қўшим-чалари билан тусланиши) ўрганилганда сўз биримаси-га, гапни сўз бирималарига ажратишга, ҳар бир сўз би-римасидаги бир сўздан иккинчи сўзга сўроқ беришга асосланиш муҳим аҳамиятга эга.

Болаларга имлони ўргатишда бир сўзни ёки сўз шак-лини бошқа сўз ёки сўз шакли билан ўхашлик ва фарқ қиладиган томонларини солиштириш усулидан фақат сўз ўзакларидаги унли ёки ундошларни тушуниришда-гина эмас, балки сўзнинг бошқа маъноли қисмларини, (отларнинг келишик қўшимчалари, феъллардаги замон қўшимчалари имлосини) ўргатишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи болаларда орфографик зийраклик ва ўз хатосини ўзи текшира олиш қобилияти-ни ўстиришга ғамхўрлик қилиши керак.

Дидактиканинг янги материалини олдингиларга боғ-лаб ўтиш ва истиқболини кўзда тутиш принципи қўйи-дагиларга риоя қилишни тақозо қиласди:

- 1) болаларнинг нутқий тажрибаларига таяниш;
- 2) таълимнинг аввалги босқичларида ўрганилганлар-ни мунтазам равишда такрорлаб бориш;
- 3) она тилини ўргатишда кейинги манфаатларни кўз-да тутиш.

Грамматикадан ўтказиладиган дарсларнинг асосий қисмини хилма-хил ва тўғри танланган машқлар ташкил қилиши керак. Деярли ҳар бир дарс бирон-бир шакли-да тилинг турли томонларига (товуш ва ҳарф, сўз, гап, багланишили нутқ) дахлдор бўлади. Деярли ҳар бир дарсда уқув, фаҳмлаш, эсда сақлашнинг турли во-ситаларига таянадиган орфографик машқлар ўткази-лади.

Тил машғулотларида фойдаланилдиган гап ва текст-лар ўз мазмуни билан болаларнинг талаб ва эҳтиёжла-рига яқин бўлиши, уларда билиш, англаш кучини ўсти-радиган, айни вақтда, болаларда она тилига, ўз Вата-нига муҳаббат ҳисларини тарбиялайдиган бўлиши лозим,

## Боғланишли нутқ соҳасидаги кўникма ва малакалар

Бошланғич синфларни битирадиган ўқувчилар содда типдаги ҳикояни, бир неча гапдан тузилган хатни мустақил, айни вақтда саводли ёзиши билishi керак.

Боғланишли нутққа доир машқлар ўқиш ва грамматика дарсларида оғзаки ва ёзма шаклда ўтказилади.

Ўқиш дарсларида боғланишли нутқ машқлари асосан ўқилаётган текстнинг мазмуни билан боғланади. Грамматика дарсларида эса боғланишли нутқ машқлари тилга оид билимларни сингдириш жараёнида амалга оширилади. Грамматик билим ва қўникма, нутққа ҳамда имлога оид малакалар ўқувчилар томонидан айтилган сўз ва айрим гаплардагина эмас, балки мантиқий фикрланган ҳолда келтирилган мисолларда баён ва иншода қўлланилсагина тўлиқ ва пухта ўзлаштирилган ҳисобланади.

Грамматика программасида баён ва иншо типидаги ёзма ишларга кўпроқ эътибор бериш уқтирилган, ўқиш программасида эса қайта ҳикоя қилиш, айтиб бериш типидаги оғзаки машқларнинг тез-тез ўтказилиши кўзда тутилган. Оғзаки ва ёзма нутққа доир машқлар бир-бири билан жипс боғланади. Нутқ ўстиришга доир оғзаки ва ёзма машқларга алоҳида аҳамият берилган ҳолда грамматика дарсида ҳам, ўқиш дарсида ҳам ўтказилади.

Программа талаб қиласидаги материалларнинг ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ ҳолда, маълум изчилилликда берилади. Программа материалларнинг жойлаштирилиши шу материалларга мос машқларнинг берилиш тартибии ҳам белгилайди. Бунда ўқитувчи боғланишли нутқии ўстириш юзасидан ўқув йилининг бир чораги ёки ярим йили учун план тузар экан, фақат баён ва иншонинг миқдоринигина кўрсатмай, ёзма ва оғзаки ўтказилидиган ишларнинг характеристи, бу ишларнинг ўқиш, грамматика ва имло машгулотлари системасидаги ўринини ҳам беттилаб олиши керак. Ёзма нутқ соҳасида ҳосил қилинадиган кўникмалар оғзаки нутқни ўстириш асосида эришилишини унутмаслик керак. Ёзма машқларни ўтказишдан олдин ўқитувчи ўқувчилар билан оғзаки машқ ўтказади. Бу билан ёзма ишнинг нутқий ва имловий жиҳатдан саводли бажарилишига замин ҳозирланади. Ўқитувчи оғзаки машқнинг бажарилиши жараё-

нида ишнинг мазмуни, тузилишига онд ўқувчилар йўл қўйган камчиликларни тузата боради, ўқувчи эса ўқитувчининг мулоҳазаларини ҳисобга олади, сўнг ёзишга киришади.

Одатда, текстни қайта ҳикоя қилиш ва баён ёздириш болаларни ўз кузатишлари, фикр ва таассуротларини мустақил баён қилиш орқали юзага келади. Буининг учун ўқитувчи танлайдиган текстларининг тематикаси ва тузилиши болаларининг бундан кейин ёзаднган ишола-рига яқин бўлиши лозим.

Баён тексти, шунингдек, ишо тёмалари ҳам кўпроқ ривоя тарзида бўлиши керак. Текстга аста-секции тасвири (табиат маизараси, кишиларининг ташқи кўрининшини меҳнат жараёни тасвири) ва муҳокама (ни ма учун? сўроғига жавоб бериш) элементлари киритилади. Тасвир ва муҳокама элементлари катта бўлмаслиги, 2—3 гапдан иборат бўлиши керак. Ўқувчилар ўз ҳикояларида тасвир элементларини бера олишлари учун ўзларига яхши таниш бўлган предметлар, табиат ҳодисалари ва кишиларнинг ташқи кўрининшини икки-уч гап орқали оғзаки ва ёзма тасвирлаб бера олишлари лозим. Кейин ана шу тасвирдан ўз ҳикояларида фойдаланишларини талаб қилинади.

Болаларга иш қофозларининг айрим турларини ўргатишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак; бошланғич синф ўқувчилари салом хати ёза олиш кўник масини ҳосил қилишлари зарур. Иш қофозларининг бошқа турлари эса юқори синфларда ўргатилади.

Программада ҳар бир синфда боғланишли нутқ юзасидан олдинги синфда ўтилганларни машқ қилдириш кўрсатилган эмас, аммо, таълимда бўлганидек, олдинги синфда ҳосил қилган кўникмаларни мунтазам такрорлаб, пухталаб бориш жуда зарур. Ўқувчилар программада кўрсатилган баён ва иншонинг бирон-бир турини ўтказишига бирор сабаб билан тайёр бўлмасалар, аввалги синфда ўтилгаилар юзасидан машқ ўтказилади.

Ёзма ишларни, шу жумладан, иншони ҳам ўқувчилар мазмунли, саводли ёзишларига ғамхўрлик қилиш лозим. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма баён қилиш учун план тузишларига, план асосида сўзлай олиш ва ёза билишларига алоҳида эътибор бериш керак.

Нутқа ва имлога оид камчиликларни барча дарсларда мунтазам кўрсатиб, тузатиб бориш талаб қилинади.

Ўқувчилар ёзма ишни ўқитувчининг назорати остида бажарадилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг илтимоси ёки ўз хоҳиши билан ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига халақит бермай, уларга ёрдам беради. Ўқувчиларда ўқитувчидан бирор нарсани сўраш, лугат ва дарслердан фойдаланиш имконияти бўлиши керак.

Бажарилган ёзма ишларнинг ҳар томонлама анализ қилишнинг катта аҳамияти бор, ишни анализ қилишда ва уни тузишда ўқувчиларнинг ўзлари актив иштирок этишлари керак. Ўқитувчилинг раҳбарлигидаги колектив ишлар ҳам ўқувчиларни баён ва иншога ўргатишда катта аҳамият касб этади, бунда ўқувчилар ҳосил қилган кўникмалари ёрдамида ўз тасаввур ва фикрларини bemalol ifodalay oладилар.

Иншо тематикаси учун уч манба, яъни ўқилган асар, ўқитувчи раҳбарлигида кўрсатилган сурат, ўқувчиларнинг ўз ҳаётий кузатишлари материал бўла олади. Тема танлашда унинг ҳаётийлиги, болаларнинг тажрибаси ва қизиқишлирига яқинлиги, мазмунининг мослиги, композицион ҳамда нутқий тузилиши жиҳатидан болаларнинг кучи етадиган бўлишини ва тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиш керак. Иншо учун кенг масалаларни ўз ичига олган, айниқса, табиат манзарасини тасвирлашни кўзда тутган (куз, қиши ва ҳоказо) темаларни эмас, балки конкрет кузатишларни, тасаввурларни, болаларнинг ишларини кўзда тутган темаларни чунончи: «Пахта теримига ёрдам бердик», «Қор бўрон ўйнадик», «Биз экскурсияга чиқдик», «Мактаб тажриба участкасида» каби темаларни танлаган маъқул.

Болаларга мазмунини ўзлари мустақил равишда белгилайдиган, ўзлари танлаган темаларда иншо ёзишга ҳам имкон бериш керак. Ишнинг бу тури болаларда ижодий фикрлашни ўстиришга катта ёрдам беради.

Бошланғич синфларда баён ва иншонинг ҳажми катта бўлмайди. Синфда ёзма бажариладиган баён ва иншо ҳамма вақт маҳсус бир соат дарсни талаб этавермайди, дарснинг маълум бир қисмида ўтказилади. Аммо айрим ҳолларда баён ва иншо учун умумий соатлар (ўқиш ва грамматика учун ажратилган соатлар) ҳисобидан маҳсус дарс ажратилади, шунингдек, III синфда баён ва иншонинг анализи учун ҳам алоҳида соат ажратиш маъқул.

Бошланғич синфларнинг ҳар бирида она тили (грамматика, ўқиш) учун берилган соатлар ҳисобидан ҳафтада бир соатдан баён ва иншо учун вақт ажратиш талаб этилади.

Бошланғич синфларда ўтказиладиган турли ёзма ишлар, шу жумладан, баён ва иншо ҳам асосан таълимий характерда бўлади. Ўқитувчи бу ёзма иш турларидан аста-секин мустақил машқлар ва контрол иш тарзида фойдаланиши мумкин.

## Ёзув (ҳусниҳат) ўргатиш

Бошлангич таълимда хатнинг график томони ҳусниҳатга ўргатиш учун маҳсус дарслар ўтказиш тавсия қилинмайди. I—III синфларда ҳусниҳат машқларига ёзув дарсларидан бир неча минут ажратиш мақсадга мувофиқдир. Қаллиграфияга ҳамма вақт эътибор бериш керак. Ҳусниҳат программасидаги талабларни болалар ёзув билан машгул бўладиган ҳар бир дарсда амалга оширишга эришиш керак. Ҳар қандай ҳат тоза, аниқ, ҳарфларнинг ўлчови, шакли, мойиллиги ва қўшилиши белгиланган нормаларда бўлишига риоя қилиш зарур.

Ҳарфларнинг ёзилиши ва қўшилиши хат-савод ўргатиш даврида ўргатилади. Бу даврда ҳосил қилинган кўнимкалар болалар ёзув билан машгул бўладиган барча дарсларда, хусусан, грамматика, имло ва нутқ ўстириш дарсларида мустаҳкамланиб бориши керак.

I синфда ўқув йилининг иккинчи ярмидан ҳар бир дарсда график машқлар учун (ҳусниҳат учун) 8—10 минут вақт ажратилади. Бунда қўл мускуллари ҳаракатини ва қўз билан чамалашни такомиллаштириш учун дастлабки машқлар ўтказиш, айрим ҳарфларни ва ҳарф группаларини мураккаблашиб боришига қараб ёзиш, ёзилиши қийин бўлган ҳарфларни дарсликдагидек ёзиш ишлари бажарилади. Булардан ташқари, ўқувчилар I синфда ўрганган ҳарфларидан тузилган сўзларни, қўл ҳаракатини узмай bogлаб ёзишни, шунингдек, эшитиб ёзишни машқ қиласилади.

II ва III синфда ҳусниҳат машғулотлари грамматика, имло, нутқ ўстириш дарсларининг таркибий қисми сифатида ўтказилади. Бу машғулотларда ёзилиши ва бир-бираiga қўшилиши мураккаброқ бўлган ҳарфларга алоҳида эътибор бериш керак. Бу синфда ёзма ва босма текст-

ларни кўчириб ёзиш суръатини аста-секин тезлаштириш, ҳарфларни ўзаро бοглаб ёзиш, эшишиб ёзиш каби машқ турларидан кенг равишда фойдаланилади. Бундан ташқари, ўқувчилар хатидаги камчиликларни тугатиш борасида маҳсус машқлар ўтказиш тавсия қилинади.

Хуснихат машқларига II синфда ҳафтасига уч марта, III синфда эса икки марта 10—15 минутдан вақт ажратилади. Зарур бўлиб қолган тақдирда, ўқитувчи тилдан бўладиган машғулотларга зарар етказмаган ҳолда хуснихат машқларига алоҳида вақт ажратиши ҳам мумкин.

Ўқувчиларни ёзувга ўргатишдан, хусусан, хуснихатга доир турли машқлар ўтказишдан асосий мақсад болаларда қуидаги малакаларни ҳосил қилиш эканлигини унумаслик керак:

1. Нутқ товушларини ҳарфлар орқали ифодалай олиш.

2. Ҳарф, сўз ва гапни тўғри ҳамда аниқ ёза олиш, китоб ва доскадан кўчириб ёзиш, эшишиб ёзиш, ёзилганларни текшириб, хатолари бўлса тузата олиш.

3. Аста-секин ўз таассурот ва фикрларини ёзма шаклда баён қила олиш.

Бу малака ва кўниммалар уч йиллик бошланғич таълимда она тилини ўрганиш жараёнида аста-секин ҳосил қилинмоқда.

## ПРОГРАММА.

### I СИНФ

**Хат-савод ўргатиш ва нутқ ўстириш (168 соат)**

(Сентябрь—15 декабрь)<sup>1</sup>

**Ўқиш ва нутқ ўстириш**

Нутқни гапларга, гапни сўзларга, сўзни бўғинларга бўлиш, товушларни эшишиб ва талаффуз қилиб бир-биридан ажратиш. Сўзда товушларнинг бирин-кетинлигини аниқлаш; кесма алифбедаги ҳарфлар ёрдами билан очиқ ва ёпиқ бўғинларнинг турли кўринишларидан тузилган

<sup>1</sup> Ўқитувчи ўз имкониятига қараб хат-савод ўргатишни 10—15 кун салдирилганда — 1 декабргача ҳам тамомлаши мумкин.

сўзлар, айниш ва юмшатиши белгиси бўлган сўзларни тузиш ва ўқиш. Осон, кичик текстларни овоз чиқариб, бўғинлаб, оғли, тўғри ва равон ўқиш.

Оғзаки шутқода ва ўқишда содда гапларнинг охирига қўйилган тишиш белгиларига (нуқта, сўроқ ёки ундов белгиларига) мос оҳанг ва паузага, уюшиқ бўлаклар орасида вергул қўйилган ўринларда эса саиаш оҳангига риоя қилиб ўқиш.

Ёдлаңгани шеърни оҳангига риоя қилган ҳолда ёддан, ифодали айта билиш.

Ўқилган гап, ҳикоя ва расм юзасидан саволларга жавоб бериш.

Ўқилган кичик текстни саволлар воситасида ёки саволларни қайта ҳикоя қилиб бериш.

Ўқилган текст ва кузатишлар асосида предметларни муҳим белгиларига қараб группалаш ва ажратиш.

Кунлик об-ҳавони кузатиб бориш, кузининг белгилари ҳақида ҳикоя қила билиш.

### Синфдан ташқари ўқиш

Асосий ўқиш гигиенаси ва китоб фондиин сақлаш қоидалари билан танишириш.

Катта бўлмаган (кичик) эртак, ҳикоя, топишмоқ ва шеърларни ўзлаштириб олиш, эшигнларни ҳикоя қилиб бериш, ўқилгандарга оддий (садда) гина баҳо бера олиш, асарга муносабатини билдириш. Асар мазмунига мос расм чизиш. Ўқиган китобининг авторини ва севиб ўқиган китобининг номини айтиб бериш.

### Ёзув ва нутқ ўстириш

Хат ёзиш вақтида тўғри ўстириш, дафтарларни тўғри қўйиш, ручкани тўғри ушлаш, сиёҳ ва босма қофоздан фойдаланиш кўникмаларни ҳосил қилиш.

Сўздаги ҳарфларни бир-бирига боғлаб текис ёзиш, сўз ва гапларда бош ва кичик ҳарфларни алифбе китобида берилган тартибда ёзиш.

Сўзларни ва уч-тўрт сўздан тузилган гапларни аввал ўқитувчи раҳбарлигида анализ қилиб, кейин мустақил равишда ёза олишга ўргатиш.

Босма ҳарфлар билан ёзилган сўз ҳамда гапларни ўқиш ва кўчириб ёзиш, ёзилиши ва айтилишида фарқ

қилмайдиган сўзларни ва шундай сўзлардан тузилган гапларни диктовка билан ёзиш. Ёзилиши билан айтилишида фарқ қиласидиган сўзларни кузатиб бориш. Ёзилган сўзнинг тўғри ёки нотўғрилигипи текст билан солиштириб кўриш ёки товуш-ҳарфларни анализ қиласидаги ҳикояни ташаббуси билан ўқиши орқали текшириб кўриш.

Гап бошида келган сўзни, кишиларнинг исми, фамилияси ҳамда ҳайвонларга атаб қўйилган номларни бош ҳарф билан ёза билиш. Кичик ҳикоя тузиши ва шу ҳикояни ташлаб олинганинг гапларни ёзиш.

**Табиатни кузатиш.** Кузининг белгилари, дараҳт барглари рангининг ўзгариши, хазонпредзигитик, қушларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетишини, кузда қушларнинг ҳаёти. Кишиларнинг куздаги меҳнати.

Расм ва юлдузчалардан фойдаланган ҳолда синифда меҳнат ва табиат календарини тузиш.

**Экскурсиялар:** «Куз» темасида табиатга икки марта экскурсия ташкил этиш.

### ЎҚИШ ВА НУТҚ ЎСТИРИШ (126 соат)

#### Октябрятлар (6 соат)

Октябрятларнинг кундалик режими, ҳаёти, улар меҳнатининг жамият учун фойдаси ҳақидаги ҳикоя ва шеърлар.

#### Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Октябрятлар.

Куч бирликда.

В. Осеевадан. Уч ўртоқ.

Менинг ўғлим.

Ю. Гагарин. Биринчи синф ўқувчиларига хат.

#### Қишиш (17 соат)

Қишиш манзараси, ҳайвонлар ҳаёти, кишиларнинг меҳнати ва уларнинг табиатга муносабати ҳақида ҳикоя, шеър, эртак, мақол ва топишмоқлар. Қишиш кўринишига онд расмлар. Ҳайвонларнинг қишидаги ҳаёти.

## Ўқиши ёд олиш учун асарлардан намуналар

И. Муслим. Қиши.

Г. Скребицкий. Биринчи қор.

В. Одоевский. Қорбобонинг меҳмони.

Үйғун. Мен қушларга дон бердим.

П. Мўмин. Қор ёғарди.

Табиятни кузатиш. Қишининг белгилари. Сув ва ер-шинг музлаши. Қорининг ёғиши. Қишида ўсимлик ва ҳайвопларчинг ҳаёти. Қишиларнинг қишдаги меҳнати.

Предмет дарслари. Қор ва куз.

Экскурсия. Ўсимликларнинг қишдаги кўриниши.

## Оила (6 соат)

Ота-оналар ва болалар ҳақида, оила аъзоларининг меҳнати ва дам олиш ҳақида ҳикоя, шеър ва мақолалар. Ульяновлар оиласи ҳақида ҳикоялар.

## Ўқиши ёд олиш учун асарлардан намуналар

О. Маҳкамов. Ойнажоним.

Л. Н. Толстой. Ҳаммадан яхши.

Қ. Муҳаммадий. Мен дадамга ёрдамчи.

И. Муслим. Мактабдан келганимда.

В. Сидировдан. Ульяновлар оиласида.

## Нима яхши-ю, нима ёмон (15 соат)

Софдиллик, жасурлик, меҳнатсеварлик, ҳушёрлик, ғамхўрлик, ҳақиқий дўстлик, қишиларнинг жамият учун хизматлари ҳамда уларнинг яхши ва ёмон хатти-ҳара-катлари ҳақида ҳикоя, шеърлар.

## Ўқиши ёд олиш учун асарлардан намуналар

В. В. Маяковский. Нима яхши-ю, нима ёмон?

Е. Шукurov. Шоҳида.

А. Седугин. Болғача.

Л. Н. Толстой. Икки ўртоқ,

П. Мұмии. Үқитувчим.  
Қ. Мұхаммадий. Билім ол, ҳунар ташла!  
М. Иброҳим. Нон азиз!

### Бизнинг Армиямиз (6 соат)

Тинч қурилиш даврида совет солдатларининг ҳаёти,  
мәхнати. Совет Армиясининг фашист босқинчилари ус-  
тидан галабасига оид ҳикоя ва шеърлар.

Үқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Л. Қассиль. Тинчлик посбонлари.  
Уйғун. Менинг акам.  
Л. Ҳамраев. Икки дүст.  
З. Диёр. Фалаба куни.

### Баҳор (13 соат)

Далада баҳор. Ҳайвонлар ҳаёти, гуллар ва ўсимлик-  
лар. Кишиларнинг баҳорги мәхнати акс эттирилган  
расмлар, болаларнинг баҳорги мәхнати ва ўйинлари ҳа-  
қида ҳикоя, шеър, эртак, мақол ва топишмоқлар.

Үқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Мирмуҳсин. Кўклам.  
Уйғун. Баҳор.  
П. Мұмин. Ўртоқ қушлар.  
Л. Н. Толстой. Соқчи чумчуқ.  
Саман от ва бўри.

Табиатни кузатиш. Баҳорда куннинг узайиши, иси-  
ши, қор ва музларнинг эриши, дараҳтларнинг гуллаши,  
қушларнинг учиб келиши. Эрта баҳорда очиладиган  
гуллар. Кишиларнинг баҳордаги мәхнати.

Предмет дарси. Эрта баҳорда гуллайдиган  
ўсимликлар.

Экскурсия. Боғнинг баҳорги кўриниши.

### 8 Март — хотин-қизлар куни (4 соат)

Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги фойдали меҳ-  
нати ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

**Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

Уйғун. Икки она.  
Н. Калининадан. Болалар боғчасида 8- Март.  
Онам.

**22 апрель — В. И. Ленин туғилган күн (10 соат)**

В. И. Лениннинг инсон баҳти ва саодати йўлидаги кураши, совет халқининг В. И. Ленин васиятларини амалга ошираётгани ҳақида шеър ва ҳикоялар. В. Ульяновнинг болалиги ҳақида ҳикоялар.

**Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

П. Мўмин. Йигирма иккинчи апрель.  
А. Ульянова. Володя қандай ўқиган эди.  
М. Қўшоқов. Ленин қизи.  
А. Кононов. Сокольникида арча байрами.  
С. Михалков. В. И. Ленин музейида.

**Биринчи май (4 соат)**

Биринчи майга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш. Октябрь революциясидан олдинги ва революциядан кейинги маёвкалар.

Чет эл ёшларининг ҳаёти, жаҳон меҳнаткашларининг дўстлиги ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

**Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

Биринчи май.  
С. Баруздин. Байрамда.  
Тошкентда биринчи маёвкалар.  
М. Қўшоқов. Баҳор кезар.  
Л. Ошанин. Ҳар доим бўлсин қуёш.

**Бизнинг Ватанимиз — Совет Иттифоқи (9 соат)**

Ватанимиз пойтахти — Москва, республикамиизнинг пойтахти — Тошкент ҳақида, дарёларимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз, совет кишиларининг меҳнати, ўтмишдаги ва ҳозирдаги ҳаёти ҳақида шеър ва ҳикоялар.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Қ. Ҳикмат. Менинг Ватаним.  
Қ. Гроденский. Ватанимиз.  
М. Қўшоқов. Светофор сўзи.  
П. Мўмин. Шахтёр.

### Ёз (10 соат)

Ёз табиати, болалар ва катталарниг ёзги машғулотлари ҳақида ҳикоя, шеър ва эртаклар.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Қ. Муҳаммадий. Пахта қўшифи.  
Н. Хотамов. Жонкуяр бола.  
М. Муродов. Бир туи сада.  
Э. Мажидов. Лагерда.  
Шамси Одил. Орзу.

А. Раҳмат. Ёз кунларидан бирида.

Табиатни кузатиш. Ёз табиатини кузатиш. Ёзда куннинг узайиши, ҳароратниг кўтирилиши. Эртаги меваларниг етилиши.

Ҳайвоnlарниг ҳаёти. Ёзда кишилар меҳнати.

Предмет дарслари. Үсимлик турлари билан таништириш.

Экскурсия. Дала, боғ, ҳиёбонларниг ёзги кўриниши.

### Эртак ва масаллар (8 соат)

Ўзбек халқ эртаклари. Ўзбек ёзувчилари қайта ишлагаш эртаклар.

СССР халқ эртаклари.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Ҳайвоnlарниг тортишуви.  
Чумоли ва каптар.  
Тулки ва турна.  
Эчки болалари ва бўри.

А. Н. Толстой. Нима қўрқипчли.  
Товуқ, ўрдак ва сичқон.  
Асалари ва пашша.  
Олтин тарвуз.

## Ўқиши кўникмалари

Сўзни тўғри, равон, оигли, нормал тезликда (йил охирида минутига 30 — 40 сўз) бутунича ўқиши. Қийин сўзларни бўғинлаб ўқиши, сўзни аниқ талаффуз этиш. Гап охиридаги оҳангга, бир гапни иккинчи гапдан ажратадиган паузага роњоя қалиш.

## Текст устида ишлаш

Ўқилган текстлар ва шахсий кузатишларга оид саволларга жавоб берса олиш. Ўқилган текст ёки ҳикоядаги манзарани сўзлар воситасида гавдалантириш. Ўқитувчининг саволлари асосида текстни қисмларга ажратиб, ўқилган текст мазмунини қайта ҳикоя қилиш, эртак айтиш, текстга оид расмларнинг мазмунини ҳикоя қилиш.

Табиатдаги воқеа; ҳодисаларпи, асарда иштирок этувчи шахсларни, шунингдек, табиат манзараларини характерловчи сўз ва ибораларни ўқитувчи ёрдамида текстдан топса олиш, маъно жиҳатидан яқин бўлган сўзларни таққослаш.

## Синфдан ташқари ўқиши

Эртак, ҳикоя ва шеърини бир-бирндан ажратса олиш. Қундалик, ҳафталик об-ҳавони оғзаки тасвиirlай олиш (иссиқ ёки совуқ, шамол эсяпти ёки эсмаяпти, ҳаво очиқ ёки булатли, ёғингарчилик бўлди ёки бўлмади), ой бошидаги ва охиридаги об-ҳавони таққослаш.

Ўқиши маданияти қоидаларини бажариш, ҳар куни маълум бир вақтда ўқиши. Китобларнинг асосий қисмлари (муқова, варақ, бет ва ҳоказо) билан танишиш. Янги китоб билан таништиришда асарнинг номи, автори ва қисқача мазмунини баён этиш, номи тез-тез учраб турадиган айрим болалар ёзувчилари ва уларнинг асарлари билан таништириш.

## Товушлар өткөрмөлөр (50 соат)

Үнли ва ундош товушлар. Уларнинг бир-биридан фарқи. Үнли ва ундош ҳарфлар, унли ҳарфлар: а, и, о, у, э, ў, е, ё, ю, я. Ундош ҳарфлар: б, в, г, д, ж, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ. Юмшитиш — ында айприш — ында белгиси, ий, ий, ув, нг ҳарф биринчаларининг ёзилиши: д ва т, б ва п ундошларининг ёзилиши: обод, мактаб. Кетма-кет келган бир хил ундошли (иккя бўғинли) сўзларнинг ёзилиши: катта, пилла. Бу каби сўзларни тўғри ёза олиш.

Сўзни бир йўлдан иккинчи йўлга бўғинлаб кўчириш. Юмшитиш ва айриш белгиси бўлган сўзларни бир йўлдан иккинчи йўлга кўчириш: аль-бом, маъ-но, саъ-ва.

**Алфавит.** Алфавитни билиш. Дарсликдаги лугатдан сўз топа олиш. Берилган сўзларни биринчи ҳарфига қараб алфавит тартибида жойлаштириш.

## Сўз (35 соат)

Ким?, нима?, қандай?, қанақа?, нима қилди?, нима қиляпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқларга жавоб бўладиган сўзлар. Сўзларга бу каби сўроқларни бера олиш. Кишиларнинг исми ва фамилияси, ҳайвонларга атаб қўйилган номлар, шаҳар, қишлоқ, кўча номларининг бош ҳарф билан ёзилиши.

Ўзакдош сўзлар, ўзакдош сўзларнинг умумий қисми билан таништириш.

Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин (шод ва қувноқ) ҳамда бир-бирига қарама-қарши бўлган сўзлар (иссиқ ва совуқ) билан таништириш.

Предмет номларини группаларга (ўкув қуроллари, ўсимликлар, ҳайвон ва ҳоказолар номига) бўла олиш; группаларни умумлаштирувчи сўз билан атай олиш: ручка, китоб, дафтар — ўкув қуроллари, қўғирчоқ, коптак, кубик — ўйинчоқлар.

Предмет белгиларини: ранги, ҳажми, материали, мазасига қараб группалай олиш ва уларни сўз билан ифодалай олиш.

Предметларнинг ҳаракатини группалай олиш ва уларни сўз билан атай олиш.

Нутқни гапларга бўлиш, гапдан шу гап ким ёки ни-  
ма ҳақида айтилганини билдирган сўзни ва нима де-  
йилганини билдирган сўзни ажрата олиш. Гапдаги сўз-  
ларнинг ўзаро боғланганлигини саволлар воситаснда  
аниқлай олиш (огзаки).

Гапнинг охирига қайвақтда нуқта қўйилиши ва қай-  
вақтда сўроқ ва уидов белгилари қўйилиши билан та-  
нишитириш.

Гапнинг бош ҳарф билан бошланиши.

Гап тузা олиш.

**Боғланишли нутқ<sup>1</sup>.** 1) Ўқитувчи раҳбарлигида бирор  
тема юзасидан берилган саволларга оғзаки ва ёзма жа-  
воб бериш. Сюжетли суратларга қараб гап тузиш. Ўқи-  
тувчи раҳбарлигида бир темага алоқадор бир неча гап  
тузиш ва уни ёзиш. Ўқилган кичик текстнинг қисмлари-  
га ўқитувчи раҳбарлигида сўроқ гап шаклида сарлавҳа  
қўйиш. Катта бўлмаган (30 — 40 сўздан иборат) текст-  
ни ўқитувчи раҳбарлигида саволлар ёки берилган икки-  
уч гапли план асосида баён қила олиш. Ўйналган ўйин,  
қилинган иш ҳақида ҳикоя тузиш ва уни ўқитувчи раҳ-  
барлигида ёзиш.

**Ҳуснинат.** Қўл ва бармоқ мускулларининг ҳаракат-  
лари ҳамда кўз билан ҳарфларнинг эпини, қиялигини,  
ҳарфлар орасидаги масофани чамалаб ёзишини тако-  
миллаштириш. Кичик ҳамда бош ҳарфларни қўл ҳара-  
катини узмай ёзиш.

Ёзиш суръатини аста-секин тезлаштириш.

Бош ва кичик ҳарфларни алфавит тартибида ёзиш,  
икки чизиқли дафтарга кичик ва бош ҳарфларни, сўз ва  
гапларни текис ёза олиш.

Имлоси қийин бўлган сўзларнинг ёзилишини ўзлаш-  
тириб бориш: баҳо, баҳор, вазифа, дарс, дафтар, ён-  
гоқ, завод, йил, колхоз, конъки, луғат, машина, мебель,  
Москва, октябрят, пальто, пиёз, сиёҳдон, соат, стакан,  
тонг, фасл, шаҳар, ўқитувчи, қўғирчоқ, ҳаво, ҳикоя.

---

<sup>1</sup> Богланишли нутқ машқлари грамматика ва имло машғу-  
лотларига боғлиқ ҳолда унга ажратилган вақт ҳисобидан ўткази-  
лади.

ҰҚИШ ВА НУТҚ ҮСТИРИШ (140 соат)<sup>1</sup>

Ёз хотиралари (4 соат)

Ёз табиати, болаларнинг ёздаги дам олишлари, табиатни севиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, кишиларнинг ёздаги меҳнати ҳақидаги шеър ва ҳикоялар.

Ұқишиң ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Уйгун. Сув қучоғида.  
Яшил бойлик соқчилари.  
Болаларнинг мактабга совгалари.

Октябрятларнинг ҳаёти ва иши (7 соат)

Октябрятларнинг кундалик режими, ҳаёти, улар меҳнатининг жамият учун фойдаси ҳақида ҳикоя ва шеърлар. Чет эллардаги болалар ҳаёти.

Ұқишиң ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

К. Мұхаммадий. Мактаб.  
Уйгун. Сув қучоғида.  
Я. Пинясов. Қаидай бўлиш керак, қандай бўлмаслик керак.  
Ғ. Жаҳонгиров. Октябрят.  
Турли мамлакатлардаги дўстларинг.

Табиатнинг куздаги манзараси (12 соат)

Кузги табнат кўринишининг ёзувчилар, шоирлар, ҳалқ ижодида тасвирланиши, кузниң бошланиши, олтин куз, кеч куз, ҳайвонлар ҳаёти, кишилар меҳнати, болаларнинг табиатни муҳофаза қилишга иштироки, катталарнинг табиатга муносабати.

<sup>1</sup> Ушбу соатлар ҳисобидан икки ҳафтада бир марта синфдан ташқари үқишиң дарси уюстирилади.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Уйғун. Куз келди.  
Ш. Рашидов. Қузда.  
Қ. Мұхаммадий. Раъно күрган марварид.  
Турналар.  
Шукрулло. Куз.

## 7 ноябрь — улуғ байрам (8 соат)

Совет ҳокимияти даврига қадар ишчи ва деҳқонларнинг оғир аҳволи, В. И. Лениннинг Октябрь кунларидағи фаолияти, меҳнаткашлар ва уларнинг болалари ҳаёти. Октябрь революциясидан кейин рўй берган ўзгарышлар ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Уйғун. Октябрь.  
Ойбек. Жияқ бозори.  
А. Кононов. Қўприк устида.  
Ҳамза Ҳакимзода. Эрк қуёши.  
Т. Қапице. Барча халқларга тинчлик.  
Н. Крупская. Владимир Ильич Ленин.  
Ислом шоир. Баҳтиёр авлодларга.

## Нима яхши-ю, нима ёмон (16 соат)

Кишиларнинг ўзаро муносабати, ҳақиқий дўстлик, ўртоқлик, соғдил ва жасур кишилар, уларнинг иши ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

З. Диёр. Дўстлик.  
П. Мўмин. Қочиб кетди.  
В. Осеева. Ҳикматли сўз.  
Ойбек. Одобли Турғун.  
С. Зуннунова. Лола.  
Уйғун. Соғ юрай десанг, озода бўл.  
М. Горький. Чумчуқча.

## Қишида табиат манзараси (12 соат)

Қиши манзараси, ҳайвонлар ҳаёти, кишиларнинг меҳнати ва уларнинг табиатга муносабати ҳақида ҳикоя, шеър, эртак, мақол, матал ва топишмоқлар. Қиши кўринишига оид расмлар.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Ойбек. Қиши кечаси.

Уйғун. Қиши.

Г. Скребицкий. Қишида колхоз ишлари.

Ғ. Фулом. Яигн йил қўшиғи.

Х. Салоҳ. Қорбобонийг совғаси.

В. Даль. Йилбобо.

К. Ушинский. Қаҳратон қишининг қилиқлари.

## Совет Армияси—тинчлик ва меҳнат ҳимоячиси (6 соат)

Совет Армиясининг дастлабки ғалабалари, совет халқининг фашист босқинчилари устидан ғалабаси ва уруш қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя ва шеърлар. Совет Армиясининг Ватанини сергаклик билан ҳимоя қилиши.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Уйғун. Чегарачи.

Л. Кассиль. Сенинг ҳимоячиларинг.

Қ. Мұхаммадий. Сұхбат.

С. Баруздиндан. Шуҳрат.

Қ. Беляев. Чегарачининг ўғли.

А. Орипов. Қонли кўйлак.

## Баҳорда табиат манзараси (9 соат)

Баҳор манзараси, ҳайвонларнинг ҳаёти, кишилари инг табиатга муносабати ҳақида ҳикоя, мақола, шеър, мақол, матал ва топишмоқлар. Баҳор кўринишига оид расмлар.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Ш. Саъдулла. Баҳор келди.

Ҳ. Назир. Булбул.

Ғ. Фулом. Кўклам шамоли.

Ойбек. Аҳмаджон бөгбон.  
Үйгүн. Гул ўтқаздим бөғимга.

Октябрь революциясига қадар меҳнаткаш хотин-қизларнинг аҳволи, хотин-қизларнинг совет давридаги ҳаёти ва меҳнати, хотин-қизлар ҳақидаги шеър ва ҳикоялар.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Г. Қарпенко. Бу қандай кун?  
Қ. Мұхаммадий. Она ҳурмати.  
Төрешкова билан суҳбат. «Восток — 6».  
Е. Шукуров. Үштумайман.

### 22 апрель — В. И. Ленин туғилган кун (8 соат)

В. И. Ленин ва революционерларнинг ишчилар, меҳнаткашлар баҳт-саодати учун курашлари, В. И. Ленин васиятларининг совет кишилари томонидан бажарилаётганилиги ҳақида ҳикоя ва шеърлар. В. Ульяновнинг болалиги ҳақида ҳикоялар.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

М. Шайхзода. Биз — коммунизм авлоди.  
А. Конов. Шушь дарёси бўйида.  
Ульянова-Елизарова. В. И. Лениннинг ўқувчилик йиллари.  
З. Воскресенская. Мавзолей олдидаги гуллар.  
F. Fулом. Ленин набиралари.  
А. Некрасов. Икки ўқувчи.  
Нагибин. Ленин овда.

### 1 Май — бутун дунё меҳнаткашларининг байрами (6 соат)

1 Май байрами, бутун дунё меҳнаткашларининг дўстлиги, чёт эл болаларининг ҳаёти, бутун дунёда тинчлик учун кураш ҳақида ҳикоя ва шеърлар. 1 Май нима учун бутун дунё меҳнаткашларининг байрамига айлангани ҳақида ҳикоялар.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Ш. Саъдулла. Май қўшиғи.  
Мирмуҳсин. Нил бўйида.  
Н. Каръма. Қизил кавушча.  
Тошкентда 1 Май.

### Бизнинг Ватанимиз – Совет Иттифоқи (8 соат)

Совет кишиларининг ҳаёти, меҳнати, дўстлиги, СССР нинг пойтахти, герби, байроби; Ўзбекистон ССР нинг пойтахти, герби, байроби ҳақида ҳикоя, шеър ва мақолалар. Бизнинг Ватанимиз ўтмишда ва ҳозирда.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Ш. Саъдулла. Ватаним.  
А. Раҳмат. Қизил байроқ.  
П. Мўмин. Обод ўлкам.  
Х. Назир. Дадам қурган денгиз.  
Х. Олимжон. Самолёт.  
В. Осеева. Ўз қўлими билан.

### Ёзда табиат манзараси (8 соат)

Ез манзараси, катталар, болаларнинг ёздаги меҳнати ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

Ш. Орифий. Пахтазорда.  
А. Алексин. Болалар бахти учун.  
С. Анорбоев. Уч ўртоқ.  
Миртемир. Булут.  
Э. Воҳидов. Олма.

### Эртак ва масаллар (12 соат)

Ўзбек халқ эртаклари. Ёзувчилар томонидан яратилган эртаклар. Қардош халқлар эртаклари. Масал, тошишмоқ, мақол ва маталлар.

## Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

И. Крилов. Ниначи ва чумоли.

Уртұқмоқ.

И. Крилов. Оққуш, чүрттан балиқ ва қисқичбақа.

С. Абдуқаҳор. Дарё билан жилға.

М. Муродов. Тадбиркор тұқли.

### Ўқиши күнікмаси (минутыга 60—80 сүз)

Тұғри, онгли, ифодали, меъерға риоя қилиб (минутыға 60—80 сүз) ўқиши. Ўқиши жараённан гапдаги маңын жиҳатидан мұхым бўлган сўзни товуш кучи билан ажратта билиш. Гаплар ва текст қисмлари орасидаги паузага риоя қилиш. Ўқиши жараённан ўқилган асар мазмунига муносабатни оҳанг ёрдамида бера олиш.

### Текст устида ишлаш

Ҳикояда воқеанинг аста-секин ривожлапишиши аниқлаш. Текстни маңын жиҳатидан тугалланган қисмларга бўла олиш. Ҳикоядаги ёки унинг қисмларидаги асосий мазмунни ажратта олиш. Ўқитувчи ёрдамида текстдаги асосий фикрни топа олиш, ўқилган асарга шахсий муносабат билдира олиш. Ўқилган асарнинг, жумладан, масалнинг мазмунини қисқа сўзлаб бера олиш. Ўқитувчи топшириғига кўра ўқилган асарга алоқадор шахсий кузатишларни айтиб бера олиш. Ўқилган асарга мос расмларга қараб ҳикоя қилиб бера олиш. Асарда иштирок этувчиларни характерлайдиган сўз ва ибораларни текстдан мустақил топа олиш.

Асар жанрларининг баъзи ўзига хос хусусиятларни билан амалий танишиш (эртак, масал, шеър).

### Синфдан ташқари ўқиши<sup>1</sup>

Синфдан ташқари ўқишининг мазмунини ўқитувчи адабиётларнинг таҳмиңий рўйхати асосида белгилайди. II синф охирида болалар бир неча атоқли болалар ёзувчиларининг китоблари билан, пионерлар газетаси ва бо-

<sup>1</sup> Синфдан ташқари ўқиши дарси иккى ҳафтада бир марта ўтказилади.

лалар журнали билан танишишлари лозим. Китобнинг элементлари ҳақида билиб олиш: китобнинг титули (китобнинг биринчи бети, автори, номи, чиқсан жойи ва йили ёзилган бети), мазмуни ёки сарлавҳаси, сўз боши ёки кириш сўзи, автори ҳақида тушунча ҳосил қилиш; китобнинг титулига қараб китоб ҳақидаги маълумотларни ёза билиш, севган китоблари юзасидан соддагина каталог туза олиш, тақдим этилган рўйхат асосида ёки картотекадан зарурий китобни топа билиш.

## ГРАММАТИКА, ИМЛО ВА НУТҚ ЎСТИРИШ (155 соат)

### Товушлар ва ҳарфлар (35 соат)

Сўэни бўғинлаб ва товуш-ҳарфлаб анализ қила олиш кўнижмасини ўстириш. Ўқиш вақтида ва оғзаки нутқда сўэни тўғри талаффуз қилиш.

Жарангли ва жарангсиз ундошларни бир-биридан ажрата олиш, жарангли ва жарангсиз ундошли сўзларни тўғри ёзиш.

**Ургу.** Ургули ва ургусиз бўғинни ажрата олиш, колхоз, конъки каби сўзлардаги ургули унлини топиш, бундай сўзларни тўғри талаффуз қилиш, ургу белгисини қўя билиш.

Унли ва ундош ҳарфларнинг ҳамда юмшатиш ва айириш белгисининг ёзилиши тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.

Сўз охирида талаффуз қилинмайдиган т, д ундошларининг ёзилиши: *гўшт, курсанд*.

### Сўз (90 соат)

**Сўзниң таркиби.** Ўзак, сўз ясовчи қўшимчалар (-чи, -ла, -ли, -сиз) ва сўз ўзгартувчи қўшимчалар ҳақида умумий маълумот.

**Ўзак ва қўшимчалар.** Ўзакдош сўзлар. Бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзлар танлай олиш.

**Сўз турқумлари.** Сўз турқумлари билан умумий таништириш.

**От.** Отнинг маъноси ва сўроқлари. Отнинг бирлик ва кўпликада қўлланиши: *бона* (бирлик), *болалар* (кўплик); *-лар* қўшимчасиниг айтилиши ва ёзилиши.

**Сифат.** Сифатнинг маъноси ва сўроқларп. Сифатнинг от билан бирга қўлланиши.

**Феъл.** Феълнинг маъноси ва сўроқлари. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар: *келди* (бўлишли феъл), *келмади* (бўлишсиз феъл); -*ма* қўшимчасининг ёзилиши: *олмайман*, *бормайман*.

От, сифат ва феълга таалуқли ўзакдош сўзлар танлай олиш: *иши*, *ишичи*, *ишла*, *ишли*; *қатиқ*, *қатиқчи*, *қатиқла*, *қатиқли*.

Маъло жиҳатидан бир-бирига яқин ёки қарама-қарши бўлган сўзлар, фикрни ифодалашда энг мувофиқ сўзлар танлай олиш.

### Гап (30 соат)

Дарак ва сўроқ гап. Сўроқ белгисини қўя олиш. Ҳисдаяжон гап. Үндов белгисини қўя олиш.

Гапдаги маъно жиҳатидан мұхим бўлган сўзи овоз кучи билан ажратади.

Гапнинг бош бўлаклари: эга ва кесим. Эга ва кесими топиб эганинг остига бир, кесимнинг остига икки чизиқ чиза олиш.

Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари (иккинчи даражали бўлаклар турларга ажратилмайди).

Гапда бир-бири билан bogланган сўзларни жуфтажуфт қилиб ажратади. Ўрганилган грамматик шакллардан фойдаланиб гап туза олиш. Бош бўлаклардан тузишган гапга иккинчи даражали бўлакларни қўшиб, гапни кенгайтира олиш.

**Боғланишли нутқ.** Кичик мақоланинг планини ўқитувчи раҳбарлигида сўроқ ёки дарак гаплар тарзида тузиш. 40—60 сўзли текстнинг мазмунини коллектив бўлиб тузишган 3—5 пунктли план асосида баён қила олиш.

Бир неча сурат асосида кичик ҳикоя тузиш ва уни коллектив тузишган план асосида ёзиш.

Табиатни кузатиш ва меҳнат процесси ҳақида ўқитувчи саволлари ёрдамида мустақил гаплар ва кичик ҳикоялар тузиш ва уларни ёзиш.

Болаларнинг ўйинлари, ишлари, сайиллари ва ҳоказолар ҳақида, шунингдек, табиатни кузатиш ва меҳнат жараёни ҳақида аввал ўқитувчи раҳбарлигида, кейин мустақил равишда кичик ҳикоя тузиш ва уни ёзиш. Шахсий ишлари ҳақида қисқа хат ёза олиш.

**Ҳусниҳат.** Бир чизиқли дафтарга кичик ва бош ҳарф-ларнинг мураккаблигига қараб, тартиб билан группаларга ажратиб ёэдириш.

Ҳусниҳатдан I синфда ўрганилганларни такрорлаш, сўз ҳамда гапларни тез суръат билан тәкис ёзишга ўтиш.

Ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзлар: *бинафша, бодринг, вожатий, газета, гулсансар, давлат, декабрь, доҳий, ёмғир, жавоб, меҳрибон, миннатдор, жаҳон, канал, кострюлька, квартира, магазин, метро, меҳнат, мумкин, ловия, лавлаги, лагерь, навбатчи, ноябрь, нўхат, октябрь, олхўри, оҳак, пиёла, пионер, помидор, ракета, расм, рўйхат, сабзавот, сабзи, савол, сентябрь, суҳбат, табиат, тамом, товуш, томоша, трактор, трамвай, хат, хайрлашмоқ, хато, хўжалик, шабада, шамол, шафтоли, январь, қийғос, ҳайвонот, ҳандалак, ҳозили.*

### III СИНФ

#### ЎҚИШ ВА НУТҚ УСТИРИШ (122 соат)<sup>1</sup>

#### Пионерлар — ёш ленинчилар (5 соат)

Пионерлар ташкилотининг тузилиши, пиоперларнинг ҳаёти ва иши ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар

С. Шчилачёв. Қизил галстук.

Н. К. Крупская. Бўл тайёр!

П. Мўмин. Қутлуг бўлсин.

Қ. Муҳаммадий. Мен — баҳтиёр пионер.

Ш. Саъдулла. Ёш темирчилар.

F. Фулом. Авлодлар.

#### Олтин куз (6 соат)

Куз манзараси ва унга кишиларнинг муносабати. Куз ёзувчи ва шоирлар тасвирида.

<sup>1</sup> Ушбу соатлар ҳисобидан иккى ҳафтада бир соат синфдан ашқари ўқиш дарсига ажратилади.

**Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

Қ. Мұхаммадий. Бизнинг куз.  
Уйғун. Куз күринишлари.  
К. Ушинскийдан. Куз.  
Р. Файзийдан. Механик-жайдовчи.  
Ұ. Умарбековдан. Хазонрезги палласи.

**Улуг Октябрға қадар ишчи-деҳқонларнинг ҳәёти ва  
уларнинг эзувчиларга қарши кураши (12 соат)**

Меҳнаткашларнинг Октябръ революциясига қадар бўлган ҳәёти ва уларнинг эзувчиларга қарши кураши ҳақида ҳикоя, шеър, мақола ва очерклар. В. И. Ленин ва унинг сафдошлари ҳақида ҳикоялар.

**Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

С. Айний. Одина.  
Ойбек. Бўзчи.  
А. Чехов. Ванька.  
Г. Санкевич. Янко-музикачи.  
Ҳ. Шамсадан. Яшка ва Содиқ.  
Г. Серебрякова. Карл Маркс ҳаётидан.  
Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ўртоқ Ленин.  
В. Бонч-Бруевич. Пийма.

**Октябрь бизга озодлик, ҳур ҳаёт ва саодат  
берди (9 соат)**

Ишчи-деҳқонларнинг В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси ва уни ҳимоя қилиш учун олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

**Ўқиши ва ёд олиш учун асарлардан  
намуналар**

А. Кононов. Кўпприк устида. Смольнийда.  
Ҳ. Шамс. Фалаба.  
Ҳ. Нуъмои, А. Шораҳмедов. Босмачиларга қарши кураш отряди.  
А. Мўминов. Дов юрак қиз.  
А. Раҳмат. Абдулла Набиев.

## **Янги ҳаёт, янги одамлар (8 соат)**

Еш Совет республикасининг янги ҳаёти, совет кишиларининг меҳнатга, халқ бойлигига муносабатига доир шеър ва ҳикоялар. В. И. Ленин ва унинг сафдошларининг Совет ҳукуматининг дастлабки йиллардаги фаолияти.

### **Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар**

А. Конопов, В. Бонч-Бруевич. Владимир Ильич шанбаликда.

Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов. Наврӯз.

П. Мўмин. Канал соҳилида.

П. Турсудан. Қишлоқда биринчи трактор.

Ғайратийдан. Шоҳимардонда.

И. Муслим. Ракетамиз қўнди ойга.

### **Чин инсон бўлиш керак (7 соат)**

Совет халқларининг юксак ахлоқи ва уларнинг Ватанга, халққа хизмати, коммунизм қуришдаги фаолияти ҳақида асарлар.

### **Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар**

Н. Ходза. Тоғларда.

А. Гайдар. Иссиқ тош.

В. Маяковский. Ким бўлсан экан?

Қ. Паустовский. Иван Малявин эсадаликлари.

Ойбек. Мирҳайдар ота.

Амин Умарий. Ўқитувчи.

### **Кумуш қиши (6 соат)**

Қиши табиати тасвири ва унинг гўзал манзараси ёзувчиларимиз тасвирида.

### **Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар**

М. Икром. Қиши.

Қ. Паустовскийдан. Биринчи қор.

Уйғун. Қорбобо.  
И. Норбоевдан. Овда.  
З. Диёр. Арча құшиғи.

### **Эртак, масал, мақол ва топишмоқлар (14 соат)**

Ўзбек ва қардош халқларнинг эртаклари, ёзувчилар томонидан қайта ишланған эртаклар, масал, мақол, мatal ва топишмоқлар.

**Үқишиңде олиш учун асарлардан  
намуналар**

- Эгри ва түгри.  
А. Пушкин. Балиқчи ҳам балиқ ҳақида эртак.  
Уйғун. Ёлғопчи чўпон.  
П. Мўмин. Кеча, Бугун ва Эрта ҳақида эртак.  
И. Крилов. Бўри ва Турна.  
О. Қўчқорбеков. Балиқ ва қармоқ.  
Қ. Мұхаммадий. Булбул ва майна қиссаси (масал-эртак).

### **Ватан посбонлари (7 соат)**

Халқларимизнинг узоқ ўтмишдаги Ватан мудофааси, гражданлар уруши ва Ўлуг Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя ва шеърлар. Совет Армияси — Ватан қўриқчиси, жаҳонда тинчлик ҳимоячиси.

**Үқишиңде олиш учун асарлардан  
намуналар**

- А. Кравченко. Ленин ва Қизил Армия.  
И. П. Батов. Ўзбек халқининг муносиб фарзанди.  
М. Икром. Оқ қайин.  
А. Қаҳдор. Олтин юлдуз.  
Дан Фибих. Зебо.  
Уйғун. Ғалаба баҳори.

### **Зумрад баҳор (8 соат)**

Ёзувчиларимиз ижодида баҳор табиати һа үнинг гўзал манзараси тасвири.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

З. Диёр. Баҳор келди.  
Мирмуҳсин. Кўклам қўшиғи.  
Ш. Рашидов. Ўрик гуллағанда.  
Ойбек. Баҳор ёмғири.  
К. Ушинский. Бир олманинг тарихи.  
Н. Рўзимуҳамедов. Бола жайрон.  
Г. Андерсен. Ирkit ўрдакча.

## Ленин ҳамиша биз билан (9 соат)

В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти, унинг халқ баҳт-саодати учун кураши. Мамлакатимизда социализм қуришга раҳбарлиги ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

Совет ёзувчиларининг асарларида В. И. Ленин ваясиятлари бажарилаётганлигининг тасвири.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

Қ. Муҳаммадий, Э. Раҳимов. Ленин бобом уйлари.  
А. Ульянова. Ильичнинг болалик ва мактаб ёшидаги йиллари.  
А. Кононов. Разлив кўли бўйида.  
В. Бонч-Бруевич. Октябрнинг биринчи кунларида.  
Ойбек. Ленин мавзолейида.  
П. Мўмин. Ленинчилар қўшиғи.

## Жаҳон меҳнаткашларининг ягона ва интернационал дўстлиги. Қардошлиқ ва тинчлик (6 соат)

Жаҳон меҳнаткашларининг ягона ва интернационал дўстлиги, халқимизнинг тинчлик учун кураши ҳақидаги ҳикоя ва шеърлар.

## Ўқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

З. Диёр. Дўстлар.  
С. П. Алексеев, В. Г. Корцов. Тинчлик учун кураш.  
М. Шайхзода. Тинчлик ва дўстлик шаҳри.  
И. Муслим. Жаҳон болаларининг талаби.

## Гүзәл ёз (8 соат)

Ёз табнати, кишилар мәжнәти ва дам олиши ҳақида ҳикоя ва шеърлар.

### Үқиш ва ёд олиш учун асарлардан намуналар

- Уйғун. Ёз.  
П. Мұмін. Фаллакорларга раҳмат.  
Ойбек. Қыздар звеносида.  
Х. Назирдан. Пионерлар боғи.  
Е. Шукuros. Яйлов топғи.  
К. Мұхаммадий. Ёз — дам олишга соз.  
Х. Назир. Булоқ-хөзовуз.  
З. Обидов. Саёхатда.

### Үқиш күнигмаси

Адабий тил нормаларига риоя қилиб, онгли, равон, (текис) нормал тезликда (ўқув йили охирида минутига 80—90 сүз), ифодали ўқиш. Ифодали ўқишга мустақил тайёрлана олиш.

### Текст устида ишлаш

Воқеанинг изчиллик билан ривожланиб боришини, текст қисмлари мазмунан бир-бирига боғланишини мустақил белгилай олиш, ўқитан асар мазмунига мос план тузиш. Асарда иштирок этувчилар ҳақида сүзлаб бериш учун текстдан материал танлаш, уларнинг хатти-харакатини баҳолаш ва унга ўз муносабатини билдириш, асарда иштирок этувчилар ҳақида ҳикоя тузиш. Мустақил тузиленген план асосида ҳикоя мазмунини қисқача сүзлаб бериш. Мураккаб бўлмаган асардан асосий фикрни мустақил ажрата олиш. Текстдағи сўз маъносидаги тафовутни ажрата олиш. Табиат ва кишиларни характерлаш учун зарур бўлган образли сўз ва ибораларни текстдан топа олиш.

Ўқувчиларнинг I — III синфларда ўқиган ҳикоя, шеър, масал, эртаклари ҳақидаги тушунчаларини умумлаштириш.

## Синфдан ташқари ўқиши

1. Болаларнинг китобхонликка қизиқишини кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Кишиларнинг маънавий дунёсини, жамиятимиз ҳаётини ёрқин тасвирлаган эртак, шеър, топишмоқ, мақол, мatal, бадиий ҳикоя ва повестларни мустақил ўқиши. Янги авторлар билан танишиш.

Илмий-бадиий ва илмий-оммабоп асарларни ўқиши. Болалар адабиёти справочниги билан ишлаш.

Болалар ўқиши учун тавсия этилган китоблар серияси билан танишиш.

2. Билим ва кўнишка. Классик ёзувчиларнинг ва совет ёзувчиларишини болалар учун ёзилган энг яхши асарларидан билиш.

Таниш бўлмаган китобнинг элементларига (титули, мундарижаси, кириш сўзи, иллюстрациясига) қараб унинг тахминий мазмунини аниқлай олиш.

Ўқиши учун кўргазмадан, болалар кутубхонаси, каталог ва бошқалардан фойдаланиб, маълум бир темага доир китоблар танлай олиш.

Болалар вақтли матбуоти адабиётларни (газета, журналлар) мақсадга мувофиқ ўқий олиш ва улардан барча дарсларда ва дарсдан ташқари вақтда систематик фойдаланиш.

Коллектив бўлиб, қизиқарли темада китобхонлар суҳбати ташкил қилиш, вақтли матбуот материалларидан ва ўқилган китоблар ҳақидаги тақризлардан фойдаланган ҳолда журнал чиқариш.

### ГРАММАТИКА ВА ИМЛО (140 соат)

### Товушлар ва ҳарфлар (6 соат)

Унли ва ундош ҳарфларнинг имлоси юзасидан I ва II синфларда ўтилганларни такрорлаш, ўқувчиларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш.

### Сўз (98 соат)

Сўзнинг таркиби. Сўзнинг таркиби юзасидан II синфда ўрганилганларни такрорлаш. Сўзнинг таркиби жиҳатидан текшириш, бир хил ўзакли сўзлар танлаш кўникмасини ўстириш.

Ўзак ва сўз ўзгартирувчи қўшимчалар.

## Сўз туркумлари

Сўз туркумлари билан умумий таништириш.

**От.** От юзасидан II синфда ўрганилганларни тақорлаш.

Отнинг эгалик қўшимчалари билан қўллапиши. Эгалик қўшимчаларининг имлоси: *ручкам*, *ручканг*, *ручкаси*, *ручкамиз*, *ручкангиҳ*, *ручка(лар)и*; *китобим*, *китобинг*, *китоби*, *китобимиҳ*, *китобингиз*, *китоб(лар)и*.

Отнинг келишик қўшимчалари билан турланиши. Келишикларнинг номи, қўшимчаси ва сўроқлари. Келишик қўшимчаларининг айтилиши ва ёзилиши.

**Сифат.** Сифат юзасидан II синфда ўрганилганларни тақорлаш. Сифатнинг -роқ қўшимчаси билан қўлланиши; -роқ қўшимчасининг ёзилиши; қип-қизил, юмюмалоқ, кап-кatta каби сифатлар ва уларнинг ёзилиши.

**Сон.** Соннинг маъноси ва сўроқлари. Айрим тартиб сонларнинг имлоси (3-синф, 1 сентябрь, 1972 йил каби).

**Олмош.** Кишилик олмошлари. I, II, III шахс бирлик ва кўплиқдаги кишилик олмошларининг тўғри қўлланиши: *мен*, *биз*, *сен*, *сиз*, *у*, *улар*. Кишилик олмошларининг келишик қўшимчалари билан турланиши: келишик қўшимчалари билан турланган кишилик олмошларининг ёзилиши: *менинг*, *сенинг*, *сени*, *унга*, *унда*, *ундан*.

**Феъл.** Феъл юзасидан II синфда ўрганилганларни тақорлаш. Феълнинг замонлари: ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон. Феълнинг шахс-сон қўшимчалари билан тусланиши. Ўтган замон қўшимчаси (-ди) нинг айтилиши ва ёзилиши. Қўшма феъллар.

**Боғловчи.** *Ва*, *аммо*, *лекин*, *бироқ*, *шунинг учун боғловчилари* билан амалий таништириш.

**Луғавий машқлар<sup>1</sup>.** Гап тузишда маъноси бир-бирига яқин ёки қарама-қарши бўлган отлар, сифатлар, феъллар танлай олиш. Фикрни ифодалаш учун маъно жиҳатидан энг мос бўлган сўз танлай олиш. Богланнишли нутқда бир сўзни тақорлай беришдан қутулиш.

### Гап (20 соат)

«Гап» темасидан I ва II синфларда ўрганилганларни тақорлаш. *Ва*, *аммо*, *лекин* боғловчилари воситасида ва боғловчиларсиз боғланган уюшиқ бўлакли гаплар;

<sup>1</sup> Луғавий машқлар программа материалларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда ўтказилади.

саиаш оҳанги, уюшиқ бўлакларда вергулнинг ишлатилиши. Уюшиқ бўлакли гаплар туза олиш.

Қўшма гап билан таништириш. Икки содда гапдан тузилган қўшма гаплар. Бундай гапларнинг аммо, лекин, бироқ, шунинг учун, ва боғловчилари билан ёки оҳангнинг ўзи билан боғланиши. Қўшма гаплар тузиш ҳамда аммо, лекин, бироқ, шунинг учун боғловчиларидан олдин вергул қўя олиш.

Ундалма билан таништириш. Ундалманинг гап босида келиши; ундалмадан кейин вёргул ва ундов белгисининг ишлатилиши; гапдаги ундалмани оҳанг билан ажратадан олиш.

**Боғланишли нутқ<sup>1</sup>** (16 соат). Уқилган текстнинг планини коллектив бўлиб ёки мустақил равища тузиш. Уқилган текстнинг мазмунини план асосида тўлиқ ёки қисқартириб ҳикоя қилиб бериш, сюжетли суратнинг мазмунини сўзлаб бериш. 70—90 сўзли текстни мустақил тузилган план асосида тўлиқ ёки қисқартиб баён қилиш.

Сюжетли сурат, болалар кинофильми ва спектаклиниг айрим эпизоди асосида ҳикоя ёзиш. Ўз шахсий ҳаётида бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида кичик ҳикоя ёзиш. Экскурсия, табиатни кузатиш, қилинган ишлар ҳақида тасвир ва муҳокама элементлари билан кичик ҳикоя ёза олиш.

**Ҳусніхат.** Ўқувчилар ёзувидаги график камчиликларни бартараф қилиш.

Ўқув йили давомида ўрганиладиган имлоси қийин сўзлар: автомобиль, агроном, адрес, аҳоли, багаж, баҳти, буғдой, вагон, вокзал, газета, горизонт, даволанмоқ, директор, жуфт, имтиҳон, инженер, календарь, командир, комбайн, коммунист, комсомол, космонавт, кутибхона, машҳур, металл, мукофот, мусича, мұхым, палата, пароход, пассажир, пойтахт, портрет, район, революция, салют, санъат, сеялка, сиренъ, солдат, сочиқ, танаффус, телефон, тухум, фарзанд, фахрланмоқ, хабар, хавф, хашак, хизмат, хирмон, хоҳламоқ, хушбахт, хушчақчақ, шоффёр, шудринг, экспурсия, электровоз, қармоқ, қаҳрамон, қурбақа, ҳаваскор, ҳазил, ҳаёт, ҳалол, ҳаммол, ҳаракат, ҳафта, ҳукумат.

<sup>1</sup> Бундан ташқари боғланишли нутққа доир машқлар она тили программаси материалларини ўрганиш жараёнида мунтазам равишида ўтказиб борилади.

# МАТЕМАТИКА

## УҚТИРИШ ХАТИ

I—III синфлар учун программада мүлжалланылган бошланғич математика курси ўрта мактаб математика-сининг таркибий қисмидир. Бошланғич курсининг асосий ўзаги натуранал сонлар ва асосий миқдорлар арифметика-сидан иборат.

Бундан ташқари бу курсга геометрия элементлари ва бошланғич алгебра элементлари бирлашади, бу элементлар сон ҳақидаги тушунчаларни, арифметик амаллар ҳақидаги, математик муносабатлар ҳақидаги тушунчаларни юқори даражада ўзлаштиришга имкон беріб, арифметик билимлар системасига имкөн борича узвий рашида бирикіб кетади.

Үқувчиларда онглы равиша да пухта ўзлаштирилған ҳамда автоматик тарзда бажарылады даражада етка-зилған ҳисоблаш малакалари ҳосил қилиш вазифасига катта еътибор бериш билан бир қаторда үқувчиларининг ўқув материалини уларининг күчлари етган даражада умумлаштириш савиясини күтариш, ўрганилған математик фактларининг асосида ётган да умумий принципларни ҳамда қонуцларни тушуна олишишга, ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги мавжуд боғлапишларни англаң олишларига эришиш ҳам кўзда тутилади.

Зарурий умумлаштиришларининг шаклланиши учун яхши шароит яратиш мақсадида материалниң мазмуннагина эмас, балки материалниң жойланиш тартибиға ҳам бирмунча ўзгаришлар киритилди.

Тўғри да тескари амаллар орасидаги, амаллар компонентлари билан натижалари орасидаги муносабатларни очиб бериш идеяси программанинг асосий мазмунини ташкил этади. Ўзаро боғланған тушунчаларни таққослаш, қарама-қарши қўйиш амаллари ва масалалардан фойдаланишга, қаратилаётган фактларининг ўхшашлиги

ва улар орасидаги фарқларни аниқлашдан муттасил фойдаланишга муҳим аҳамият берилади.

Бу принципи тадрижий равишда амалга ошириш фақат ўзаро тескари муносабатда бўлган тушунчалар, амаллар ва масалаларгагина татбиқ қилиниб қолмай, балки ўхшашларига ҳам татбиқ қилинади. Шу мақсадда материаллар шундай жойлаштирилганки, ўрганилаётган ўзаро боғланган тушунчалар, амаллар, масалаларни вақт жиҳатдан бир-бирига яқинлаштирилган.

Ҳар бир янги масалага, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари йўл қўядиган чегараларда, юқори даражада умумлаштириш билан қарашни талаб қилиш янги программага асос қилиб олинган муҳим принциплардан биридир.

Таълим ва тарбияни таркибий (узвий) бирлаштириш, билимларни ўзлаштириш ва ўқувчиларнинг билим савияларини ривожланитириш, яъни таълимнинг назарий савиясини кўтариш ҳамда билимларни амалда қўлланиш малакасини таркиб топтириш; бунинг учун зарур кўникмаларни (малакаларни) ҳосил қилиш — мактабнинг қўйи синфларида математика ўқитишинг етакчи принципларидир.

### Курснинг асосий масалалари

Натуранал сон ва арифметик амаллар ҳақидаги тушунчаларни таркиб топтириш биринчи дарслардан бошлаб амалга оширилади ва конкрет тўпламлар устида амалий ишлар бажариш билан ўтказилади. Натуранал сонлар ва арифметик амаллар тушунчаларини таркиб топтиришга бундай ёндошиш болаларнинг илғари нарсалар тўпламилари билан қилган ишлари натижасида тўплаган тажрибаларидан, уларнинг сонлар ва саноқ ҳақидаги дастлабки билимларидан фойдалапиш имконини беради. Бу энг бошидан бошлаб ўқитиши турмуш билан чамбарчас боғлапишка олиб бориш имкониятини яратиб беради. Болаларнинг ҳосил қилган билимлари уларнинг ўйинларида ва ўқишлирида ҳамда турмушда пайдо бўладиган турли масалаларни еча олиш имкониятларини кепгайтиради.

Шу билан бирга ўқитишинг энг бошидан-бошлаб ёқ болаларда баъзи бир муҳим умумлаштиришлар таркиб топади (биринчи ўнлик сонлари мисолларидан натуранал қатордаги ҳар бир навбатдаги соннинг ҳосил бўлиш принципи ёритилади, қаторнинг ихтиёрий сонлар ва

сондан олдин келадиган ёки кейин келадиган сонлар ва бошқалар орасидаги муносабатлар аниқланади). Ўқувчилик сонларни турли усуллар билан таққослаши (аввал конкрет нарсалар түпламлари устида амаллар бажарыши асосида, сўнгра таққосланадиган сонларнинг қаторда турган ўринлари бўйича ўрганадилар); икки сон йиғиндисини топишни олдин тегишли түплам саноғини (миқдорини) санаш ёрдамида топишдан фойдаланиб, сўнгра эса биттадан ва группалаб санаш усулидан фойдаланиб ўрганадилар.

10 ичидаги қўшиш ва айришни ўрганишда ёқ болалар амалларнинг, амаллар компонентларининг ва амаллар натижаларининг номлари билан таништирилади. Аммо бунда шуни назарда тутиш керакки, математик терминлар болалар томонидан, агар бу терминлар атрофдагилар томонидан тез-тез ишлатиб турилса ва амалда қўлланиладиган бўлса, бошқа янги нарсаларни ўзлаштирганларидек енгил ва осон ўзлаштирилиши керак.

Математика терминлари билан таништиришнинг бу ўйлидан бундан кейин ҳам тартибли равишда фойдаланилади.

Болалар терминологиядан ташқари, математик символиканинг баъзи элементларини ҳам, масалан, амал ишораларини [плюс (қўшиш), минус (олиш)], муносабатлар белгиларини [ катта (ортиқ), кичик (кам), teng] ўзлаштиришлари керак, улар:  $5+4$  (беш ва тўрт сонларнинг йиғиндиси);  $7-2$  (етти ва икки сонларнинг айримаси) шаклидаги энг содда ва шунингдек  $6+(6-2)$  (бошда улар олти сонига олти ва икки сонларнинг айримасини қўшиш каби, кейинчалик эса икки қўшилувчнинг йиғиндиси: биринчи қўшилувчи олти, иккинчи қўшилувчи олти ва икки сонларнинг айримасидан иборат деб ўқилади) каби мураккаб математик ифодаларни ўқиш ва ёзиши ўрганиб олишлари керак.

Программа ҳисоблаш усулларини тушуниб фойдаланиш асосида ҳисоблаш кўникмаларини таркиб топтиришни назарда тутади. Программага арифметик амалларнинг баъзи хоссалари ва улардан келиб чиқадиган натижалар билан танишишнинг киритилганлиги туфайли ҳисоблаш усулларини тушуниб амалга ошириш мумкин бўлади.

Масалан, I синфда болалар йиғиндининг ўрин алмаштириш хоссаси билан танишадилар ҳамда қўшилувчи-

ларнинг ўрипларини алмаштиришдан (шундай қилиш ҳисоблашни осонлаштирадиган ҳолларда) фойдаланиши ўрганадилар (масалан,  $2+7$ ,  $1+6$  ва бошқа ҳолларда).

Үқитишининг биринчи йилидаёқ, конкрет тўпламлар устида амаллар бажариш билан бир тўпламга иккинчи тўпламни бутунлай ёки бўлаклаб қўйганимизда ҳам натижа бир хил бўлишига ишонч ҳосил қиласидилар, шундан кейин улар билиб олинган хоссани сонлар устида амаллар бажаришда қўллайдилар (бунда улар  $6+3$  кўринишидаги мисолларни  $6+2+1$  ёки  $6+1+1+1$  кўринишидаги мисоллар билан алмаштирадилар).

Шундай қилиб, ўқувчилар йиғиндининг группалаш қонуни билан ҳам танишадилар.

I синфда 100 ичидаги қўшиш ва айришни ўрганишда сонни йиғинди ва йиғинди сонни қўшишнинг, сонни йиғиндидан айриш ва йиғиндини сондан айришни турли усуллари қаралади, II синфда эса йиғиндини йиғинди қўшиш ва йиғиндини йиғиндидан айришнинг турли усуллари қаралади. Ўқувчилар йиғинди ва айрманинг асосий хоссаларидан келиб чиқадиган бу қоидаларни ифодалари билан танишишади. Бу қоидалардан фойдаланиб ўқувчилар оғзаки сўнгра эса ёзма ҳисоблашларнинг ҳар хил усулларини тушуниб ўзлаштиришади.

Бундай яқинлашиш болалар томонидан бажариладиган ҳисоблашларнинг онгли бажарилишини таъминлайди, бир мисолнинг ўзини турли усуллар билан ечиш имкониятини кенгайтиради, бошдан бошлабоқ болаларни ечимнинг энг рационал йўлларини излашга ўргатади.

Амаллар натижаларини қараш ва турли ҳисоблаш усулларини қараш билан алоқадор барча ишлар ҳисоблашларни рационаллаштиришга бўйсунган бўлиши кепрак.

Программада 20 ичидаги қўшиш ва айриш билан 100 ичидаги қўшиш ва айриш орасида зич алоқа ўрнатилган. 10 ичидаги номерлаш, қўшиш ва айриш орасида зич алоқа ўрнатилганидан кейин иккинчи ўнлик сонларини номерлаш, уларнинг хона қўшилувчиларидан иборат таркиби, қўшиш ва айрицининг шуларга хос мисолларини (ҳолларини) ( $10+3$ ,  $13-3$ ,  $13-10$  кўринишидаги ҳолларини) кўриб чиқишга тўхташ керак, сўнгра сонларни 100 ичидаги номерлашга ўтиш керак. Қўшиш ва айришнинг асосий усуллари, программага мувофиқ дарҳол сонлар-

нинг нисбатан кенг синфлари (0 дан 100 гача бўлган сонлар) учун қарапади.

Масалани бундай ҳал қилишда зарур умумлаштиришларни таркиб топтириш учун яхши шароит юзага келади ва шу билан бирга узоқ муддат давомида ва турли хил материалда болаларни ўрганилган ҳисоблаш усулларига оид машқ қилдириш имкони тугилади, бу ҳол эса оғзаки қўшиш ва айириш усулларини онгли ва пухта ўзлаштириш имконини беради.

Ҳисоблашларнинг тез бажарилишига катта аҳамият бериш керак. Шу муносабат билан қўшиш ва айиришга оид у ёки бу мисолин ечишининг ҳар бир қадамини кенг тушунтириб беришдан ҳисоблашларнинг янги усулларини тушунтиришга бағищланган бир-икки дарсдагина фойдаланиш керак, кейинчалик эса кенг тушунтириб беришдан ўқувчи йўл қўйган хатони тушунтириб беришда зарур бўлиб қолгандагина фойдаланиш керак.

Тез ҳисоблаш малакалариши таркиб топтириш учун ечимни кенг тушунтиришлардан боргаш сари кўпроқ ихчам оғзаки ҳисоблашларга ўтишин таъминлаш муҳимдир.

I синфда ўқитишининг муҳим вазифаларидан бири ўигирма ичидан қўшиш жадвалини ва шунга мос равишда сонларнинг икки қўшилувчидан иборат таркибини пухта ўзлаштириш, бу билимлардаги айиришнинг мос ҳолларида ишонч билан ва тез фойдаланиш малакасини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан ўқитувчи болаларга ўз вақтида жадвални эслаб қолишга оид шароит яратишигина эмас, балки уларни жадвални ўзлаштириб олиш учун зарур бўлган кундалик машқ ишлари билан таъминлаши зарур.

100 ичидан кўпайтириш ва бўлиш II синфда қарапади, аммо бу амалларни ўрганиш учун тайёргарлик ўқитишининг биринчи йилидаёқ бошланиши керак. Программада шу мақсадларни кўзлаб берилган бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндинсини топиш ва сонларни бир хил қўшилувчиларга ёйишга оид машқларни турли формада ўтказиш фойдалидир (мисоллар ва текстли масалалар ечиш, нарсалар тўпламлари устида практик амаллар бажариш). Бу машқларнинг ҳаммаси аёнийлик асосида (кўргазмалилик асосида) бажарилиши керак. Бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндинсини топишда қайси сон қўшилувчи бў-

либ тақрорланаётганлигини ва неча марта тақрорланаётганлигини тушунтириб бериш мұхимдир. Соңларни бир хил қүшилувчиларга ёйишга оид машқлар оғзаки, дидактикалық материаллар билан амалий иш шаклида үтказилади. Шунингдек бу иш «12 сөнини иккита бир хил, учта бир хил соңларнинг йигиндиси шаклида тасвирланг» каби топшириқлар шаклида ҳам бажарилади.

II синфда күпайтириш жадвалини тузишга қадароқ күпайтириш билан бўлиш орасидаги боғланиш очиб берилади, тенг қисмларга бўлиш ва каррали бўлиш ўрганилади, күпайтириш ва бўлиш амаллари компонентлари ва шу амаллар натижалари номлари киритилади. Жадвалларни ўрганишга қадар болалар күпайтириш ва бўлиш амалларининг номаълум компонентларини топиш билан ва күпайтиришнинг ўрин алмаштириш хоссаси билан танишадилар. Бундан тайёргарлик ишларининг бажарилиши натижасида биргина күпайтириш жадвалини тузиш ва эслаб қолиш (ўзгармас кўпаювчи бўйича) мумкин бўлади, сўнgra эса бу хоссадан күпайтувчиларнинг ўринларини алмаштириш натижасида ҳосил бўлган мисолларни ечишга ҳамда шунга мос бўлишга доир мисолларни ечишга татбиқ қилиш мумкин бўлади. Жадвалларни ўрганишда болаларнинг илгари умумий қонуниятларни билиб олганликларига асосланиш билан бирга ўқувчиларнинг күпайтириш жадвалларини пухта эгаллаб олишларига ҳаракат қилиш керак ҳамда бўлишга доир тегншли мисолларни ечишда ҳисоблашнинг тез бажарилишини таъминловчи барча чораларни кўриш керак. Жадвалда қўшиш ва айриш ҳолларида гидек бунда ҳам системали равишда ҳар куни бажариладиган машқ қилдириш ишларининг бажарилиши зарур.

Жадвалдан ташқари күпайтириш ва бўлиш усуллари сонии йигиндиги ва йигиндини сонга күпайтириш (бўлиш)нинг олдиндан ўрганилган қоидалари асосида ўрганилади (күпайтириш ва бўлишнинг йигиндига нисбатан тақсимот хоссаси).

Оғзаки ҳисоблашлар билан бир қаторда программада болаларни ёзма ҳисоблашга ўргатишга ҳам катта аҳамият берилади. Ёзма ҳисоблашлар устида ишлаш II синфда «Минг» темасини ўтишда бошланади. Бу ерда болалар 1000 ичидаги ёзма қўшиш ва айриш усуллари билан танишадилар (II синфда қўшишнинг  $348+176$  кўринилишидаги ва айришнинг  $800-246$  ва  $702-348$  кўриниши-

даги мураккаб усуллари қаралмайды, бу ҳоллар III синфда ишлаб чиқилади).

III синфда ёзма ҳисоблаш бўйича тўғри ва тез ҳисоблаш масаласи автоматизм даражасигача етказилиши лозим (ўқувчилар зарур бўлган ҳолларда бажарилаётган амалларни тушунтириб беришга қодир бўлсинлар).

Ёзма ҳисоблашлар устида иш олиб бориш билан бир вақтда болаларнинг арифметик амаллар ҳақидаги, бу амаллар орасидаги boglaniшлар ҳақидаги, амал компонентлари билан натижалари орсидаги boglaniшлар ҳақидаги, амал компонентларидан бирининг ўзгариши натижасида амал натижасининг ўзгариши ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш ва умумлаштириш устида иш олиб борилади. Болаларни амаллар хоссалари устида ишлари давом эттирилади. Масалан, III синфда сочини кўпайтма ва бўлинмага бўлиш қаралади. Бу билимларнинг ҳаммаси ҳисоблашларни рационаллаштириш ва шунингдек масалалар ечишда ишлатилади.

Ҳисоблаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун зарур бўлган мисоллар ечиш бўйича машқ қилдириш билан бирга программа бир қатор шундай машқларни ҳам изарда тутадики, бу машқлар ҳисоблашларга алоқадор бўлса ҳам, улар ўзларига қўшимча маъно пагрузкасини ҳам оладилар.

Программа текстида турли ифодаларни таққослашга доир машқлар билан алоқадор бўлган машқларнинг на- муналари берилган. Масалан, I синфда ёқ болалар  $4+4$  ва  $6+4$ ,  $7+2$  ва  $7-2$  каби ифодаларни таққослашга доир машқларни бажарадилар. Берилган ифодаларни таққослашда болалар бу ифодалар орасидаги ўхшашикларни ва фарқларни пайқайдилар ва шу асосда бу ифодаларнинг қийматлари тенгми, агар тенг бўлмаса улардан қай силарининг қийматлари катта (ёки кичик) деган саволларни ҳал қиласидилар. Илгари сурилган фараз олдин асосланиши керак, сўнгра ҳисоблашлар ёрдамида текширилиши керак.

Илгари эгалланган билимлар, тўплашган тажриба, интиициялар таққосланадаётган ифодаларнинг қийматларини бундай олдиндан баҳолаш учун етарли бўлмаса, у ҳолда масала ҳисоблашлар ёрдамида ҳал қилиниши мумкин (бунда натижаларни кейин таққослаш керак).

Турли кўринишдаги ифодаларни таққослашдан кейин чалик ҳам кўрилаётган амалларнинг мазмунларини бола-

лар чуқур тушуниб олишларида фойдаланилади (масалан, ушбу кўринишдаги ифодаларни таққослашда:  $5 \cdot 3$  ва  $5 \cdot 2 + 5$ ): амалларнинг ўрганилган хоссаларини масалан, ушбу кўринишдаги ифодаларни таққослаш:  $10 \cdot 5 + 7 \cdot 5$  ва  $17 \cdot 5$ ), амаллар орасидаги мавжуд боғланишларни (масалан, ушбу кўринишдаги ифодаларни таққослаш:  $4 + 4 + 4 + 4$  ва  $4 \cdot 4$ ), амалларнинг маҳсус ҳолларини (масалан, ушбу кўринишдаги ифодаларни таққослашларда  $12 \cdot 0$  ва  $12$ ;  $14 \cdot 1$  ва  $14$ ;  $6 + 0$  ва  $6 - 0$ ) фойдаланилади.

Мутлақо равшанки, программада бундай турдаги машқларнинг характерли мисолларигина келтирилган, ўқитиш процессида эса турли-туман топшириқлардан фойдаланиш керак. Бу машқлар борган сари мураккаблашиб борадиган кўринишдаги ифодаларни таққослашларга алоқадор бўлиши керак. Бундай машқларнинг ечилиши болаларда математик машқларга қизиқиш ўйготади, ўқувчиларда кузатувчаликни тарбиялайди, фикрларни асослаб беришга, ўз-ўзини текширишга ўргатади.

Шу билап бирга бундай машқларнинг боришида болалар арифметик амалларни ўргангандарида олган назарий билимларини тушуниб етадилар.

Чуқур тушуниб ва умумлашган ҳолда ўзлаштириш мақсадига мисол ва масалалар ечишда, амалларнинг хоссаларини қарашда ҳар фойи символика элементларини киритиш ҳам жавоб беради.

Ҳарф биринчи марта математик символ сифатида I синфдаёқ киритилади. Бунда улардан сон маълумотли масаларга тегишли тенгламаларни тузишда изланаётгани миқдорларни белгилаш учун фойдаланилади: «Агар ўйланган сонга 3 қўшилса, 7 ҳосил бўлади. Қандай сон ўйланган?» ( $x + 3 = 7$ .)

II синфда болаларда секин-аста ўзгарувчи ҳақида тасаввур таркиб топа боради. Энди бу ерда ҳарф номаълумни белгиловчи сифатида намоёп бўлади. Болалар  $a + 2$ ,  $b - 3$ ,  $a + b$ ,  $a - b$  каби содда ҳарфий ифодаларнинг сон қийматларини уларга кирган ҳарфларнинг турли сон қийматларида топишни ўрганадилар.

Ўқувчилар биринчи марта ҳарфий маълумотли тенгламалар билан танишишади.

II синфда сўнгра эса III синфда ҳам ҳарфлардан ифодаларни таққослашларга доир машқларда ҳам фойдаланилади (масалан, II синф программасида:  $x \cdot 9$  ва  $9 \cdot x$  кўринишдаги ифодаларни таққослаш). Шу билан бир

вақтда болалар ифодаларнинг сон қийматларини уларнинг таркибига кирган ҳарфларниң турли қийматларида тошишни машқ қиладилар (ўрганадилар).

Программа текстидаги келтирилган мисоллардан кўришинб турибдики, бу хилдаги топшириқларни қийинлаштириш жуда эҳтиётлик билан амалга оширилади. Икки ифоданинг тенг бўлиш ҳоллари бир қаторда тенг бўлмайдиган ҳоллари ҳам киритилади, бу эса машқлар система-сига анчагина турли-туманлик (хилма-хиллик) киритиб-гина қолмай, балки болалар учун янгилик бўлган ҳол билтан, яъни ҳарфларниң қўйилган шартларни қаноатлантирувчи фақат маълум сондаги қийматларигина мавжуд бўлган ҳол билан ташнишилар (масалан, ҳарфниң  $a+3 < 7$  ёзув тўғри бўладиган қийматларини аниқлашда болалар ўзларига маълум соилар соҳасида берилган шартларни 0, 1, 2, 3 соиларигина қаноатлантиришига ишонич ҳосил қиладилар).

Болалар соиларниң берилган соҳасидан олишган биронта сон ҳам қўйилган шартларни қаноатлантирмайдиган ҳолларга дуч келишлари ҳам фойдалидир (масалан, бундай топшириқларда: «Ҳарфларниң қўйидаги ёзувлар тўғри бўладиган қийматларини топинг:  $a+3 < 3$ ;  $a:a > 2$ »).

I синфдан бошлаб тенгламаларни ечишга доир тобора мураккаблашиб борадиган машқлар системаси киритилади: I синфда ушбу  $2+x=7$ ;  $8-x=6$ ;  $x-7=3$  кўришидаги, II синфда  $3 \cdot x=18$ ;  $x \cdot 4=20$ ;  $x : 2=6$ ;  $24 : x=6$  кўринишидаги ва бундан мураккаброқ;  $x \cdot 4=42-6$ ;  $x : 3=14 : 2$ , шунингдек  $(x+6)-3=20$ ;  $(12-x)+8=14$  ва ҳ. к. кўринишидаги тенгламалардан иборат. Бу тенгламаларнинг ҳамнаси I—III синфларда амаллар компонентлари ва улар натижалари орасидаги боғланишларни билганлик асосида ечилади.

Натурал сонлар ва ноль арифметикасини ўрганиш математик мазмундаги мақсадга мувофиқ масалалар ва амалий ишлар системаси асосида қурилади. Бунинг маъноси ҳар бир янги тушунчани таркиб топтириш; бу терминнинг маъносини тушунитиришга ёрдам берадиган ёки унинг ишлатилишини талаб қиладиган масалаларни ечиш билан бирга боғлаб олиб боришдан иборатdir.

Амалларнинг мазмунларини очиш, у ёки бу тушунчаларни таркиб топтириш одатда содда масалалар (бир арифметик амал билан ечиладиган масалалар) ечиш билан боғлиқдир. Шунинг учун содда масалаларнинг

мумкин бўлган ҳамма турларини ечиш ҳар қайси ўқув йили программасида кўрсатилган.

Ҳар хил масалаларни танлаш ва жойлаштириш системаси бирор жиҳатдан ўхашаш бўлган (шуинг учун болалар томонидан аралаштириб юбориладиган) масалаларни, шунингдек ўзаро тескари масалаларни таққослаш қарама-қарши қўйиш, солишиши учун энг қулай имконият берадиган қилиб тузилган. Бундай машқлар жараёнида болалар ҳар доим турли шаклдаги масалаларга дуч келишлари назарда тутилади. Бу ҳол масалалар ечишда зарарли андазаларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди; болалар олдида энг бошдан бошлаб масалани ечиш учун бирор амални танлашдан олдин ҳар гал масаланинг шартини диққат билан анализ қилиш зарурати турадиган бўлади.

Масалалар устида ишлашда программа томонидан белгилаб берилган умумлаштирувчи иш катта аҳамиятга эга. Бу ишнинг бошланиши содда масалаларни кўришга бориб тақалади; чунки бу масалаларни ечишда ифода ёки тенглама тузиш таклиф қилинади.

Бир ифоданинг ўзи бўйича (масалан, 3 + 5 ифода бўйича) конкрет мазмунли бир қанча ҳар хил масала тузиш мумкинлиги сабабли бошдан бошлабоқ бу хилдаги масалалар орасидаги мавжуд умумийликка эътибор берилади.

Программада II синфдан бошлабоқ ҳарфий маълумотли содда масалалар ечиш назарда тутилади. Шунга кўра ўқитишнинг иккинчи йилидаёқ ўқувчилар исталган содда масала тўрт арифметик амалнинг бирин билан ечилар экан, деган хулоса чиқаришга олиб келинади.

I синфдаёқ содда масалалар билан бир қаторда мураккаб масалалар ҳам киритилади. I синфда бу масалалар унча мураккаб бўлмасдан, асосан йифинди ва айрманинг қаралётган хоссаларини тушунтиришга йўналтирилган, айни бир амалнинг турли ҳолларда қўлланишини солишиши, турли амалларнинг қўлланишини талаб қиласидиган ҳолларни қарама-қарши қўйишни тушунтиришга йўналтирилган бўлади. II—III синфларда қаралётган масалаларнинг мураккаблиги аста-секни орта боради.

Болалар математика билан шуғулланар эканлар, ўзининг қийинлиги жиҳатидан уларнинг синфда ечган масалаларига мос келадиган ҳар қандай берилган ма-

са拉丁г ечилиш йўлини мустақил топа билишни ўрганишлари керак. Бунинг учун ўқувчилар масала ечимиға яқинлашишининг содда умумий усулларини эгаллаб олишлари керак. Масалан, болалар ўқитувчи раҳбарлигида масала шартларини қисқа ва аёний ёзиш маҳоратини, ўзининг масала ечилишининг йўлларини излашни осонлаштириш мақсадида масала шартларини расм ёки чизмалар билан тасвирлаш малакасини, конкрет текстли масала шартини абстрактлаштириш усулини (масалан, «баҳо», «миқдор», «қиймат», «тезлик», «масофа» каби ва бошқа абстракт терминлардан фойдаланиш асосида) ва масалада берилган миқдорлар орасидаги боғланишни ечишга ёрдам берадиган бошқа усулларни билиб олишлари керак.

Ўқувчиларни тафаккур ва нутқларини ривожлантириш учун уларни, масалани анализ қилишдаги ва уни ечишдаги ҳар бир қадамларини асослаб беришга ўргатиш муҳимdir. Болалар ечилаётган масалада нима маълумлигини ва нима номаълумлнгини, масаланинг шартларидан нима келиб чиқишини, масаланинг саволига жавоб қандай арифметик амаллар ёрдамида ва қандай тартибда топилишини лўнда қилиб, аниқ ва очиқ иборалар билан тушунтириб берицини ўрганишлари керак. Ўқувчилар ҳар бир амални нима учун танлаганликларини асослаб беришни ва топилган натижаларни тушунтиришни, масала бўйича ифода ёки тенглама тузишни ва уларни ечишни, (барча зарурий тушунтиришлар билан) масаланинг саволига (оғзаки) тўла жавоб беришни ва унинг ечими тўғри топилганлигини текширишни билишлари керак.

Масалаларни турли усуллар билан еча билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болалар арифметик амалларнинг хоссалари ҳақида олган билимларидан масалалар ечишда фойдаланишни ўрганиб олишлари керак. Шунга интилиш керакки, ўқувчилар бирор масалани ечишнинг мумкин бўлган усулларини аниқлаб оладиган бўлсинлар ҳамда бу усуллардан энг рационалини (ихчамини) яхши тушунган ва асослаган ҳолда танлаб олсинлар.

Тайёр масалаларни ечиш билан бир қаторда болаларни ўқитувчининг турли топшириқларига кўра мустақил масалалар тузиш бўйича машқ қилдириш фойдалидир. Масалалар тузиш учун сон ва сюжег

материалларини ўқувчилар атроф-теваракдан олишлари керак.

Бундай масалаларни тузиш ва ечиш фақат турли хил масалаларнинг тузилиш хусусиятлари ва əчилишларининг боришини чўқур билиб олишгина эмас, балки болаларнинг ижодий тасаввур қила билишларининг ривожланишига турмуш билан боғланишини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Ўқувчилар томонидан əчиладиган масалалар математик жиҳатдан мазмундор, сюжетлари эса турмушдан олинган бўлиши керак. Одатда типик масалалар деб аталаувчи қўпол сунъий масалаларни ечишга овора бўл-маслик керак, бундай масалалар кейинги синфларда алгебраик йўл билан осон əчилади. Шу билан бирга I—III синфларда бирликка келтириш билан əчиладиган масалалар, пропорционал бўлакларга бўлишга доир масалалар, ҳаракатга доир масалалар ва бошқа хил масалалар ечиб борадилар. Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, III синфдаги масалалар учтўрт амални ўз ичига олиши билан чегараланиши керак.

Турли миқдорларни (қиймат, миқдор ва баҳо, жисмнинг тўғри чизиқли ҳаракатида, йўл, вақт ва тезлик ва бошқалар) арифметика билан узвий боғланишда ўрганиш программада катта ўринни эгаллайди. Миқдорларни ўрганишда уларни ўлчаш усуллари, тегишли ўлчов бирликлари, миқдорлар орасидаги муносабатлар, миқдорлар орасидаги боғланиш қараб чиқилади; бу боғланиш содда ҳолларда формула ёрдамида ифодаланади.

Шунинг учун масалалар танлашда компонентлар билан амаллар натижалари орасидаги муносабатларни очиб берадиган масалаларга алоҳида эътибор бериш керак. Арифметика курсида ўқувчиларнинг фазовий тасаввурларини ўстиришга ёрдам берадиган масалалар ҳам геометрик мазмунли масалалар ҳам анчагина жой олиши керак.

Текстли масалалар ечиш билан бир қаторда болаларни системали равишда назарий билимларни татбиқ қилишни талаб қиласидиган ҳар хил саволларни амалий ҳал қилиш бўйича машқ қилдириш керак.

Асосан, худди шундай амалий ишлар асосида болалар чизишнинг (чизмачиликнинг), миқдорларни ўлчашиниң элементар малакаларини эгаллаб олишлари керак,

турли ўлчов бирликларини ишлатишда ишонч ҳосил қўлишлари керак, қаралаётган узунлик, юз ўлчови ва бошқа ўлчов бирликлари орасидаги боғланышларни яхши ўзлаштириб олишлари зарур; ана шу асосда йирик бирликлардан майда бирликларга ва аксинча, майда бирликлардан йирик бирликларга ўтиш осонлашади.

Программа бошлангич таълимнинг бутун уч йили давомида тегишли масалаларни қараб чиқиши янги ўлчов бирликларини киритиш ва номерлашни ўрганиш билан боғланган ҳолда бир вақтда олиб боришини назарда тулади. III синфда бу ишга якун ясалиши керак. Бу ерда илгари ўрганилган барча ўлчовлар, масалалар, ечишда қаралган исмли сонлар устида бажариладиган амаллар системага солинади.

Программада геометрик материал катта ўринни эгаллайди. Мумкин бўлган жойларда (айниқса I—II синфларда) геометрик материални ўрганиш сонлар ва арифметик амалларни ўрганиш билан боғлаб олиб борилади.

Геометрик материал ҳажмининг кенгайиши муносабати билан лаборатория ишларининг салмоги ҳам ортган. Геометрик фигуralарни тайёрлаш ва уларни чизиш (аввал катакли қоғозда сўнгра чизиқсиз қоғозда), қийиб олиш, қоғоз варофини букиш йўли билан тўғри бурчак ҳосил қўлиш ва моделлар ясаш, маълум геометрик фигуralарни атрофдаги нарсалардан ва чизмадан (хусусий ҳолда бу шакл мураккаброқ) шаклни (конфигурациянинг элементларидан бири бўлган ҳолда ҳам) топишга доир машқлар; болаларда энг кўп ишлатиладиган ўлчов асбоблари (чиғирик, гўния, циркуль, рулетка) билан ишлаш малакаларини ҳосил қилдиришга йўналтирилган махсус машқлар ва бошқа ишлар систематик равишда ўтказиб турилади. Бу ишларнинг ҳаммаси геометрик пропедевтика ва бошлангич математика олдидағи талабларга (масалаларга) кўпроқ жавоб берадиган ишлардир. Ўқувчилар ўзларининг амалий ишлари асосида қаралаётган фигуralарнинг баъзи хоссалари билан танишишлари, олинган билимларни амалий масалаларни ечишда ишлата олишни ўрганишлари керак. Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг политехник маълумотларини оширишда катта аҳамиятга эгадир.

Геометрик материал кўпинча қаралаётган геометрик қонуниятларнинг, боғланишларнинг, муносабатларнинг

конкрет кўргазмали тасвири бўлиб хизмат қиласди (масалан, тенг катакларга бўлинган тўғри тўртбурчакни кўздан кечириб туриб, кўпайтириш амалининг хоссаларини ва тўғри тўртбурчакнинг периметрини топиш масаласини кўпайтманинг йифиндига нисбатан тарқатиш хоссасини ўрганиши билан боғланишда ўрганиш мумкин ва ҳ. к.). Аммо бундай қилиш бевосита арифметик материал билан боғлаб бўлмайдиган соф геометрик машқларни ўтказишини истисно қилмайди. I синфда фигура элементларни (кўпбурчакнинг учларини, томонларини, бурчакларини) санаши талаб қиладиган машқларни арифметика билан боғлаб ўтиш мумкин бўлади.

I синфда болалар бурчаклар (тўғри ва тўғримас), тўғри тўртбурчак (квадрат) билан ҳам танишадилар.

II синфда болалар айланада билан, доира билан танишадилар. Амалий ишлар асосида айланани тёнг қисмларга бўлиш қаралади.

III синфда фигуранинг юзи ҳақидаги тасаввурнинг таркиб топишни катта эътибор берилади. Тўғри тўртбурчакнинг ва квадратнинг юзини топиш формуласи қаралади.

Программанинг асосий ҳолатларини амалга оширишда ўқитиши методлари ҳам катта роль ўйнайди.

Программа энг олдин бошлангич синф ўқитувчилари нинг методик тажрибаларида нимаики яхши нарса тўпланган бўлса, шундан рационал фойдаланишини назарда тутади, сўнгра эса ўқитиши методларини мукаммалаштиришнинг баъзи йўналишларини белгилайди. Ўқитиши методларини мукаммалаштириш ўқитиши процессида болаларнинг билиш фаолиятларини максимал даражада активлаштиришга, ўқитиши процессида ўқувчиларнинг мустақилликларини ўстиришга, мустаҳкамлаш босқичидагина эмас, балки янги материални қарашда ҳам кенг фойдаланиши керак бўлган ўқувчилар ишларининг мустақил бўлишига, ўқитиши процессида болаларнинг ҳар томонлама ривожланишига, уларда машғулотларга нисбатан қизиқиш уйғотишга, янги билимларни эгаллашга бўлган ҳавас ва уқувлари, ҳамда турли хил масала ва саволларни ҳал қила олиш малакаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

Таклиф қилинаётган программа билан ишлашда материални ўрганишнинг индуктив йўлидан ҳам, дедуктив йўлидан ҳам, фойдаланиш мумкин. Болалар нарса-

лар тўпламлари устида амаллар бажаришдан сонлар устида амаллар бажаришга ўтадилар, бундан эса сонларнинг ва арифметик амалларнинг умумий хоссаларини ўрганишга ва бу хоссаларнинг ҳарфлар ёрдамида ёзилишини ўрганишга ўтадилар. Бошқа ҳолларда, масалан, амалларнинг умумий хоссаларини билишликка асосланиб, ўқувчилар хусусий ҳолдаги ҳисоблаш усулларини ва масалалар ечишнинг турли усулларини қарашга ўтадилар.

Бошланғич математикадан таълим бериш ўқувчиларнинг тарбияси ва ривожланиши билан яқин ва узлуксиз алоқада олиб борилиши керак. Математика билан шугулланишдан болаларда илмий дунёқарашнинг элементар асосларини таркиб топтириш, билиш қобилиятларини ривожлантириш учун совет ўқувчисининг шахсий сифат ва хусусиятларини тарбиялаш учун фойдаланиш керак.

Программа математик тушунчаларнинг конкрет турмуш (ҳаётий) материалларида таркиб топтиришни (шакллантиришни) назарда тутади, бу эса болаларга улар дарсларда ўтадиган тушунча ва қоидалар амалда (практикада) хизмат қилишини бу тушунча ва қоидалар практика талабига кўра пайдо бўлганини кўрсатиш имконини беради. Бу ҳолда фан билан практика орасидаги боғланишни тўгри тушунишнинг шаклланишига асос солади.

Болаларнинг турли хил боғланишлар билан таништириш атроф-борлиқдаги ҳодисаларнинг боғлиқлик сабабларини очиб бериш учун жуда муҳимдир ва болаларни функционал боғланиш идеясига олиб келиш учун катта аҳамиятга эга.

Математика программаси янги масалаларни, янги ўқув ва амалий масалаларни мустақил ҳал қилиш учун зарур бўладиган кўнирма ва малакалар билан қуроллантириш учун, меҳнатга нисбатан одат ва севгини тарбиялаш учун, жавобгарлик ҳиссини, қийинчиликларни бартараф қилиш, қатъиятини тарбиялаш учун катта имкониятлар очиб беради.

Болаларнинг билиш қобилиятларини, яъни тафаккур, хотира, диққат, ижодий тасаввур қилиш, кузатувчанлик хусусиятларини ривожлантиришда математиканинг катта аҳамияти борлиги умумият томонидан тан олинган. Бошланғич математиканинг ўзиёқ фикрнинг аниқ, қа-

түйи кетма-кетлінкда ва исботланувчан бўлншини талаб қиласди. Математика ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурларининг ривожланишига, уларни ўз нутқларининг қисқа, аниқ, равшан ва фикрларини тўғри баён қилиб беришсанъатига ўргатиш учун реал шарт-шароитлар яратиб беради. Бу шарт-шароитларнинг ҳаммасидан ўқитувчи болаларга математикадан таълим берганда тўла фойдаланиши керак.

Бошлиғич синфларда математика ўқитищда систематик равишда ҳар доим (ҳар куни) ўтилганларни такрорлаш ҳам катта аҳамиятга эга, шу билан бирга бу такрорлаш илгари эгаллаб олинган билимларни, малака ва кўникмаларни бирмунча ўзгартирилган шарт-шароитларда татбиқ қилишни (қўлланишни) талаб қиласдиган бўлиши керак, шундай қилинсада тегишли билимларни чуқурлашибдириш ҳамда ўқитиш процессида илгари олингани кўникма ва малакалар мукаммаллашиши таъминланган бўлиши керак. Шу билан биргаликда ўтилганларни такрорлаш имкони борича ўрганилаётган янги материалнинг мазмуни билан узвий боғланади. Материални ўрганиш ва такрорлашга худди шундай яқинлашиш муносабати билан ҳар қайси синф учун программада йилнинг охирида такрорлаш учун маҳсус вақт ажратилмайди (III синфдан ташқари).

Мазкур программа билан ишлашда шуни назарда тутмоқ керакки, бу программада ўқувчиларга бериш назарда тутнлган билимлар, малакалар ва кўникмаларни болалар, асосан дарсда ўқитувчи раҳбарлигига эгаллаб олишлари керак. Шу билан бирга математика ўқитиш болалар томонидан уй вазифаларининг системали равишда бажариб келишини талаб қиласди. Аммо уйга бериладиган бу топшириқларнинг ҳажми ва характеристи шундай бўлиши керакки, болаларнинг математикадан дарсдан ташқари ишлари ўртача 20—25 минутдан ошмаслиги керак ҳамда болалар уларни (ҳеч кимнинг ёрдамисиз) мустақил бажаришга дарсдан етарлича тайёрланган бўлишлари керак.

Дарс соатларининг программада алоҳида темаларга ажратилишини тахмиий деб тушунмоқ керак. Ўқувчиларнинг билим савияларига, ўқитиш процессидан келиб чиқадиган қийинчиликларнинг характеристига қараб, ўқитувчи баъзи темаларга ажратилган вақтни ортириши ёки камайтириши мумкин, бунда у шу шартни

эсдан чиқармасстиги керакки, шундай қилинганида йил охирида ҳар қайси йил учун программа томонидан белгиланган бутун материал ўқувчилар томонидан оштли ва пухта ўзлаштирилиши таъминланган бўлиши керак.

## ПРОГРАММА

І СИНФ

(210 соат)

УНЛИҚ

### Номерлаш ва энг содда шакллар (фигуралар) (30 соат)

Предметлар саноғи. Натураг қатор биринчи ўнта сонининг номи, кетма-кетлиги ва белгиланиши (ёзилиши). Сонларни таққослаш (тeng, teng эмас, катта, кичик). , ≠, >, < белгилари. Ноль сони ва унинг белгиланиши (ёзилиши).

Тўғри ва эгри чизиқни, тўғри чизиқ кесмасини, кўпбурчакларни (учбурчакларни, тўртбурчакларни ва ҳ. к) бир-биридан фарқ қилиш ва уларни тасвирлай билиш. Кўпбурчак элементларини (учларини, томонларини, бурчакларини) бир-биридан фарқ қила билиш.

Берилган кесма (сантиметрларда) узунлигини чизгич ёрдамида топиш (апиқлаш), берилган узунликдаги кесмани чизиш. 1, 2, 3, 5, 10 тийинлик танга-чақалар билан танишув, уларнинг тўплами билан танишув ва уларни майдалаш.

### Қўшиш ва айриш (40 соат)

Амалларнинг номлари (қўшиш ва айриш) ва уларнинг белгиланиши («плюс» ва «минус» ишоралари). Қўшиш ва айришда берилган ва изланадиган сонларният номлари (исмлари).

Кесмани берилган узунлик қадар катталаштириш ва кичиклаштира билиш. Кесмаларни айрмали таққослаш.

Ҳисоблаш усуллари: а) қўшишда: сонни унинг бўлаклари бўйича қўшиш ва қўшилувчиларнинг ўринларини алмаштириш йўли билан қўшиш; б) айришда: берилган сонни бўлаклари бўйича айриш ва қўшиш билан айриш орасидаги боғланишдан фойдаланиб айриш. 10 ичида қўшиш жадвали, шунга мос ҳолда сонларнинг таркиблари. 10 ичида айриш. Нолни қўшиш ва нолни айриш.

$5 + 4$  ва  $6 + 4$ ;  $7 + 2$  ва  $7 - 2$ ;  $3 + 0$  ва  $3 - 0$  кўришишдаги ифодаларни ўқиши, ёзиши ва таққослаши.

Тортиш ва сифимни аниқлаш процессида килограмм, литр ҳақида тасаввур ҳосил қилиши.

Қўшиш ва айришга доир содда масалалар, шу жумладан, амалларнинг номаълум компонентларини топишга доир масалалар. Шартига кўра ифодалар тузиш билан масалалар ечиш. Шартига кўра тенгламалар тузиш билан масалалар ечиш.

## ЮЗЛИК

### Номерлаш (30 соат)

Ўнлик — саноқ бирлиги сифатида. 11—20 сонларнинг оғзаки ва ёзма номерланиши; уларнинг ўнли таркиби; сантиметр, дәциметр.

21—100 сонларининг оғзаки ва ёзма номерланиши; уларнинг ўнли таркиби. Сантиметр, дәциметр, метр. 15, 20, 50 тийинлик тангалар ва 1 сўм, уларнинг тўплами ва уларни майдалаш.

$17 + 1$ ;  $19 - 1$ ;  $10 + 2$ ;  $18 - 8$ ;  $14 - 10$  кўринишида-ги қўшиш ва айриш ҳоллари.

### Қўшиш ва айриш. Геометрик фигуранлар ва миқдорлар (110 соат)

Қўшиш ва айриш хоссаларининг 100 ичида оғзаки қўшиш ва айришнинг асоси эканлиги.

$10 - (5 + 3)$  ва  $10 - 5 - 3$  кўринишидаги ифодаларни ўқиши ва таққослаши.

Бир хонали сонларни қўшиш жадвали. Бир хил сонларнинг йиғиндисини топиш ва сонни бир хил қўшилувчиларнинг йиғиндиси кўринишида тасвирилаш.

Түгри бурчак билан тапишув. Қозаң варагини бүкніш ійді билан түғри бурчак ҳосил қилиш. Түғри ва түғри-мас бурчакларни бир-биридан фарқ қила билиш (ажра-та билиш). Түғри түртбұрчак (квадрат). Бу фигурандар-ши катақлы қоғозда тасвиirlаш.

Үнча қийин бўлмаган мураккаб масалалар. Шартинга кўра ифодалар тузиш билан масалалар ечиш. Шартинга кўра тенгламалар тузиш билан масалалар ечиш.

II СИНФ

(210 coat)

ЮЗЛИК

## Құшиш ва айириш. Геометрик фигуralар ва миқдорлар (24 соат)

Түрлі усулларни құллапишиң билан құшиш ва айриш, масалалар ечиш.

Математик ифодаларни ёзиш учун ҳарфлардан фойдаланиш. Йиғиндининг ўрин алмаштириш хоссасининг ҳарфлар ёрдамида ёзилиши. Ҳарфларнинг берилган қийматларида  $a + 22$ ,  $b - 34$ ,  $a + b$ ,  $a + (b - c)$  ифодаларнинг қийматларини ҳисоблаш.  $a + 3 < 7$ ;  $b - 2 > 7$  кўринишидаги тенгсизликларни (таплаш йўли билан) ва  $12 + x = 20$ ;  $x - 17 = 42$ ;  $56 - x = 38$  кўринишидаги теигламаларни эчиш. Айриш ва қўшишни текшириш. Геометрик фигуralарни белгилаш учун ҳарфлардан фойдаланпш.

## Күпайтириш ва бўлиш. Геометрик фигурулар ва миқдорлар (124 соат)

Күпайтириши бир хил қўшилувчиларнинг йигинди-  
сими топиш деб тушунтириш. Бўлиш. Тенг қисмларга  
бўлиш ва каррали бўлиш; уларни умумлаштириш. Кў-  
пайтириш ва бўлиш компонентларининг ва натижала-  
ришининг номлари. Бу амалларнинг белгланиши («·» кў-  
пайтириш, «::» бўлиш ишоралари).

Кўпайтманинг ўрин алмаштириш хоссаси ва ундан ҳисоблашларда фойдаланиш. Кўпайтириш ва бўлиш амаллари компонентлари ва натижалари орасида муносабатлар (богланишлар), номаълум компонентни топиш.

Кўпайтириш жадвали. Бирга кўпайтириш ва бўлиш. Нолга кўпайтириш ва нолни бўлиш. Қолдиқли бўлиш. Бўлиш ва кўпайтиришни текшириш.

$x \cdot 9$  ва  $9 \cdot x$ ,  $7 \cdot 8$  ва  $7 \cdot 9$ ,  $10 \cdot 0$  ва  $10 \cdot 1$ ,  $14 \cdot 1$  ва  $14 : 1$  кўринишидаги ифодаларни таққослаш.

Ҳарфларнинг берилган қийматларида  $a \cdot 4$ ,  $b : 3$ ,  $a:b$   $a \cdot b$  кўринишидаги ифодаларнинг қийматларини ҳисоблаш.

$6 \cdot x = 42$ ,  $x : 4 = 12$ ;  $36:x = 4$ ;  $99:x = 11$ ,  $(x-5) + 12 = 40$ ,  $(45+12)-x = 50$ ,  $6 \cdot x = 42 - 12$  ва шуларга ўхшаш кўринишидаги тенгламаларни ечиш.

Арифметик амалларнинг бажарилиш тартиби.

Кўпайтириш ва бўлишга доир содда масалалар. Тўрт амалга доир биринчи синфдагига қараганда анчагина қийнироқ мураккаб масалалар.

Кесмали бир неча марта узайтириш ва қисқартириш. Бир неча кесмани каррали таққослаш. Кесмани тенг қисмларга бўлиш.

Тўғри тўртбурчакнинг периметри. Айлана. Доира. Айлананинг маркази ва радиуси. Доирани тенг қисмларга бўлиш. Геометрик фигуralарни қисмларга бўлиш ва берилган бир қанча қисмлардан фигура тузиш.

### Миқдорларнинг улушлари (6 соат)

Уларнинг белгиланиши ва таққосланиши. Соннинг улушларини топиш ва улушларига кўра соннинг ўзини топиш.

### Вақт ва унинг ўлчаниши (6 соат)

Ил, ой, сутка, соат, минут. Вақтни соат бўйича аниқлаш.

### МИНГЛИК

Номерлаш. Қўшиш ва айриш, кўпайтириш ва бўлиш (50 соат)

Оғзаки ва ёзма номерлаш. Узунлик ўлчовлари: километр, миллиметр, оғирлик ўлчовлари: килограмм, грамм.

Қўшиш ва айриш, оғзаки ва ёзма ҳисоблаш усуллари.

Ноль билан тугайдиган сонларни бир хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш (оғзаки). Барча тўрт амалга доир масалалар.

**КҮП ХОНАЛИ СОНЛАР, ГЕОМЕТРИҚ ФИГУРАЛАР  
ВА КАТТАЛИҚЛАР (185 соат)**

**Номерлаш (25 соат)**

Сонларни миллионлар синфи ичиде оғзаки ва ёзма номерлаш, оғирлик ва узунлик ўлчовлари метрик системаси. Ўлчовлар жадвали.

**Қўшиш ва айриш (25 соат)**

Ҳисоблашларнинг оғзаки ва ёзма усулларидан фойдаланиб миллионлар синфи ичиде сонларни қўшиш ва айриш. Амал компонентлари билан натижалари орасидаги боғланиш (умумлаштириш). Қўшиш ва айриш амаллари компонентларидан бирининг ўзгариши билан шу амаллар натижаларининг ўзгариши.

**Қўпайтириш ва бўлиш (115 соат)**

Ҳисоблашларнинг оғзаки ва ёзма усулларидан фойдаланиб кўп хонали сонларни қўпайтириш ва бўлиш. Бир хонали, икки хонали, уч хонали сонга қўпайтириш. Сонни қўпайтмага қўпайтириш ва бўлиш.

Амал компонентлари билан натижалари орасидаги боғланиш (умумлаштириш). Қўпайтириш ва бўлиш амали натижаларининг улар компонентларидан бирининг ўзгариши билан ўзгариши.

$x \cdot 12 + 36 = 60$ ,  $560 : x = 57 - 37$ ,  $36 : x = 24 : 6$  ва ҳоказо кўринишдаги тенгламаларни ечиш. Шу хилдаги тенгламалардан масалалар ечишда фойдаланиш.

Турли миқдорлар (баҳо, миқдор ва жами пули, төкнис ҳаракатда тезлик, вақт ва масофа ва бошқалар) орасидаги боғланишларга мисоллар.

Тўрт амалга доир масалалар

**Қўпбурчакнинг юзи (10 соат)**

Фигура юзи ҳақида тасаввур. Юзларни ҳисоблаш бирликлари: квадрат сантиметр, квадрат дециметр, квадрат метр. Тўғри тўртбурчак юзи (бевосита топиш ва бавосита — формула бўйича топиш).

## **Вақт ва унинг ўлчаниши (10 соат)**

Вақт ўлчовлари жадвали. Вақт ўлчовлари билан ифодаланган сонларни қўшиш ва айриш. Вақтни ҳисоблашга оид энг содда масалаларни ечиш.

## **Касрлар (7 соат)**

Касрларнинг ҳосил бўлиши. Уларни ўқилишн ва ёзилиши. Касрнинг сурати ва маҳражи. Касрларни таққослаш (энг содда ҳоллари). Соннинг касрии топиш.

## **Такрорлаш (18 соат)**

Бутун ўқув йили давомида ўрганилган усуллардан фойдаланиб оғзаки ҳисоблашлар бажарилади.

# ТАБИАТШУНОСЛИК

## ҮҚТИРИШ ХАТИ

Табиатшунослик бошланғыч мактабларнинг иккинчи синфидан бошлаб мустақил фан сифатида ўқув йилинг биринчи ярмида ҳафтасига бир соатдан, иккинчи ярмида эса икки соатдан ўқитилади. Биринчи синф ўқувчилари изоҳли ўқиш дарсларида йил фасллари, табиат ҳодисалари, табиат элементларига доир бошланғыч тушунчаларни бадиий асарлар ва табиатга доир топишмоқларни ўрганиш йўли билан билиб олганлар. Иккинчи синфда эса ўқувчиларнинг биринчи синфда олган тушунчалари маълум системада табиатнинг ўзига хос қонун ва қоидалари асосида шакллантирилади.

Иккинчи синф ўқувчиларининг ёш хусусиятлари, билим даражалари ва турмуш тажрибалари ҳисобга олиниб, табиатшуносликни йил фаслларига доир тушунчаларни ўрганишдан бошлаб ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

Табиатшуносликнинг бошланғыч бўлими ўқувчиларни кейинги синфларда ўрганадиган табиатга оид билимларни онгли ўзлаштиришларига асос бўлади, чунки ўқувчилар иккинчи синфда йил фаслларининг алмашиниши ва бу фаслларда об-ҳавонинг ўзгаришига боғлиқ бўлган табиат ҳодисалари юзасидан дастлабки маълумот оладилар. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг фаслга қараб мосланиши билан танишадилар. Табиат билан боғлиқ бўлган кишилар меҳнатининг ўзига хос хусусиятларини кузатиб борадилар.

Бошланғыч синфларда табиатшунослик фанининг ўқитилиши ўқувчиларда кузатувчанликни тарбиялаш ва табиат ҳодисаларига аҳамият бериш ҳамда бу ҳодисалар сабабини аниқлашга қаратилган.

Ўқурчи иккинчи синфда йил фаслларини ўрганар экан, ҳар бир фаслнинг ўзига хос белгиси ва унинг ке-

либ чиқиши сабабини кузатиш асосида билиб олиши лозим.

Үлкамизда март, апрель ва май ойлари баҳор ойла-ри ҳисобланади. Баҳор келиши билан кунлар узайиб, тунлар қисқаради. Об-ҳаво ўзгаради. Баҳорда ёмғир кўпроқ ёға бошлайди. Ўсимликлар уруғдан униб чиқади. Куртакдан барг ўсиб чиқади. Ўсимликлар гуллайди. Ҳашаротлар пайдо бўлади. Йессиқсевар қушлар учиб кела бошлайди. Қиши уйқусидаги ҳайвонлар уйғонади. Кишиларнинг баҳорги ишлари бошланади. Иккинчи синф ўқувчилари фаслларни кузатиш ва ўрганиш давомида табиатда содир бўладиган бундай ҳодисалар фақат қуёшнинг таъсири билан бўлаётганлигига ишонч ҳосил қилишлари керак. Бунинг учун қуёш баландлигининг ўзгаришини йил давомида кузатиб борилади. Об-ҳавонинг ҳолати ҳар куни кузатиб борилади ва об-ҳаво календарига ёзиб қўйилади.

Иккинчи синф программаси 4 бўлимга бўлинади:

- I. Табиатда бўладиган кузги ўзгаришлар.
- II. Табиатда бўладиган қишки ўзгаришлар.
- III. Табиатда бўладиган баҳорги ўзгаришлар.
- IV. Табиатда бўладиган ёзги ўзгаришлар.

Ҳар бўлим охирида умумлаштирувчи дарс уюштирилади.

Йил фаслларини юқоридаги тартибда ўрганиш ўқувчига дарсда олаётган билим ва тушунчасини табиатда кўриб, ишонч ҳосил қилиш имкониятларини беради.

Ҳар бўлимни ўрганишда кўргазмали дарслар: чунопчи, «Ўлкамизнинг маданий ўсимликлари», «Еввойи ўсимликлар», «Куртак ва куртакдан баргнинг ўсиб чиқиши», «Хона ўсимликлари», «Ўруғ ва уругнинг униб чиқиши», «Термометр», «Сув ва унинг хоссалари» каби темаларини уюштиришга эътибор бериш лозим.

Ҳар бир темани ўрганиш давомида табиатда бўладиган ўзгаришлар албатта илмий асосда тушунтирилиши зарур.

Табиат ҳодисалари ўртасида бўладиган боғланишларни ўқувчиларга тушутириш уларда атеистик тушунча ҳосил қилиш имкониятини беради. Ўқувчиларни табиатни кузатишга ўргатилар экан, табиатдаги рангларнинг уйғуналиги, уларнинг бир-биридан фарқи, табиатнинг ўзига хос мавсумий гўзаллигини кўрсатиш билан эстетик тарбия элементлари бериб борилади.

Ҳар фаслни ўрганиш давомида ўқувчиларни табиатга экскурсияга олиб чиқилади. Бунда у ўз теварак-атрофи ва ўлкасининг гўзал табиати билан танишади. Ўқувчи ўз ўлкасидаги кишилар меҳнати билан обод бўлаётган шаҳар ёки қишлоқнинг келгуси кўриниши ҳақида фикр юритади. Булар ўқувчини ўз ўлкаси ва унинг гўзал табиатини севишига ватанпарварлик ҳиссиятининг таркиб топишига имконият яратади.

Учинчи синфда «Табиатшунослик» фани олдида қатор илмий тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдириш ва зифаси туради.

Ўқувчилар табиат элементлари ўртасидаги боғланишларни илмий асосда тушуниб борадилар. Бирмунча ер илмига доир маълумотлар билан танишадилар. Учинчи синф ўқувчилари уч йил давомида табиатшунослик юзасидан олган билим, тушунча ва тасаввурларни маълум тартибга туширган ҳолда бошланғич синфни тамомлайдилар.

Учинчи синфда ўрганиладиган асосий билимлар 4 бўлимга бўлинади:

I. Жонажон ўлкамиз табиати.

II. Ватанимиз глобусда ва картада. Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги.

III. Одам организмининг тузилиши ва соғлиқни сақлаш.

IV. Табиат бойликларидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш.

Бу бўлимлар ўз ичига бир қанча темаларни олади, ҳар бир бўлим маълум илмий мақсадга қаратилади. Ўқувчилар жонажон ўлкамиз табиати билан бир-иккичи синфларданоқ таниша бошлайдилар, учинчи синфда эса жойда туриб томонларни аниқлаш, компас билан танишиш, карта ва план ҳақида тушунча, қуруқлик юзасининг шакллари, ер ости бойликлари, ўлкамиз сув ва тупроқлари, ўлкамиз аҳолисининг хўжаликдаги фаолияти ҳақида билим ҳамда тушунчага эга бўладилар.

Ўқувчиларда компас билан ишлаш, жой планинни олиш ва уни ўқий билиш, картанинг шартли белгилари билан танишиш, ўз ўлкасининг картасини СССР картаси билан солиштира билиш каби малакалар ҳам ҳосил қилинади.

Иккинчи бўлимда ўқувчи глобус билан танишади. Ернинг суткалик ва йиллик ҳаракатлари ва бундан келиб

чиқадиган оқибатларни билиб олади. Ватанимиз глобус ва ярим шарлар картасида қандай ўринни эгаллаганлиги ва табиатининг хилма-хиллиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлади. Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги СССР территориясида шимолдан жанубга томон ўзгариб борадиган табиат зоналари асосида тушунтирилади.

Учинчи бўлимда ўқувчилар одам организмининг тузилиши билан танишадилар. Ҳар бир орган устида гап борганда, албатта уни парвариш қилиш йўллари ҳам тушунтириб ўтилади.

Ҳозирги вақтда табиат бойликларини ўрганиш ва уларни ҳимоя қилиш давлат аҳамиятига эга бўлиб қолмоқда. Шунинг учун табиат бойликлари тупроқ, сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш, қўриқлаш, улардан тўғри фойдаланиш йўлларини ўқувчиларга тушунтириш, учинчи синф программаси олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу бўлимда табиат бойликларини қўриқлаш ҳар бир Совет кишисининг вазифаси эканлиги ҳақида ҳам тўғри тушунча беришга эътибор бериш лозим.

Учинчи синфда ўқувчилар иккинчи синфда ҳосил қилган кузатиш малакаларини такомиллаштириб борадилар.

### **Кузатишнинг мазмуни**

Йилнинг ҳамма фаслларида ўсимликлар, ҳайвон ҳаётида бўладиган ўзгаришларни йил давомида об-ҳавонинг ҳолатига қараб кузатиш. Одамлар меҳнатининг фаслларга қараб ўзгаришини кузатиш. Асбоблар (гномон, термометр, флюгер, ёғин ўлчагич) ёрдамида кузатиш асосий ишлардан бўлиб ҳисобланади.

Табиатни узлуксиз кузатиш, кузатиш натижаларини дарсда қайта ишлаб чиқиш, умумлаштириш ва қилинган ишларга ўқитувчи томонидан хулоса ясаш табиатшунослик фанининг бошланғич қисмини ўқитишдаги асосий метод ва иш усуллари ҳисобланади.

Ўқувчиларининг табиатга доир тушунчаларини онгли ўзлаштиришларига эришмоқ учун табиат ва табиат ҳодисаларига доир ёзилган бадиий асарлар, ҳикоялар, шеърлар, топишмоқлар ва дидактик ўйинлардан ҳам фойдаланилади. Табиатшунослик дарсларида диафильм, диапозитив кинофильм, кўрсатмали дарслар, экскурсия ва кузатиш натижаларини ишлаб чиқишга кенг ўрин бериш керак.

Табиатшунослик дарси меҳнат дарслари билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

## Иккинчи синфда об-ҳавони кузатиш

Биринчи синфдаги об-ҳавони кузатиш иши давом эттирилади, лекин ўқувчи мустақил равишда об-ҳавони кузатиб, календарга белги қўйиб боради. Ҳаво очиқ ёки булут, ёғин характеристи (қор, ёмғир). Энг биринчи совуқ, энг биринчи қор, энг қалин қор (қалинлигини ўлчайди), қуёш баландлигига қараб куннинг узайиши ва қисқариши, шамол, шамолнинг йўналиши, ўсимлик ва ҳайвонот оламида бўлаётган ўзгаришлар (баргини энг олдин тўккан дараҳт, энг олдии гуллаган дараҳт, қиши уйқусига кирган ҳайвон, энг кейини учиб кетгани қуш, энг олдин учиб келган қуш) кузатилади ва календарга белгилаб борилади.

Бу ишлар давомида ўқувчилар об-ҳавони кузатиш, об-ҳаво календарини тўлдириш, ҳароратни термометр ёрдамида ўлчаш, шамол йўналишини флюгер ёрдамида кузатиш малакасига эга бўладилар.

Ҳафталиқ, ойлик об-ҳаво маълумотларидан фойдаланиб, об-ҳавога характеристика ёзишга ўрганидилар.

## ПРОГРАММА

### П С И Н Ф

(54 соат)

#### Табиатда бўладиган кузги ўзгаришлар (14 соат)

Кузнинг характеристли белгилари. Куннинг қисқариб, туннинг узайиши. Куз кунларида ҳаво температурасининг ўзгариши. Термометр. Об-ҳавонинг ўзгариши. Кузги ёгинилар: ёмғир, шудринг, қиров, туман. Биринчи совуқлар. Тупроқ юзасининг музлаши.

Кузда ўсимликлар ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар: кўпгина ўтсимон ўсимликларнинг қуриб қолиши, хазонрезилик, ўсимликларнинг ташки кўришинига қараб дараҳт, бута, ўт ўсимликларига ажратиш. Ўсимлик органлари: илдиз, поя, барг, гул меваси. Кузда ўсимликларнинг мева ва уруғ бериши. Ҳосилни йифиши.

Пахта далаларидағи йиғим-терим ишлари. Манзарали вә мева дараҳт күчатлари ўтқазиш. Кузги шудгор.

Кузда ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар.

Иссиқсевар қушларнинг учиб кетиши, кўршапалакларнинг уйқуга кириши.

Ўтроқ қушлар ва уларнинг ҳаёти. Куз охири ва қишиш бошлапиш даврида ҳайвонларнинг ҳаёти, типратикаш, калтакесак, илон, тошбақа, юмронқозиқ ва боциқа ҳайвонларнинг уйқуга кириши. Бу ҳайвонларнинг ташки кўриниши. Ёввойи ва уй ҳайвонларининг қишиш совуқларига мосланиши. Чорва молларини қишлоғга тайёрлаш.

Кузги меҳнат. Далада, полизда, боғда ва хиёбонлардаги кузги ишлар. Ийсон соғлигини сақлаш. Шамоллашнинг олдини олиш. Ўқувчиларнинг кундалик режими.

Экскурсиялар: дараҳтлар, буталар, ўтларнинг кузги кўриниши билан танишиш мақсадида боғларга, хиёбонларга ва мактаб ўқув-тажриба ер участкалариға экскурсиялар ўтказиш. Қишлоқ мактабларида чорвачилик ёки паррандачилик фермасига ҳайвон ёки паррандаларнинг кузги ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар билан танишиш мақсадида экскурсиялар уюстириш.

*Предмет дарслари:* 1) термометр; 2) ўсимликнинг органлари билан танишиш; 3) манзарали дараҳтлар: терак, қайрағоч ва тут билан умумий танишиш.

## Табиатда бўладиган қишки ўзгаришлар (10 соат)

Улкамиз қишининг характерли белгилари. Қунпилг қисқарип, туннинг узайиши. Ҳаво ҳароратининг пасайиши. Тупроқ ва сувнинг музлаши. Сув. Муз, қор ва уларнинг хоссалари. Кузги ўсимликлар (кузги буғдоӣ, арпа ва бошқалар) учун қор қопламишининг аҳамиятни. Қишиш вақтида дараҳт ва буталар. Доимий яшил ўсимликлар. Ҳона ўсимликлари.

Қишлоғчи қушлар: чумчуқлар, мусичалар, сўфитўргайлар ва қизилиштонлар. Қушларга ғамхўрлик қилиш.

Қишиш вақтида ёввойи ва уй ҳайвонларининг ҳаёти.

Одамларнинг қишиш вақтидаги меҳнати: пахта далаларида нам тўплаш учун яхоб бериш ва шўрланған ер-

ларни ювиш, сугориш каналларини тозалаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш. Шаҳарларда кўчаларни қордан тозалаш. Организм совиб қолишининг олдиги олиш. Қиши вақтида очиқ ҳавода ўйнаш. Қишида биноларни шамоллатиш. Соғлиқни сақлаш.

**Экскурсиялар:** Қиши вақтида дарахт ва буталарнинг ҳолати, қушларнинг одатини кузатиш мақсадида боғ ва хиёбонларга экскурсиялар уюштириш.

**Предмет дарслари:** 1) хона ўсимликлари; 2) қор ва муз; 3) қишлоғчи қушлар (музичалар, сўфитургайлар, қизилиштонлар ва чумчуклар).

### Табиатда бўладиган баҳорги ўзгаришлар (18 соат)

Улкамиз баҳорининг характерли белгилари. Кунларнинг узайиб, тунларнинг қисқариши. Кунлар исишининг сабаблари. Қорнинг эриши. Баҳор ёмгиrlари. Баҳорги сув тошқинлари. Тупроқда нам тўпланиши ва унинг ўсимликлар ҳаётидаги аҳамияти. Ўсимликларнинг уйгоши. Ўсимликларнинг уруғи, новдаси ва кўчати орқали кўпайтириш.

Дарахт ва буталар куртагининг бўртиши, ёш новдаларнинг ўсиб чиқиши, баргларнинг ёзилиши. Уларнинг гуллаши. Энг олдин гуллайдиган ўсимликлар—бина фша, қоқиёт, бойчечак, чучомма ва бошқаларнинг гуллаши. Ўсимлик органларининг баҳорда ривожланиши.

Ҳайвонларнинг туллаши ва болалаши.

Ҳашаротлар. Дастлабки ҳашаротлар. Фойдали ва зарарли ҳашаротлар.

Қушларнинг учиб келиши. Қушларнинг бола очиши. Қушлар уясини ҳимоя қилиш. Типратикан, калтакесак, илон, тошбақа, юмонқозиқ ва бошқа ҳайвонларнинг қишки уйқудан чиқиши. Чорва молларини яйловга олиб чиқиш.

Қишиларнинг баҳорги меҳнати. Дала, боғ, полиз ва хиёбонлардаги баҳорги ишлар.

**Экскурсиялар:** ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётida содир бўладиган баҳорги ўзгаришлар билан танишиш мақсадида дала, боғ ёки хиёбонларга экскурсия уюштириш.

**Предмет дарслари:** 1) ўсимликнинг уруғдан униб чиқиши (сипфда ўсимлик уруғининг униб чиқишини кў-

риш мақсадида олдиндан тажриба тайёрлаш); 2) да-  
рахт, бута, ўт ўсимликларининг энг олдин кўкариб гул-  
лаши; 3) фойдали ва заарли ҳашаротлар.

### **Табиатда бўладиган ёзги ўзгаришлар (8 соат)**

Ўлкамиз ёзининг характерли белгилари. Кунларнинг  
янада узайиб, тунларнинг қисқариши. Ҳаво ҳарорати-  
нинг кўтарилиши. Ўсимликларда мева ҳамда уруғлар-  
нинг ҳосил бўлиши. Мактаб ўқув-тажриба ер участка-  
сидаги ўсимликларни парвариш қилиш.

Бегона ўтлар. Бегона ўтларга қарши кураш.

Ёз вақтида ҳайвонлар ва қушлар ҳёти.

Фойдали қушлар уясини қўриқлаш.

### **Кишиларнинг ёз вақтидаги меҳнати**

Соғлиқни сақлаш. Ёз вақтидаги кундалик режим.  
Чўмилиш қоидалари. Ошқозон касалликларининг олди-  
ни олиш.

Ёзги топшириқлар: ўзи яшаб турган ердаги ўсимликлардан гербарийлар тузиш ва ҳашаротлардан коллек-  
циялар тўплаш.

Амалий ишлар: йил давомида об-ҳавони кузатиши  
ва об-ҳаво календарини тўлдириб бориш.

### **Якунловчи дарслар (4 соат)**

Йилининг турли мавсумларида ўсимлик ва ҳайвон-  
лар ҳётида бўладиган ўзгаришларга якуц ясаш.

### **ИСИНФ**

(70 соат)

### **Жонажон ўлкамиз табиати (30 соат)**

Жойда туриб томонларни аниқлаш.

Компас. План ва карта. СССР ва Ўзбекистон ССР  
нинг табиий карталари билан танишиш. Картанинг  
шартли белгилари.

Ўлкамиз ер юзасининг шакллари: тепалик, жар, ясси  
текислик, сертепа текислик, тоғлар.

Ўлкамизнинг муҳим фойдали қазилмалари, уларнинг жойлашган ўрии, қазиб олиниши ва ишлатилиши.

Табиатда сув, сувнинг айланиши. Ўлкамиз сувлари. Оқар сувлар, кўллар, ер ости сувлари. Сунъий сув ҳавзалари (каналлар, сув омборлари).

Бизнинг ўлка Ватанимизга нималар етказиб беради? Ўлкамиз аҳолисининг хўжалик фаолияти.

Саноат марказларига характеристика бериш қўйидаги мазмунда ўргатилади.

Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти. Саноат ва маданиятнинг маркази. Чирчиқ ва Навоий химиклар шаҳарчаси. Фарғона ва Марғилон илаги оламга машҳур.

Экскурсиялар: қуруқлик юзасининг асосий шаклари билан танишиш мақсадида мактаб атрофига, сув ҳавзасига экскурсия ўюштириш.

*Предмет дарслари:* 1) фойдали қазилмалар; 2) маданий ўсимликтар; 3) фойдали ва заарли ҳайвонлар; 4) ўлкамиздаги доривор ўт ўсимликлар.

Тажрибалар: 1) Сувда эрийдиган ва эримайдиган моддалар. 2) Сувни тозалаш (фильтрлаш).

Амалий ишлар: Қуёш ва комиас ёрдамида горизонтнинг асосий ва ёрдамчи томонларини аниқлаш. Табиат бурчагини жиҳозлаш учун гербари, коллекция ва фотостендлар тайёрлаш.

Ватанимиз глобусда ва картада.

### Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги

Глобус — Ернинг шаклидир. Ернинг суткалик ва ўйлик ҳаракати. Иил фаслларнинг алмашиниши. Кечча ва кундуз. Материк ва океаплар. Глобус ва ярим шарлар картасида Ватанимиз табиатининг хилма-хиллиги. Табиатнинг узоқ шимолда ва жанубдаги кўрининши. Тайга ва аралаш ўрмон табиати. Даشت ва чўл табиати. Тоғ табиати.

*Предмет дарслари:* 1) тундра ўсимликлари; 2) ўрмон ўсимликлари; 3) чўл ва даشت ўсимликлари; 4) тоғ ўсимликлари.

Амалий ишлар: Теллурий ёрдамида қуёш таъсирида ер юзасининг иситилиши ва ёритилишини тажриба асосида тушунтириш: Қуёшнинг иссиқлиги ва ёруғлигининг ер юзасига бир хилда таъсир этмаслиги ва ундан келиб чиқадиган оқибатлар (теллурий ёрдамида) СССРнинг зоналар картаси бўйича ишлаш.

## **Одам организмининг тузилиши ва соғлиқни сақлаш**

Скелет. Тўғри ўтиришнинг аҳамияти. Мускуллар, мускулларни чиниқтириш учун жисмоний меҳнат ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти.

Қон томирлари. Юрак ва уни чиниқтириш. Нафас олиш органлари. Овқат ҳазм қилиш органлари. Овқатланиш қоидалари. Тиш ва уни парвариш қилиш. Нерв системаси ва сезги органлари. Меҳнат ва дам олиш қоидаси. Совет кишиларининг соғлигини сақлаш учун партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги.

*Предмет дарслари:* 1) скелет; 2) табиат бойликларидан фойдаланиш ва уни қўриқлаш; 3) ватанимизнинг ер бойлиги ва ундан фойдаланиш; 4) сув инсон хизматида; 5) ўсимлик ва ҳайвонот оламидан фойдаланиш ва уларни кўпайтириш; 6) ватанимиз табиат бойликларини қўриқлашда партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги; 7) одам табиатни бўйсундирувчи ва ўзгартирувчи дидир.

# МЕҲНАТ-ПОЛИТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

## УҚТИРИШ ХАТИ

Умумий таълим мактабларининг бошлангич синф ўқувчиларини меҳнат политехника жиҳатидан тайёрлаш, уларга меҳнат таълими ва меҳнат тарбияси бериш умумий таълим системасининг узвий қисмидир. Ўқувчиларни меҳнат — политехника жиҳатидан тайёрлашдан кўзда тутилган мақсад уларни политехника билимларининг асослари ва дастлабки меҳнат кўникмалари билан қуроллантириш, меҳнатсеварлик, меҳнатга ва меҳнат аҳлларига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдир. План асосида ва муайян мақсадни кўзлаган ҳолда йўлга қўйилган таълим фаолияти жараёнида ўқувчиларни меҳнат — политехника жиҳатидан тайёрлашга доир қўйидаги асосий вазифалар амалга оширилади:

а) болаларнинг индивидуал ва колектив меҳнат тажрибалари, ишлаб чиқариш тўгрисидаги билим ва тасаввурлари кенгайтирилади ва системалаштирилади, шунингдек, ўқувчилар материаллар, уларнинг хоссалари, қуроллар ва улар билан ишлаш қоидалари тўгрисида маълум даражада билимга эга бўладилар;

б) ўқувчиларда энг кўп ишлатиладиган ва болаларнинг кучи етадиган материалларни энг оддий қўл асбоблари билан ишлашга доир конкрет кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

в) ўқувчиларда умуммеҳнат кўникмалари, меҳнат маданияти, меҳнатга актив муносабат, мустақил меҳнат қила билиш, меҳнат интизоми каби хислатлар таркиб топтириш, уларни меҳнатларини планлаштириш ва йўлга қўя олишга ўргатиш, ўқувчиларни графикнинг асосий элементларидан, меҳнат жараёнида энг оддий график (чизма) ҳужжатлардан фойдалана билишга ўргатиш;

г) меҳнат фаолиятида ўқувчиларни ҳар жиҳатдан: ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш;

л) меңнат жараенида келажакда коммунистик қурилиш иштирокчиси шахсига хос сифатлар: умум фойдасига меңнат қила билиш ва бунга тайёр бўлиш, колектив равишда, ташкилий суратда, план асосида, ижодий равишда ва қунт билан миқдор, сифат кўрсаткичларини қўлга киритишига интилиш каби хислатлар тарбиялаш.

Бу вазифаларни бажаришнинг энг муҳим шарти болаларнинг таълим-тарбиявий фаолиятини активлаштириш, уларнинг меңнат топшириқларини бажаришдаги мустақиллигини оширишdir. Шунинг учун ҳам меңнат обьектларини шундай танлаш, топшириқларни шундай йўлга қўйиш кәракки, тайёрланиши керак бўлган буюмларни танлашда, уларнинг ижтимоий фойдасини ва ўқувтажриба ишларининг мазмунини аниқлашда болалар актив иштирок эта оладиган бўлсин, бажариладиган ишлар учун зарур бўлган материалларни ҳисоблай билсин. Ўқувчиларда бирор ишни бажара олиш маҳоратинигина эмас, балки ижодий қобилиятини ҳам ўстириш зарур: «айтиб турганни» бажариш ишларидан, тайёр конструкциялар бўйича иш бажариш ва ўқитувчи айтган ҳамда кўрсатган иш усуулларини тақрорлашдан ўқувчилар секин-аста мустақил равишида буюмларни конструкция қилиш ҳамда тайёрлашга ўтадилар. Бунинг натижасида эса ўқувчиларда мустақиллик, ташаббускорлик ва ижодчилик узлуксиз оша боради. Ўқувчилар борган сари буюмларнинг конструкциясини янги шароитга мослаштириш, шунингдек, конструкциянинг сифатини янада яхшилаш мақсадида уларга янгидан-янги ўзгаришларни киритадиган бўладилар. Ўқувчилар буюмларнинг турли варианtlарига доир конструкцияларни таққослашга, уларни тайёрлаш юзасидан таклиф этиладиган иш усуулларини баҳолашга, қўйилган масалани ҳал этишининг энг маъқул йўлларини танлашга ва бу йўлларни мантиқий асослашга ҳамда уларни техник расм ва энг содда чизмалар тарзида тасвирлашга одатланадилар.

Ўқувчиларни меңнат — политехника жиҳатидан тайёрлашнинг мазмуни ва ташкилий формаларининг турмуш билан узлуксиз боғланишда бўлиши, болаларнинг техникага, ишлаб чиқаришга қизиқиши, бошқаларнинг меңнатини кузатиш уларда муҳим ижтимоий-фойдали меңнат масалаларини ҳал этиш эҳтиёжларининг вужудга келишига ёрдам беради.

## Ўқув материалларининг мазмуни

Программада ўқувчиларга техникага, қишлоқ хўжалигига ва хизмат кўрсатишга оид меҳнат элементларини ўргатиш кўзда тутилади.

Ўқув материали программанинг бўлим ва темалари бўйича қўйидагича тақсимланади:

Тартиб номери	Меҳнат турлари	Соатлар сони		
		1- синиф	2- синиф	3- синиф
<b>A. Техникага оид меҳнат</b>				
1	Қозоғ ва картон билан ишлаш . . . . .	18	17	12
2	Газлама билан ишлаш . . . . .	8	10	12
3	Турли материаллар билан ишл.ш . . . .	10	12	12
4	Техника соҳасидан модель ясаш . . . . .	10	14	14
	<b>Ж а м и . . . . .</b>	<b>46</b>	<b>53</b>	<b>50</b>
<b>B. Қишлоқ хўжалигига оид меҳнат</b>				
1	Синифла ишлаш . . . . .	2	3	3
2	Ўқуз тажриба участкасида ишлаш Сабзавот ва декоратив ўсимликларни ўстиришга доир энг оддий тажрибалар	4	9	12
	<b>Ж а м и . . . . .</b>	<b>6</b>	<b>12</b>	<b>15</b>
<b>В. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва уй рўзгор меҳнати . . . . .</b>				
	Экскурсиялар . . . . .	2	2	2
		2	3	3
	<b>Ҳ а м м а с и . . . . .</b>	<b>56</b>	<b>70</b>	<b>70</b>

Бу бўлимларда курснинг мазмуни, ўқувчилар политехник — меҳнат тайёргарлигининг ҳажми ва сифати, ишланадиган материалларнинг умумий хоссалари ва сифатлари, бу материалларнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти билан амалий таништириш, типик асбоб ва қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган қўл асбоблари, улардан фойдаланишда қўлланиладиган иш усуслари билан таништириш, элементар тарзда ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш техникаси, технологияси ва корхонада меҳнатни йўлга қўйиш билан таништириш кўрсатилган. Шу билан бирга бунда деталлардан буюмлар қурияшас, турли ўсимликларни ўстиришга алоҳида эътибор берилади.

Үқув вақтиниңг жадвалда күрсатылғанча тақсиматиши программада қофоз ва картон билан бажариладиган ишларнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан да-лолат беради. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув меҳнати жараёнида бу материаллар ёрдамида турли-туман конструктив ва технологик масалаларни ҳал этиш, улардан ўқув қўллапмалари, ўйинчиқлар, уй буюмлари ва ҳоказолар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Қофоз ва картон билан ишлаш соҳасида ҳосил қилинган кўникма ва малакалар меҳнат дарсида ва турмушда дуч келган бошқа буюмларни қийналмай ясашга ёрдам беради.

Буюмлар шаклининг хилма-хил бўлиши, ишлатида-диган материалларнинг кўриниши ва рангининг ҳар хил бўлиши ўқувчиларда композицион қобилиятларнинг ўсишига, рангни идрок қила билиш ва эстетик маънодорликни фарқ қила олиш каби хислатларнинг камол топишига ёрдам беради.

Программанинг техникага оид меҳнат бўлимининг ўзида газлама ва бошқа материаллар билан ишлаш, масалан, тикиш, тўқиш, кашта тикиш кабиларга оид элементар ишларни бажариш кўзда тутилади. Бунда ўқувчилар табиий ва сунъий толалар тўғрисида, уларнинг пайдо бўлиши, классификацияси, ишланиш усуллари, тўқимачилик материалларидан хилма-хил буюмларнинг тайёрланиши, бу буюмларнинг инсон ҳаётида, ишлаб чиқаришда ва турмушда тутган ўрни ҳақида дастлабки тасаввурларга эга бўладилар. Газлама билан ишлаш натижасида бошланғич синфларда ҳосил бўлган билим ва кўникмалар қизлар учун ҳам, ўғил болалар учун ҳам зарурдир: бу ўз кийим-кечагига қараш соҳасидаги меҳнатда катта ўрин тутади.

Техникага оид меҳнат бўлимида турли материаллар: ёғоч, темир, кўп тарқалган пластмассалар, табиий материаллар, пластилин ва шунга ўхшаш материаллар билан бажариладиган ишлар алоҳида ажратилган. Бу бўлимда ўқувчилар турли материалларни ишлашда қўлланиладиган иш усуллари, қурилиши ва ясалиши ўқувчиларга тушунарли бўлган ва улар меҳнатини енгиллаштирадиган жуда оддий мосламалардан (тиски (гира), доира қирқгич, чеклагич, ўйпалтиргич ва ҳоказолардан) фойдаланиш усуллари билан танишадилар. Ярим фабрикатлар, айрим деталлар ва деталлар тўпламидан фойдаланиш туфайли ҳам ўқувчиларнинг меҳнати анча епгил-

лашади. Ярим фабрикатлар ва деталлар түпламиини саккиз йиллик ва ўрта мактабнинг юқори синиф ўқувчилари тайёрлашлари мумкин.

Бошлангич синиф ўқувчиларининг политехникага доир тасаввурлари ва техник қуриш-ясаш қобилиятларини ўстиришда меҳнат дарсларида техника соҳасида моделлар ясашни йўлга қўйиш катта аҳамиятга эгалид. Программада тавсия этилган темаларда хилма-хил техника-га оид моделлар ясаш назарда тутилади. Ҳар бир синифга доир амалий ишлар программасига маҳсус «Техника соҳасидан модель ясаш» бўлими киритилган, бу эса ўқувчиларнинг политехникага доир тасаввурларини, ишлаб чиқариш ва унинг инсон ҳаётидаги роли, техника-нинг аҳамияти тўғрисидаги билимларини системалаштиришга имкон беради. Бу вазифаларни бажаришда ўқувчилар тайёрлаган техникага оид моделлардан табиатшунослик, нутқни ўстириш, математика дарсларида фойдаланиш, шунингдек техникага оид ўйнилар, мусобақа ва конкурслар ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигига оид меҳнат бўлимида ўқувчиларнинг қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги, сабзавот ва декоратив ўсимликларни ўстириш ҳамда парвариш қилиш ҳақидаги билимларининг мазмуни берилган, I синифда барра пиёс, дуккакли ва декоратив ўсимликлар ўстирилади. II синифда илдизмевалар ва гулзор учун керакли ўсимликлар ўстирилади. III синифда эса кўчат қилиб экиладиган ўсимликлар, шунингдек, кўп йиллик гул декоратив ўсимликларни ўстириш билан таништирилади. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг қайси хилини мактабда ўстириш учун тандаш маҳаллий шароитга ва ўқув-тажриба участкасида ишларни уюштира олишга боғлиқ.

Программада ҳар бир синф учун тажриба ишларининг тахминий рўйхати берилади.

Қишлоқ мактабларининг бошлангич синфлари программасига мевали дарахтлар ўстириладиган боғ ҳамда полизда бажариладиган қўшимча ишлар ҳам киритилган. Шу мақсадда программадаги «Техникага оид меҳнат» бўлимишинг соатлари (II синифда уч дарс, III синифда эса беш дарс) қисқартирилади.

I синифда ўқув-тажриба участкасида ёзда бажариладиган ишларнинг тахминий рўйхати берилган.

Ўқув-тажриба участкасида ўқувчилар амалий ра-

вишда қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган қуроллар билан танишадилар. Бу қуроллар болаларнинг ёшига мувофиқ бўлиши керак<sup>1</sup>.

Мазкур программадаги ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва уй-рўзгор меҳнатига доир баъзи ишлар: тикиш ишларига (кийим-кечакка қарашнинг баъзи элементлари), қишлоқ хўжалиги меҳнатига (хонада ўстириладиган ўсимликларни парвариш қилиш) қофоз ва картон билан ишлашга (уй буюмларини тайёрлаш) доир материалларни ўрганиш вақтида бажарилади. Программа да ўқувчиларни майший хизмат кўрсатиш техникаси билан таништириш ҳам назарда тутилади.

Программада ҳар бир тема бўйича ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимларнинг мазмуни, ҳажми аниқланган, ўқувчиларнинг лабораторияда бажаридиган ишларининг қисқача таълимий ва политехник характеристикаси, ўқув меҳнати юзасидан тавсия этиладиган объектларнинг рўйхати берилган.

Ҳар бир тема бўйича амалий ишларни бажариш учун меҳнатга ажратилган вақтнинг асосий қисми (ўрта ҳисобда программада мазкур темани ўрганиш учун ажратилган ҳамма вақтнинг 80—90 проценти) ажратилади. Ўқувчиларга тегишли билимлар ҳар бир дарсда амалий ишларни бажариш вақтида берилади.

Болаларда ҳар қандай меҳнат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган умумий меҳнат кўникмалари таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилади. Бу кўникмалардан энг муҳимлари — бажарилиши лозим бўлган фаолиятни планлаштириш, меҳнатни йўлга қўйиш, ўз-ўзини назорат қилиш, бажарилган ишга баҳо бериш ва уни ҳисобга олиш, мустақил ишлай олишdir.

Программага маълум системада графика ишлари, техникага оид расмлар ва энг оддий чизмалар чизиш ишларининг элементлари ҳам киритилган. I синфда ўқувчилар қофозда, газлама ва ишланадиган бошқа материалларда тўғри режалаб олишини ўрганадилар. Энг оддий чизмалардан жуда оддий буюмларни тайёрлашда фойдаланилади. I синфда чизманинг ўзини чизиш эса ўқитувчи кўрсатмалари ва тушунтириши асосида бажарилади.

<sup>1</sup> И. Г. Розанов, П. А. Завитсаев, Н. Е. Цетлин, „Уроки ручного труда в первом классе“, „Учпедгиз“, 1958, 3-иашр.

II синфда меҳнат топшириқлари фақат буюмнинг ўзига қарабгина эмас, балки унинг фотосурати асосида, буюмнинг ёзма баёни, олдиндан берилган шартлар ва ўлчамлар асосида, ё бўлмаса, ўқувчиларнинг ўз фикрлари асосида ҳам бажарилади.

Программада ўқувчиларнинг политехникага доир билимларини бойитиш мақсадида уларни ишлаб чиқариш, кишилар меҳнати билан умумий тарзда таниширишга алоҳида эътибор берилган. Программада ўқувчиларни экскурсияга олиб бориш обьектларининг тахминий рўйхати берилган.

Бу ишларнинг ҳаммасини ўқитувчи ўлкани ўрганиш асосида, атрофдаги маҳаллий ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда бажаради.

Экскурсияда ўқувчилар маҳаллий ишлаб чиқариш илфорлари билан учрашадилар, турли касб ва ихтисос эгаларининг меҳнати қандай йўлга қўйилиши, ишлаб чиқариш жараёнида машина, механизм, электр ва автоматларнинг ишлатилиши туфайли кишилар меҳнатининг енгиллашуви, меҳнат унумдорлигининг оширилиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши билан бевосита танишадилар.

## ПРОГРАММА

І СИНФ

(56 соат)

### *I бўлум*

#### A. ТЕХНИКАГА ОИД МЕҲНАТ

##### 1. Қофоз ва картон билан ишлаш (18 соат)

Қофознинг баъзи хоссалари: қалинлиги, пишиқлиги, силлиқлиги, ранги, нам ва сиёҳнинг шимилиши билан танишиш. Қофоздан буюм тайёрлашда букиш, тахлаш, елимлаб ёпишириш, қийиш, тикиш усулларидан фойдаланиш.

Қофоздан буюмлар тайёрлашда ёрдамчи материаллардан -- крахмал ёки клейстердан тайёрланган елим, декстрин елим, ипдан (тикиш учун) фойдаланиш.

Қоғоздан буюмлар тайёрлашда ишлатиладиган қурролларнинг номларини билиш: тұмтоқ учли кичкина қайчи (14—15 см), идора нинаси, сантиметрларга бўлинган чизғич ва рангли қаламлар, бўёқлар учун мўй-қаламлар, андаза ва йўналтиргичларнинг вазифалари, уларни ишлатиш усуллари ва сақлаш қоидалари. Қурроллар билан ишлашда амал қилиниши лозим бўлган хавфисзлик техникаси.

Меҳнат таълими топшириқларини бажариш ишларини плаңлаштириш ва йўлга қўйиш.

Ўқувчиларнинг колхозда ишлаши учун иш жойларини ташкил этиш (ҳар бир қурол, мослама ва тайёр буюм учун доимий жой танлаш).

### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

**Ўкув дарси:** «Дафттар тайёрлаши».

**Лаборатория машғулотлари:** Қоғознинг энг муҳим хоссаларини жуда оддий усулда текшириш.

### **Амалий ишларнинг тахминий рўйхати**

**А.** Энг оддий операцияларни ўрганиш билан бирга буюмлар тайёрлаш: андаза ёрдамида режалаш, белгиланган ва унча узун бўлмаган чизиқлар бўйича булаш, буклаб тахлаш ва қайчи билан қирқиш.

Суратлар сақланадиган (тахлаб қўйиладиган) қоғоз папка.

Саноқ материаллари: квадрат, учбурчак ва бошқалар (андаза ёрдамида бичилган фигуранлар).

Ўқишишни, саноқни ўрганиш, шаклларни таниб олиш учун ишлатиладиган дидактик материаллар: кесма ҳарфлар, рақамлар, геометрик шакллар.

Саноқ материаллари сақланадиган конвертлар. Уруғлар сақланадиган халталар (икки усулда бичилган). Қоғоз қийқимлари солинадиган қути. Кутубхона формулярлари солинадиган халтаси. Саноқ лентаси ва саноқ жадвали. Байроқчалар. Байроқчалардан ясалган гирляндалар. Қалпоқча — пилотка. Квадрат ва учбурчак шаклидаги қарсылдоқ.

Жуда оддий аппликацияли хатчўп.

**Б.** Намунага қараб чизғич ёрдамида чизиб буюмлар тайёрлаш. Тўғри чизиқ бўйлаб қоғозни қирқин: тўғри

бурчакли, учбурчак шаклидағи, думалоқ ва мураккаброқ шаклдаги фигуralарни кесиш, қозғозни олдиндан режаламай туриб, бу фигуralарни ёрқин 2—3 рангдаги қоғозлардан ёпиштириб ҳосил қилиш.

Кесма ҳарфларни ва бүгін карточкаларини енимлаб ёпиштириш.

Дидактик материаллар учун карточка енимлаб ёпиштириш.

Қийин сўзлар ёзиб бориладиган расмли ва расмсиз дафтарлар.

Қоғоздан қилинган метр.

Дарс жадвали ва кун тартиби ёзиладиган рамкалар.

Энг оддий ва тематик аппликациялар (геометрик шакллар, уйча, арча, минорача, автобус, аравача ва ҳоказо).

Қоғоздан ясалган мебель.

Үйин ва үйинчиқлар (пилдироқ ва бошқалар).

Лента қоғоздан түқилған гиламча. Арчани безатиш учун гирляндалар. Арча үйинчиқлари (фоиарчалар, саватча, қоғоздан қирқилған ҳайвоплар, юлдузчалар, ҳалқалар ва ҳоказо).

Карнавалда кийиладиган бош кийнмлар (қалпоқча, чамбар ва бошқалар).

В. Техникага опд жула оддий расмлар ва чизгич ҳамда бурчакли чизгич ёрдамида буюм ясаш. Ишнинг боришини мумкин қадар мустақил равишда планлаштириш ва назорат қилиш. Ижодий суратда буюм тайёрлаш. Қоғоздан ясалған буюмларни таҳт қилиш.

Тайёрланадиган буюмларнинг жуда оддий чизмаларини ўқитувчи ёрдамида ўқиш ва чизиш. Меҳнатни тақсимлаш асосида коллектив бўлиб иш бажариш.

Юпқа картонга рангли қоғоз ёпиштириб ясалған мозаика (квадрат, түғри түртбурчак, учбурчак).

Табият ва меҳнат календари.

Варақ календарь биркитиладиган картон таҳта (апликация билан безатилган).

«Кузги барглар», «Парк ва боғлардаги дараҳт ҳамда буталар», «Ҳар хил шаклдаги барглар», «Кузда баргларнинг ҳар хил рангда бўлиши» темаларига бағишиланган коллекциялар виставкасини тайёрлаш.

Стол устига қўйинб үйнайдиган үйинчиқлар ва жумбоқлар.

## 2. Газлама билан ишлаш (8 соат)

Ұсимлик толаларидан тайёрланган газламалар (ип газламалар) тұғрисида дастлабки маълумотлар. Газламадан тайёрланган кийим ва рўзгорда ишлатиладиган нарсаларни бичиб тикиш. Иплар тұғрисида дастлабки маълумотлар. Ипларни ишлатилиши ва уларни йўғон-ингичкалиги жиҳатидан таққослаш (тикишда, кашта тикишда, тўрлаб ямашда ишлатиладиган йўғон, ўртача ҳамда ингичка иплар).

Тикишда ишлатиладиган асбоб ва мосламалар (тикиш нинаси, қайчи, антишвона, тўғнағич). Бу асбоб ва мосламалар билан ишлашда риоя қилиниши лозим бўлган хавфсизлик техникаси. Иш қуроллари ва материалларни сақлаш қоидалари.

Нина ва ипни ишлатиш қоидалари. Уларни тикиш ва кашта тикишга тайёрлаш: тегишли узунликда ипни мўлжаллаб олиш, нинага ўтказиш, ипнинг учда тугун ҳосил қилиш. Қавиш ва чокларнинг турлари: «тепчима чок», «тепчима чок билан оралатиб тикиш чоки», «тепчима чок билан жимжима тикиш чоки», «четларини йўрмаш чоки», «бахя чоки».

Йўғон ип, каноп ёки тасмани жуда оддий усулда (учтолали) ўриш. Тугма қадаш, ёқа, манжет, илмоқ тикиш усуллари.

### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

*Ўқув дарси:* «Сиз қандай газламаларни биласиз ва газламадан нималар қилинади».

*Лаборатория машғулотлари.* Газламаларда (дока ва читда) ипларнинг ўрилиши (тўқилиши) тұғрисида жуда оддий тасаввурларга эга бўлиш.

### *Амалий ишларнинг таҳминий рўйхати*

Доскани артиш учун, чанг артиш ва меҳнат дарси учун латта парчалари.

Латтадан ясалган тўғри тўртбурчак шаклидаги перо тозалагич.

Ольбда турган кастрюлка ва чойнакни ушлаш учун маҳсус тикилган «снгча».

Нина қадагич. Белгилар тикиш (сочиқда, нина қада-

гич ва шунинг сингариларда). Йўғон ип ёки тасмадан ўриб қилинган хатчўп.

Рангли ленталар билан метрларга бўлинган ўлчаш канопи. Белбоғча.

### 3. Турли материаллар билан ишлаш (10 соат)

Меҳнат дарсларида турли табиий материалларнинг: дараҳт новдалари, эмап ёнгоқлари, қамиш, похол, фўза чаноғи, ёнгоқ, ер ёнгоқ, қум, лой ишлатилиши. Ўқувчиликларга таниш ва энг кўп ишлатиладиган пластик масалалар: пластилин, резина целлофан, полиэтилен ленталар, плёнкалар. Болаларнинг буюмлар тайёрлашда гурут қутилари, ғалтак ва иплардан фойдаланиши.

#### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

**Ўқув дарси:** «Ажойиб материал»— лой ва ундан фойдаланиш (қизил ғишт, бадний-декоратив ва кулолчилик буюмлари). Пластилиннинг хоссаси — турли буюмлар ясаш материали эканлиги.

**Лаборатория машғулотлари:** Табиий материаллардан — лой, қум, тош ва бошқалардан (ўқитувчи танлашибга қараб) буюмлар тайёрлашда фойдаланиш. Пластилиндан буюмлар ясаш.

#### Амалий ишларнинг тахминий рўйхати

Ёнгоқ, эман ёнғоги, чўп ва бошқалардан тайёрланган саноқ материали.

Меҳнат дарсида буюмлар (масалан, байроқча ва шунга ўхшашлар) ясашда ишлатиладиган таёқчалар.

Табиий материаллардан (новда, ёнгоқ, ер ёнгоқ, фўза чаноғидан) тайёрланган ўйинчоқ ва аттракционлар.

Новдадан тайёрланган жуда оддий кийим илгич.

Пластилин билан ишлашда қўлланиладиган энг оддий стеклар (ҳайкалтарош ишлатадиган ёғоч қалам).

Лойдан (ёки пластилиндан ясалган муляжлар ва макетлар (турли мева, сабзавот, балиқ ва қушларнинг муляж ва макетлари).

Сюжетли композициялар (loyd ва пластилиндан ясалган турли буюмлар).

## Техника соҳасидан модель ясаш (10 соат)

Мактаб теварак-атрофидаги корхоналар (устахоналар, колхоз темирчилиги, фермалар) тўғрисида қисқача маълумотлар.

Ҳаётда кўп учраб турадиган машиналарни (транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалик машиналарини) бирбиридан фарқ қила билиш.

Қандай ишлатилиши меҳнат дарсларида ўргапилган материаллардан (қоғоз, юпқа картон, болалар ўйинчоқларининг — конструкторнинг деталлари, табиий ва бошқа материаллардан) берилган намунага қараб, ўйинчоқлар, техникага оид нарсаларнинг модель ва макетини ясаш.

Энг оддий техникага оид нарсаларнинг моделларидан фойдалана билиш, уларпи ҳаракат жараёнида кўрсата олиш ва бошқара билиш.

**Ўқув дарси:** «Теварак-атрофимиздаги кишилар меҳнати» (кийим-кечак, меҳнат қуроллари тайёрлаш, турар жой қуриш, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш).

«Техникага оид ўйинлар» учадиган, сузадиган ўйинчоқлар ва транспорт машиналари.

### Амалий ишларнинг тахминий рўйхати

И. С. Сахаровнинг жуда оддий «Конструктор — механик» деталлари тўпламидан моделлар йиғиш.

Жуда оддий учар моделлар: стрелка, планер, «парабола» («учар қанот» самолётининг модели, квадрат парашют).

Жуда оддий сузар моделлар (қайиқча, сол).

Жуда оддий аравача модели (гугурт қутилари ва ғалтақдан).

Машиналарнинг жуда оддий схематик моделлари, шамол тегирмони, чархпалак, паровоз, мебель.

Ўқувчиларни мактаб яқинидаги корхоналар обьектлари (завод, устахона, майший хизмат кўрсатиш комбинати, почта бўлими, совхоз ремонт устахонаси, ўрмон саноати хўжалиги, қурилиш майдончаси ва шунга ўхшашлар) билан танишириш мақсадида ўтказиладиган эккурсиялар.

## *II бўлим*

### **Б. ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИГА ОИД МЕҲНАТ (6 соат)**

Биринчи синф ўқувчилари махсус ўқув-тажриба участкаларида ишлаб, ўсимликларнинг сиртқи тузилиши тўғрисида, уларнинг ўсиш ва ривожланиш шароитлари тўғрисида тасаввурларга эга бўладилар ва бу тасаввурларни мустаҳкамлайдилар. Ўқувчилар ўқитувчи тузган план асосида ўсимликларнинг тузилиши ва рангига эътибор берадилар, ўсиш ва ривожланишини кузатадилар.

Ўқувчилар тупроқни юмшатиш (мотига, кичкиша кетмон ва пашаҳа ёрдамида), йирик уруғларни экиш, ўтоқ қилиш, суғориш, ўсимликларга тиргак қўйиш соҳасида керакли кўпикма ва малакалар ҳосил қиласидилар.

#### **А малий пшларнинг тахминий рўйхати**

**Кузда.** Ўқув-тажриба участкасида синф учун ажратилган ерни ишлашга тайёрлаш: ўсимлик қолдиқлари ва хас-чўпдан тозалаш (куэзи чопиқни юқори синф ўқувчилари бажаради).

Мактаб участкаси яқшиидаги хиёбон ва паркда ишлаш вақтида (тўқилган барглар ва шохчаларни йиғида) юқори синф ўқувчиларига ёрдам бериш.

Ўқувчиларни хонада ўстириладиган ўсимликлар билан тапиштириш (қалин баргли ўсимликлар билан танишиштирган маъқул) ва уларни парвариш қилиш, суғориш, тупроғини юмшатиш, қуриб қолган баргларини олиб ташлаш, чағини артиш, гул тувакларини ва тагликларни артиш қоидаларини ўргатиш. Гул ва сабзавот уруғларини йиғиши. Ўқувчиларни район, латин чечаги, ноготка, хушбўй нўхат гулининг ва дуккакли ўсимликларнинг уруғлари билан танишитириш.

**Баҳорда.** Декоратив ўсимликлар ва сабзавот уруғларини сепиш ва кўчат қилиш (яшикда, гултувак ва банкаларда).

Экиш учун ундирилган барра пиёз уруғларини танлаш, кўк пиёз экиш.

Уруғликни сепишга тайёрлаш: йирикроқ ва соғлом уруғликларни саралаш, уларни намлаб, ундириб олиш.

Уругларни ерга сепиш. Декоратив ўсимликлар ва сабзавотларнинг кўчатларини ўтқазиш. Экинларни май-

сасига қараб таний билиш. Экинларга қараш: сугорниш, чопиқ қилиш, ўтоқ қилиш, тиргаклар ўрнатиш.

Тажриба ишларининг тахминий тематикаси:

1. Ўсимликларнинг сувга, иссиққа ва ёруғликка эқтиёжини аниқлашга ёрдам берадиган тажрибалар (уй шароитида кўк пиёс ўстириш мисолида).

2. Қуруқ, намланган ва уна бошлаган уругларни бир вақтпнинг ўзида сепиши (пиёс, кашнич, редиска, помидор, бақлажон ва мурч), уларнинг униб чиқишини тажриба қилиб кўриш.

### *III бўлим*

#### **В. УЗ-УЗИГА ХИЗМАТ ҚЎРСАТИШ ВА УЙ-РЎЗҒОР МЕҲНАТИ (2 соат)**

##### **Бинони саранжом-саришта тутиш (1 соат)**

Бинода озодаликка риоя қилиш ва тартиб сақлаш, ҳар куни хоналарни йиғишириш ва шамоллатиш зарурлиги, хоналарни, кўрпа-ёстиқни йиғишириш ва шамоллатиш қоидалари, каравотни йиғишириш. Иш бурчагини йиғишириш қоидалари.

##### **Амалий ишларнинг тахминий рўйхати**

Синф хонаси (ўйда эса ўз хонасини) супуриб-сидиришда иштирок этиш. Хоналарни, кийим-кечакни шамоллатиш, ўз ўрнини тузатиш (ўйда). Иш жойини супуриб-сидириш. Мебелни ўзгариштада тозаланиш учун дастурхон тузаш.

##### **Мактаб ошхонаси ва буфетида ўз-ўзига хизмат қўрсатиш (1 соат)**

Чойнак-пиёладан фойдаланиш қоидалари. Дастурхон атрофида ўзини туттиш қоидалари. Чой ичиш, овқатланиш учун дастурхон тузаш.

Истеъмол қилиш олдидан резавор-мева, мева ва сабзавотни қайнаган сув билан ювиш зарурлиги.

##### **Амалий ишларнинг тахминий рўйхати**

Чой ичиш ва овқатланиш учун дастурхон тузашни, чойнак-пиёлалар ювишни, дастурхонни (мактаб буфетида) тозаланиш учун дастурхон тузаш.

тида, ошхонасида ва уйда) йигиштириши машқ қилиш. Уйда ҳар кунн дастурхон тузаш ва идиштовоқ юышга ёрдамлашиш. Истеъмол қилпш олдидан мева, резавор мева ва сабзавотларни ювиш.

## П С И Н Ф

(70 соат)

### *I бўлим*

#### **А. ТЕХНИКАГА ОИД МЕҲНАТ**

##### **1. Қоғоз ва картон билан ишлаш (17 соат)**

Картон турлари ва уларнинг хоссалари (пишиқлиги ва эластиклиги). Картоннинг ишлатилиши.

Қоғоз ва юпқа картондан содда конструкцияли текис ва ҳажмли буюмлар ясаш. Ишини коллектив планлаштириш, жуда оддий расм ва чизмалар чизиш.

Чизғич рейсина, чизмачилик учбурчаги, циркуль ёрдамида материални ўлчаш, режалаш. Бир неча нарсанинг тайёрланишини назорат қилиш (ўлчаб таққослаш йўли билан).

Қоғозни режа чизиги ва букилиш изи бўйича қирқишиш.

Қоғоз ва картонни фальц чизғич ёрдамида (қирқишиш доскаси ва фанера устида) пичноқ билан кесиши.

Елимлаб ёништириб ва ип билан тикиб, буюмнинг айrim деталларини бир-бирига бирлаштириш. Буюмнинг деталларини ўлчамлар ва ранглар жиҳатидан чиройли чиқадиган қилиб танлаш. Ўқув буюмларини содда апликациялар ёрдамида безаш (геометрик нақшлар ва ўсимлик нақшлари).

#### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

**Ўқув дарси:** «Картондан нималар қилинади» (китоб муқовалари, кўрсатма қуроллар, қути ва ҳоказолар).

**Лаборатория машғулотлари:** картон билан юпқа қоғознинг хоссаларини таққослаш.

Қоғозни бўёқ эритмасига ботириш, пуркаш йўли билан ва мўйқалам ёрдамида бўяш.

## Амалий ишлар ва буюмлар иштеги тахминий рүйхати

Турли рангларга бўялган қоғозлар коллекцияси.

Қийин сўзлар ёзиладиган (ёки бошқа мақсадларда тутиладиган) юпқа картон муқовали дафтар.

Юпқа картондан чизиқ бўйича қирқиш ва булаш йўли билан папка ясаш. Андазадан фойдаланиш.

Орфографик картотека (қути, карточка).

Қўлда ясалган тематик китобчалар (дафтарга махсус таъланган справка материаллари, топишмоқлар, газеталардан қийиб олинган материалларни ёпишириб ясалади).

Лото типидаги дидактик ўйинлар (арифметика ва грамматикага доир ўйинлар, сурат билан ўйналадиган ўйинлар).

Она тили, математика, табиатни ўрганиш ва расм дарсларига оид дидактик материаллар.

Елим шишаси ўрнатиладиган қутичалар.

Үқиши бурчаги.

Синфда ўткизиладиган «Сабзавот» кўргазмаси учун тайёрланган қути ва идишчалар.

Соат циферблатининг модели.

Энг оддий транспорт ўйинчоқлари.

Стол устига қўйиб ўйналадиган ва картондан ясалган театр.

Арча ўйинчоқлари ва безаклари (гирляндалар, саватчалар, фонарчалар, юлдузчалар).

Карнавалда фойдаланилайдиган буюмлар (бош киимлар, ярим ниқоблар, оддий карнавал костюмлари, уларнинг ўзларига хос деталлари).

Қоғоз ва картондан ясалган жумбоқлар.

### 2. Газлама билан ишлаш (10 соат)

Шойи ва жун, сунъий синтетик газламалар ҳамда уларнинг қўлланилиши. Буюм намунасига, техник расми ёки чизмасига қараб газламани режалаб олиш.

Қавиш ва чоклар ишлатиб тикиш: баҳя чок қилиш, сув тортиш чоки, четларини йўрмаш, петля чок қилиб тикиш.

Йўғон ипдан, канопдан уч ва тўрт ўримли қилиб тўқишиш.

Газламани оддий кашта ва нақшлар тикиб безатиш.

## *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

**Ўқув дарси:** «Тикиладиган буюмлар учун ип танлаш» (хили, йўғонлиги ва ранги жиҳатидан).

**Лаборатория машғулотлари.** Пахтадан ип йигириш ва уни корхона иши билан таққослаш.

Газлама билан қоғознинг пишиқлиги ва эластиклигини таққослаш.

### *Амалий ишлар ва буюмларни пг тахминий рўйхати*

Мактаб формаси епгига тикиладиган белги.

Енгликлар тикиш.

Нонушта, уруглик, калишлар солинадиган халтачалар.

«Ашула байрами», «Қушлар байрами», «Қитоб куни», Октябрь байрами ва спорт байрамларининг эмблемалари, ўриб ва тўқиб камар (чилвири), болалар «от ўйини» учун «тизгин», копток учун тўр халта ясаш.

Книйимга илмоқ ва пистон қадаш. Сўкилган чокни тикиш.

### **3. Турли материаллар билан ишлаш (12 соат)**

Ёғоч, оқ тунука, юмшоқ симдан фойдаланиб буюмлар тайёрлаш.

#### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари*

**Ўқув дарси:** «Уй макети тайёрлаш учун материаллар танлаш».

Лаборатория машғулотлари. Болалар фойдаланадиган материалларнинг хоссалари билан танишиш ва уларни таққослаш.

Қоғоз, ёғоч, металларни бир-бири билан таққослаш.

### *Амалий ишлар ва буюмларни пг тахминий рўйхати*

Табиатни ўрганиш қўлланмаси: «Ер сиртининг шакллари».

Экскурсияларда ёзib бориш учун ва сурат чизиш учун фанерадан ясалган планшет,

Улкани ўрганиш бурчагига қўйиладиган экспонат, ларни тахт қилиш.

Ўқув жадваллари.

Декоратив паннолар (қуритилган ўсимликлардан ясалган).

Ботаника ёзи (қуритилган барглардан ясалган) «Дала», «Боғ», «Полиз».

Қўлланмалар, ўйинлар ва аттракционлар учун ёғоч деталлар.

Ўқув пайкалида фойдаланиш учун ўлчов таёқчалари ва рейкалар, маркерлар.

Ўқув пайкаллари учун тиргак, доира ҳалқали қозиқча ва этикеткалар.

Йўл ўлчагич. Ип ғалтагидан қилинган пилдироқ (фанерадан ясалган), ғалтакни кесиб ясалган фидиракли аравача, ғалтак аравача.

Асбоб ва қўлланмалар учун қулоқча ва илгаклар.

Лой ва пластилиндан ясалган турли буюмлар: ўйинчоқлар, қушлар, ҳайвонлар, афсонавий қаҳрамонларнинг тасвирлари.

Табиий материаллардан (ёнгоқ, ер ёнгоқ, гўза чаноғи, похол, новдадан), шунингдек, ингичка сим, юпқа тунука, газламадан арча ўйинчоқлари ясаш.

#### 4. Техника соҳасида модель ясаш (14 соат)

Ўқувчиларнинг муайян райондаги техник қурилма ва инженерлик иншоотлари (кўприк, канал, радиоминора, темир йўл вокзали) ҳақидаги билимларини кенгайтириш.

Маҳаллий корхонадаги кишилар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари ва шароитлари тўғрисида, ишлаб чиқариш илфорларининг меҳнати ҳақида қисқача маълумотлар.

Берилган намуналар, жуда оддий техник расмлар, чизмалар ва тавсифлар асосида техник ўйинчоқлар, моделлар ва макетлар тайёрлай билиш. И. С. Сахаровнинг 1—2 «Конструктор—механик» деталларидан айрим ишларини бажариш.

Техник ўйинчоқ ва моделларни ишлаётib намойиш қила билиш. Намойиш қилиш вақтида тушунтириб бериш, энг муҳим қисмларнинг номларини айта олиш.

Ўқув дарси: «Планер модели».

## Амалий ишлар ва буюмларниң тажминий рўйхати

Бино модели. Планер модели.

Транспорт машиналари (бульдозер, каток, самосвал) нинг модели.

Ричагли тарози.

Чифириқли қудуқ.

Электрлаштирилган энг оддий моделлар: «Чўнтак фонари» батарейкаси ҳамда лампочкасидан фойдаланиладиган «Фонарь», «Юлдузча», «Светофор» ва бошқалар.

Флюгер (шамол кўрсаткич).

Мустақил магнит стрелкали компас.

Қурилиш майдонига экскурсия.

## II бўлим

### Б. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД МЕҲНАТ (12 соат)

Органик ва минерал ўғитлар. Гулзор учун дид билан декоратив ўсимликлар танлай билиш.

Илдизмева ва бир йиллик декоратив ўсимликлар танлай билиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, ўғит бериш. Ер чопиш, қаторларни режалаш ёки жўяқ режалаш, майсаларни яганалаш.

### Амалий ишларниң тажминий рўйхати

Кузда. Ўқув-тажриба участкасида бажариладиган ишларни якунлаш. Мактаб кўргазмасига материаллар тайёрлаш. Синф пайкали ва гулзорини гўнг солиб чопиш.

Ёруғлик ва иссиқликнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда хона ўсимликларини жойлаштириш. Суғориш ва юмшатиш. Озиқлантириш, пуркаш ва дәраза тубини ювиш. Декоратив ўсимликлар ва дуккакли ўсимликларни танлаш.

### Қишлоқ мактаблари учун қўшимча ишлар

Пайкал, токзор, анор ва анжир дараҳтларининг тагларини чопиб ўғитлаш. Ток, анжир ва атиргул қаламчаларини ўтқазиш.

Э з да. Хона ўсимликлари: традескация, бегона, яронгул қаламчаларини ўтқазиш. Қаламчаларни парвариш қилиш қоидалари.

Синф пайкалини экишга тайёрлаш: чопиш, хаскаш билан текислаш, қатор ёки жүякларни белгилаб чиқиши, илдиз олган қаламчаларни тупроққа күчириб ўтқазиш.

Илдизмеваларнинг уругларини экишга тайёрлаш.

Уруғларни экиш (тажриба орттириш). Ўсимликларни парвариш қилиш, майсаларга қараб таний билиш, суфориш, ерии юмшатиш, ўтоқ қилиш, яганалаш. Лавлаги ва бодринг экиш.

Гулзорда ишлаш: гулзорни хаскаш билан текислаш. Декоратив ўсимликларни экиш, ўтқазиш. Ўсимликларни парвариш қилиш.

Резавор-мева (анжир, узум) ларнинг қаламчаларини ўтқазишга тайёрлаш. Пайкални макер ёрдамида режалаш. Қаламчаларни ўтқазиш, суфориш ва ер сиртини гүпг ва шунга ўхшаш нарсалар билан юпқа қилиб қоплаш.

### Т а ж р и б а    и ш л а р и н и н г    т а х м и н и й т е м а т и к а с и

Илдизмевалар зичлигипинг ҳосилга таъсири.

Илдизмеваларни кузда экиш, уларнинг етилиш муддати ва ҳосилга таъсири.

Минерал (ёки органик) ўғитлар билан озиқлантиришнинг илдизмева ҳосилига таъсири.

Колхоз (совхоз) полизи, даласи, мева-резавор ботига экскурсия,

## III бўлим

### В. УЗ-УЗИГА ХИЗМАТ ҚУРСАТИШ ВА УЙ-РЎЗҒОР МЕҲНАТИ (2 соат)

Турар жойни саранжом-саришта тутиш (1 соат)

Хонани шамоллатиш усуллари; ҳўл супурги ёки чўтка билан супуриш, мебель ва дераза тагларини нам латта билан артиш.

## Амалий ишларниң тахминий рүйхати

Синф хонасими артиб тозалаш, мебель ва дераза тагларини нам латта билан артиш.

### Мактаб ошхонаси ва буфетида ўз-ўзига хизмат күрсатиш (1 соат)

Ошхона дастурхонини тузаш, идиш-товоқларини ювиш қоидалари.

## Амалий ишларниң тахминий рүйхати

Үйда ҳамда мактаб хонаси ёки буфетида дастурхон тузашда, идиш-товоқ ювишда қатнашиш.

### III СИНФ

(70 соат)

## *I бүлім*

### A. ТЕХНИКАГА ОИД МЕХНАТ

#### 1. Қоғоз ва картон билан ишлаш (12 соат)

Фабрикаларда қоғоз ва картон тайёрлаш түғрисиңде қисқача маълумотлар. Қоғоз ва картон тайёрлашда ишлатиладиган хом ашё, ёгоч, похол, қамиш, макулатура, латта-пүтта.

Буюм тайёрлашда қоғоз ва картоннинг хусусияттарини ҳисобга олиш (қийшайнб қолиш ва бўртиб чиқнишларининг олдини олиш).

Буюм ясашининг самарали планини ишлаб чиқиши.

Тайёр ёки ўзлари тузган оддий техник расм ва чизмалардан фойдаланиб, ясси ёки ҳажмий буюмлар тайёрлаш.

#### *Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотларининг тахминий рүйхати*

Ўқув дарси: «Папье-маше» (эрг оддий пластик масса). Папье-маше ишлатиб тайёрланган ўйинчоқ, қутнча, идиш, қўғирчоқлар.

*Лаборатория машғулотлари:* Елимлаб ёпиштириш йўли билан қофозни энига ва бўйига узайтириши текшириш:

Елимлаб ёпиштиришда қофознинг буришиб қолиш сабаблари.

Картонга елимлаб қофоз ёпиштирганда картоннинг бўртиб чиқиши сабабларини текшириш.

### А м а л и й и ш л а р в а б у ю м л а р н и н г т а х м и н и й р ў й х а т и

Геометрик шакллар: куб, брус (параллелепипед, цилиндр) моделларини ясаш (уларнинг ёйилмасини ва бичимини тайёрлаш йўли билан).

Коллекция учун қопқоқли қутилар тўплаш.

Қўл ҳунари буюмлари солинадиган қопқоқли қути.

Табиий материаллар коллекцияларини монтаж қилиш (табиатни ўрганиш ва ўлкани ўрганиш дарслари учун).

Думалоқ (цилиндрик) қаламдон.

Хар хил мақсадларда ишлатиладиган папкалар.

Кичик китобларни муқовалаш.

Пионер отряди ва звеноларининг бурчаги.

Картоидан қилинган пюпитер (таглик).

I синфда ишлатиладиган картон андазалар (I синф ўқувчилари учун қўлланмалар).

Табиатни ва тажриба участкасини кузатиш кундаги.

Қофоз ва картондан ясалган арча ўйинчоқлари ва безаклари.

Палетка.

Босмахонага экскурсия.

### 2. Газлама билан ишлаш (12 соат)

Қавиш ва улаб тикиш, «занжирсимон» ёки «илма попоп», «арчасимон», «айри» чоклар тикиш, илмоқ билан тўқиши.

Тўқув станоги ҳақида қисқача маълумотлар, тўқиши рамаси—тўқиши станогининг дастлабки кўриниши. Газламада ишнинг, яъни асос ва арқоқнинг ўзаро ўрилиши. Моки.

## Ўқув дарслари ва лаборатория машғулотлари

**Ўқув дарслари:** «Газлама қандай тайёрланади», «Газламанинг турмушда ва техникада ишлатилиши».

**Лаборатория машғулотлари:** Лупа (линза) ёрдамида газлама ипларининг ўзаро ўрилишини кўздан кечириш.

Газламаларнинг «ўнг» ва «тэскари» томонлари.

Авра билан астарни бир-биридан фарқ қила олиш.

Ҳар хил газлама турларини пайпаслаб бир-биридан фарқ қила билиш.

Газлама, қофоз ва ёғочни бир-бири билан таққослаш.

## Амалий ишлар ва буюмларнинг тахминий рўйхати

Безакли чок намунасига қараб тайёрланган сочиқ. Каштали қўл ишлари солинадиган халтacha.

Дастрўмол учун халтacha, санитар ҫумкаси.

Кийим-кечак ямашнинг усули. Тўрлаб ямаш. Тўрлаш.

Оёқ кийимига патак тайёрлаш.

Пионер қалпоқчаси — пилоткаси.

I синф ўқувчилари учун кийим илгич.

Тўқиб шапка (бош кийими) тайёрлаш.

Мактаб устахонаси, тикув фабрикаси ва ательега экскурсия.

## 3. Турли материаллар билан ишлаш (12 соат)

Ярим фабрикатлардан фойдаланишда бажариладиган асосий операцияларн бажара билиш ва турли материалларни қўл билан иштай билиш. И. С. Сахаровнинг ёш конструкторлар учун тузилган 2—23 —«Конструктор — механик» тўплами деталларидан фойдаланиб моделлар тайёрлай олиш.

**Ўқув дарси.** Турмуш ва техникада пластик массалар (кийим-кечак, идиш-товоқ ва уй-рўзгорда ишлатиладиган бошқа буюмлар, техник ўйинчоқлар) нинг ишлатилиши.

## Амалий ишлар ва буюмларнинг тажминий рўйхати

Кўчат ўтқазишда ишлатиладиган қозиқчалар. Тирговуч қозиқчалар.

Режа.

Ватерпас.

Гимнастика таёқлари.

Кўрсаткич таёқча.

Эстафета таёқчаси.

Байроқча дастаси.

Бирор участка — пайкалнинг планини олиш учун фанерадан ясалган планшет.

Оддий эккер (тахта ёки фанерадан қилинган планшетга ўрнатилган).

Кўчат ўтқазиладиган оддий яшиклар.

Табиатни ўрганиш моделларини солиш учун яшик.

«Жой рельефи» модели.

«Дарё ва ундаги иншоот» модели.

«Денгиз қирғоғи» модели.

Қуритилган ўсимликлардан фойдаланиб ясалган ботаника лотоси. «Дала», «Пичанзор», «Бошқа мамлакатларда ўсадиган ўсимликлар».

Стол устига қўйиб ўйнатиладиган турли ўйинчоқлар.

Турли жумбоқлар.

Симдаи ясалган жумбоқлар.

Стол устида кўрсатиладиган қўғирчоқ театри учун бутофория деталлари.

«Турли мамлакатларда яшайдиган ҳайвонлар», «Болаларга таниш эртакларнинг ҳаҳрамонлари» (масалан, «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак»дан олтин балиқ ва чол) темалари асосида лой ёки пластилииндан турли шакллар ясаш.

Лой ёки пластилииндан геометрик шакллар (куб, шар, пирамида) ясаш.

### 4. Техника соҳасидан модель ясаш (14 соат)

Меҳнат қуроли (нина, пичоқ, бигиз) ҳақида қисқача маълумотлар.

Ишлаб чиқаришда, транспортда ва турмушда электр энергиясидан фойдаланиш.

Мустақил қуриш — ясаш элементларини ўз ичига

олган энг яхши техник моделлар тайёрлаш юзасидан мактабда ўтказиладиган конкурсада қатишиш.

Болалар учун чиқарылган металл конструктор ва «Ёш электрик»нинг оддий тўпламидан фойдаланиб, отвёртка, гайка калити ёрдамида модель ва макетларни йигиш ва қисмларга ажратса олиш.

Электрдаги фойдаланишини амалда кўрсатиш, электр занжирининг асосий қисмлари: ток маңбаи (чўнтақ фонарчаси батарейкаси), ўтказгичлар, изоляция материали, ток қабул қилувчилар (электр асбоблари), включатель (узгич)лар.

### Амалий ишлар ва буюмларни г тахмипий рўйхати

Симли телефон.

Ричагли тарозилар.

Вертолёт (энг оддий «пашша») модели И. С. Сахаровнинг «Конструктор — механик» ва «Ёш техникларга совға» деталларидан альбомлардаги намуналарга қараб якка ва коллектив бўлиб турли техник қурилмаларнинг моделларини ясаш.

Энг оддий электр занжири: ток маңбаи — чўнтақ электр фонарчасининг батарейкаси, ўтказгич, истеъмолчи (включатель ишлатиб).

Ўйинчоқ-ўйни электр билан ёритиш модели.

Ёруғлик телеграф модели.

Светофор модели.

Электромагнит модели (кўтаргич кран).

Электр станциясига экскурсия.

## II бўлим

### Б. ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИГА ОИД МЕҲНАТ (15 соат)

Ўсимликларни кўчат қилиб ўстирганда уларнинг ўсишини ва ривожланишини бошқариш.

Ўсимликларни ўстириш соҳасида ҳосил қилиниши лозим бўлган янги кўнилмалар: гулзорларни планлаштириш, режалаш, кўчат қилиш, уни ерга кўчириб ўтказиш, ўтоқ қилиш, гул-декоратив ўсимликлар уругини, илдизини ерга кўмиш (экиш).

Қишлоқ мактабларыда мева дараҳтларини, резавор-меваларни парвариш қилиш соҳасидаги энг оддий ишлар.

Амалий ишларнинг тахминий рўйхати

Кузда. Илдизмевалар ҳосилини йиғиш ва ҳисобга олиш. Тажрибаларни яқунлаш. Муваффақиятли чиққан эксперимент натижаларини мактаб (район) кўргазмаси учун танлаб олиш.

Синф пайкалини, I синф пайкали ва колектив участка ерлари ҳамда гулзорини кузги ишлаш.

Картошкагул ва гладиолус гулининг илдизини қазиб олиш, уларни қишида сақлаш учун тайёрлаш. Лола, наргис, нилуфар, кўп йиллик гул-декоратив ўсимликларнинг илдизларини ўтқазиш.

### *Қишлоқ мактаблари учун қўшимча ишлар*

Резавор-мева буталари ва мева дараҳтларини қишига тайёрлаш (тана ва асосий шоҳлардаги қуриган пўстни, қурбақа ўти, моҳ кабиларни қириб ташлаш, дараҳт тубига ва резавор-мевалар эгатларига ўғит солиш, чопиш, буталарни эгиб бойлаш). Резавор-мева буталарини ўтқазиш.

Эзда. Хона ўсимликларини новда ва илдизларидан кўпайтириш.

Хона ўсимликларини кўчириб ўтқазиш.

Яшикларда помидор, қалампир, бақлажон кўчатлари ўстириш. Бу кўчатларни айрим тувакларга (парникларга) ўтқазиш.

Гуллар (астра, ципия ва бошқалар)ни ерда кўчат қилиш. Кўчатларни парвариш қилиш.

Синф пайкали, I синфлар пайкали, коллекция участкаси ва гулзорини баҳорги экишга тайёрлаш. Коллекция участкасига экин экиш ва ўтқазиш (коллекция участкасига экиш учун ўсимликлар танлашда ўқитувчи табиатни ўрганиш программасига амал қилиб, фақат сабзавот экинларинигина эмас, балки мактаб жойлашган зонага хос дала экинлари ҳам танлайди).

Кўп йиллик ўсимликларни баҳорда парвариш қилиши.

Картошкагул, гладиолус картошқаларини ва кўчатларини ерга ўтқазиш, уларни парвариш қилиш.

Резавор-меваларниң таглари ва эгатларини юмшатиши. Ток, анор, анжирии очиш ва тирговучлар қўйинш.

Сабзавот-кўчкатларини ерга ўтқазиши, қулупнай кўччини ўтқазиши, ерга гўнг ва минерал моддалар солиши.

## Тажриба ишларининг тахмииий тематикаси

Органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг кўчкатлар ўсишига ва ривожланишига таъсири.

Учини ва ортиқча ён шохларини олиб ташлаш — чеканка қилишнинг помидор ҳосилига таъсирини аниqlаш.

Теплица, оранжерия тажриба станцияси ва бошқа жойларга «Инсон табиатни ўзига бўйсундиради ва ўз мақсадларига мослаб ўзгартиради» деган темага бағишилаб экскурсия ўтказиши.

## III бўлим

### В. ўЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ ҚУРСАТИШ ВА УИ-РЎЗФОР МЕҲНАТИ (2 соат)

#### Туарар жойни саранжом-саришта тутиш (1 соат)

##### Тахмииий амалий ишлар

Синф хонасини ва уйда ўз хонасипи саранжом-саришта тутишда ва безатишда қатнашиши. Ҳөвли ва уй олдини супуриб-сидириши.

#### Мактаб ошхонаси ва буфетида ўз-ўзига хизмат қўрсатиш (1 соат)

Дастурхон атрофида ўзини тутиш қоидаларини мустаҳкамлаш, чойнак ва идиш-товоқларга қарааш қоидаларини такомиллаштириши. Байрам дастурхонини тузашда қатнашиши.

Сабзавотдан салатлар тайёрлаш.

## Тахминий амалий ишлар

Чойнак ва товоқларни ювиш. Дастурхон тузаш. Сабзавотдан салатлар тайёрлаш.

Қишлоқ мактаблари учун қишлоқ  
хўжалик меҳнатига доир ёзги  
ишларнинг тахминий мазмуни

### I синф

Бир йиллик ўсимликларни ўстиришни давом эттириш: тирговучлар қўйиш, ерни юмшатиш ва ўтоқ қилиш, сугориш, гулдасталар тайёрлаш, етилишига қараб уруғликлар тўплаш ва ҳисобга олиш, уларни қуритиб сақлаш.

Юқори синф ўқувчиларига мева ва резавор-мева ҳосилини йигиб олишда, заараркунандаларга қарши курашишда кўмаклашиш, тўкилган ҳосилни йифиши.

### II синф

Илдизмеваларни парвариш қилишни давом эттириш, ягана қилиш, ҳосилни йигиши ва ҳисобга олиш. Резавор-мева буталарини парвариш қилиш, ерни юмшатиш, ўтоқ қилиш, қўшимча озиқлантириш, сугориш.

Мева ва резавор-мева ҳосилини йигиб олишда ҳамда заараркунандалар билан курашишда юқори синф ўқувчиларига кўмаклашиш, тўкилган ҳосилни йифиши, чугурчуқ ва боққа зарар келтирадиган капалакларни йифиши.

Гулзорни юмшатиш, ўтоқ қилиш, қўшимча озиқлантириш, сугориш, тирговичлар қўйиш, гулдасталар тайёрлаш.

### III синф

Ўтқазилган ўсимликларни парвариш қилиш: қўшимча озиқлантириш, сугориш, ерни юмшатиш, ўтоқ қилиш, уч ва ён шохларини қирқиб ташлаш (чеканка қилиш), тирговичлар қўйиш. Ҳосилни йифиши ва ҳисобга олиш.

Коллекцион участка ва гулзорни парвариш қилиши давом эттириш. Сабзавот ва резавор-меваларни пар-

вариш қилишин давом эттириши: ўсимлик тупларини ва әгатларини юмшатиш ҳамда ўтоқ қилиш, құшимча озиқлантириш ва суфориш.

Қулупнай, узум, анор, анжир ҳосилини йиғишиң ва ҳи-  
себа олиш. Эгатларга ўғит солиши, чопиқ қилиш.

Боғ ва полиз зааркунандаларига қарши кураш: ка-  
палакларнинг уяларини топиш ва күйдириш, дараҳт  
таналарига «ғов камар»лар боғлаш, боғ ва полиз за-  
аркунандаларини күйдириш, түкілган ҳосилпі териб  
олиши. Фұзаний чеканка қилиш, тут дараҳтларини пар-  
вариш қилиш.

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

## ҮҚТИРИШ ХАТИ

Умумий таълим мактабларида жисмоний тарбия ўқувчиларни ҳаётга, ижтимоий-фойдали меҳнатга, Ватан муҳофазасига тайёрлаш мақсадида, уларнинг бекаму кўст камол топишларига хизмат қиласди. Мактабдаги жисмоний тарбия умумий таълим характерида бўлиши, болалар организмига ҳар томонлама таъсир кўрсатиши керак. Мактабда жисмоний тарбиянинг вазифаларп қўйидагилардан иборат.

1. Ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний жиҳатдан тўғри, чиниқиб ўсишларига кўмаклашиш.

2. Ўқувчиларда одамнинг жисмоний камолоти ва бунга муайян иқлим шароитида ёки бошқа хил шароигда қандай йўллар билан эришиш ҳақидаги маҳсус билимлар системаси ҳосил қилиш; ўқувчиларга гигиена малакалари бериш; уларни гавдани тўғри тутишга, физкультура ва спорт билан систематик шугулланишга одатлантириш.

3. Ҳаракатнинг асосий сифатларини (тезкорлик, кучкүвват, чидамлилик, чақонлик, эпчилликни) ҳар томонлама ривож топтириш.

4. Мактаб болаларини табиий ҳаракат қилишга, ўз ҳаракатларини идора қила билишга, ортиқча ҳаракатларсиз нафис ҳаракат қилишга одатлантириш; ҳаётда ва спортда зарур бўлган янги ҳаракатларга кўникутириб, шундай ҳаракатлар қила билишга ўргатиш ҳамда уларда мавжуд кўникмаларни янада ривожлантириш.

Оила билан мактаб бир мақсадни кўзлаб иш тутсагина, мактаб болалари мактабда ва уйда жисмоний машқлар қилаётганда онгли ҳамда мустақил бўлишларига эришилсагина, бу вазифаларнинг барчаси муваффақият билан амалга оширилиши мумкин.

Жисмоний тарбиянинг мактабдаги асосий формалари қўйидагилардан иборат: жисмоний тарбия дарслари, ўқувчининг кун тартибидаги жисмоний машқлар (физ-культпаузалар, танаффус вақтларида ва дарсдан кейин ўтказиладиган соғломлаштириш тадбирлари).

1—3 синфлар учун программа икки вариантда берилган. Биринчиси асосий гимнастика, ҳаракатли ўйинлар ва сувда сузишдан иборат.

**Дарс соатларининг сеткаси**  
**Сузиш машғулотлари ўтказишга шароити бор**  
**мактабларнинг I—III синфлари учун**

Синфлар	Асосий гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар	Сузиш ва ҳаракатли ўйинлар	Соатлар жами
I	30	42	72
II	30	42	72
III	42	30	72

Қундалик жисмоний машқлар жисмоний тарбиянинг яна бошқа воситалари (сувдан, қуёшдан, ҳаводан фойдаланиш) билан қўшиб бажарилса, шахсий ва ижтимоий гигиена талабларига риоя қилинса, ундай машқларнинг нафи янада ортади. Машғулотларни кўпроқ очиқ ҳавода галма-галдан гоҳ соя, гоҳ кунгай жойда ўтказиш, нам сочиқ билан бадани ишқалаш, устдан сув қўйиш, чўмилиш ҳамда оқар сувли бассейн ёки маҳсус ҳовузи бор жойларда I синфдан бошлабоқ, сузишдан маҳсус машғулотлар ўтказиш тавсия этилади.

Сузишдан машғулот ўтказишга шароити бўлмаган мактаблар учун I—III синфлар программасининг иккичи (то шароит яратилгунча, вақтинча) вариантни берилган.

**Дарс соатларининг сеткаси**  
**Сузиш машғулотлари ўтказишга шароити**  
**бўлмаган мактабларнинг I—III синфлари учун**

Синфлар	Асосий гимнастика	Ҳаракатли ўйинлар	Соатлар жами
I	42	30	72
II	42	30	72
III	42	30	72

I—III спифларда асосий гимнастика машқларини майдончада, залда ёки табиий шароитда ўтказилаётінде, фақат дарс ўтиш билан чегараланиб қолмай, балки вақти-вақтида сайр қилиб юриш билан алмаштириб туриш тавсия этилади.

Мактабда ўқитиши жараёнида болаларга ҳамма вақт гавдапи түғри тутишни ўргатышга катта эътибор бериш лозим. Программада қоматни түғрилайдиган, дадил қадам ташлайдиган махсус машқлар бор. Буларни ўргатышда юриб кетаётганды ҳам, бир жойда турганда ёки ўтирганды ҳам гавда ҳолатини онгли назорат қилиш өдат бўлиб қолишига алоҳида эътибор бериш керак. Программада ҳаракатни умумий координация қилишни ўстирадиган, гавда мускулларини пишитадиган, нафас органларини ривожлантирадиган, вестибуляр аппаратни мустаҳкамлайдиган машқлар каби яна бир қанча машқлар кўпроқ берилган. Бу жиҳатдан ҳаракатли ўйинларнииг муҳим аҳамияти бор.

Программада ҳаракатни умумий координация қилишни ўстиришга, қўл бармоқлари кучини кўпайтиришга ёрдам берадиган ўйинлар; мувозанат сақлаш, вестибуляр аппаратини чиниқтириш элементлари бўлган ўйинлар берилган. Болалар боғчасида ўргатилган машқлар билан мактабдаги машғулотларни ўтишда маълум изчиллик бўлиши учун музикали ўйинлар алоҳида бўлимда берилган. Кузатувчанликни, эътиборни, замон ва маконда мўлжал ола билишини кўпроқ ўстирадиган ўйинлар махсус бўлимни ташкил этган. Программага ўзбек халқ ўйинлари ҳам киритилган.

Ўтилиши шарт бўлган асосий материал сифатида сузиш биринчи бор жисмоний тарбия программасига киритилди. Ўсиб келаётган организмнинг гармоник ривожланишида сузиш машғулотларининг аҳамияти жуда катта. Сузиш жараёнида юрак-томир системаси, нерв фаолияти, вестибуляр анализаторнинг ишлаши такомиллашади. Сузиш машғулотлари умуман, жазира маисиқ вақтларда эса айниқса, организмнинг иш қобилиятыни анчагина орттиради. Программадаги сузиш бўлими ўрганишга қулай тартибда, машғулотлар рўйхати тариқасида берилган. Ҳар дарсдаги машқлар миқдорини, уларнинг оғир-енгиллигини, ўқувчиларнинг саломатлиги, жисмоний камолоти ва жисмоний чиниқцанлиги даражасини, қанчалик сувга ўрганганлигини, шунингдек, ташқи (ҳа-

воннинг, сувийннг ҳарорати, шамол тезлиги, қуёш радиацияси каби) шаронтларни ҳисобга олиб, ўқитувчи белгилайди. Программага сувда ўтказиладиган ҳаракатли ўйинлар ҳам киритилган.

Сузиш учун ажратилган соатларни сузишиň ўргатиш методикасини биладиган мутахассис ўқитувчи берниши лозим.

Сузиш машғулотларини ўқув йилленинг I ва IV чоракларида табиий ёки сунъий ҳовузларда ўтказса бўлади. Усти ёпиқ ёки сув иситиладиган очиқ бассейнлари бор шаҳарларда, бошлангич сузиш мактаблари ташкил этиш ёки бассейндаги бошқа хил иш формаларини қўллаш йўли билан бундай бассейнлардан фойдаланиш керак бўлади.

### Ўқув ишларини планлаштириш

Мактабда ўқув ишларини планлаштиришдаги асосий ҳужжатлар қўйидагилардан иборат: 1. Ўқув соатлари ва ўқув материалини чоракларга тақсимлаш йиллик графики. 2. Бир чоракдаги ўқув ишлари графики. 3. Дарс соатининг иш плани. 4. Дарс конспекти.

Программанинг ҳар бўлимига ажратилган соатлар чоракларга тақсимлаб чиқилади (агар сузиш машғулотлари ўтказилмайдиган бўлса, графикка киритилмайди). Бундай тақсимот қилишда, ўқитувчи иқлим шаройтини ва мактабдаги конкрет иш шароитини ҳисобга олади. I—III синфлар учун битта график тузилади.

#### Ўқув соатлари ва ўқув материалини чоракларга тақсимлаш йиллик графики... синф учун

Программа бўлимлари	I 18 соат	II 14 соат	III 22 соат	IV 16 соат	Соатлар жами
Асосий гимнастика ,					
Ҳаракатли ўйинлар : .					
Сузиш . . . . .					

#### . . . чоракдаги ўқув ишлари графики

Ўқув материалининг мазмуни	Дарслар тартиби	
	1: 2: 3: 4: 5: 6: 7: 8: 9: 10: 11: 12: 13: 14: 15: 16: 17: 18	

Үқув материалиниň ўргаппаш бутун чорак давомида рационал тақсимланиши учун үқув ишлари графигини олдиндан түзіб чиқыш керак.

Графикнинг бундай муфассал бўлиши, чорак давомида ҳар дарс соатига иш плани түзиши енгиллаштиради. Дарс соатининг иш планида дарснинг асосий қисми анчагина тўла белгилаб чиқилади. Дарс конспекти ҳамма фанлар учун умумий тарзда тузилади.

Үқув материалини бир чоракка планлаштиришда қўйилган вазифаларни, үқув нормативларини назарда тутиш лозим. Бир чоракка мўлжалланган жисмоний машқларни шундай планлаштириш керакки, ўқувчилар уларни ўзлаштириб, белгиланган нормаларни топшира оладиган бўлсинлар. Маълум кўникмани билиб олиш учун мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бир-биридан ажраб қолмаслиги керак. Контрол машқлар миқдори бир чоракда 4—5 хил турдан ортмаслиги лозим.

План тузатгандайде ёк кўпчилик дарсларни, жумладан гимнастика дарсларини очиқ ҳавода ўтказганда гигиена талабларига риоя қилиш шарт. Майдонча сув сепилган, сатҳи текис, соя жойлари бор бўлиши керак. Ҳавонинг ҳароратига қараб кўпроқ ёки озроқ машқ қилиш нормаларига риоя қилиш керак.

Жисмоний тарбия дарслари жадвалнинг биринчи ёки охирги соатларига қўйилмаслиги керак. Жисмоний тарбия дарслари икки кун қаторасига қўйилмайди, дарслар орасида камида икки кун узилиш бўлиши керак. Дарсларнинг ҳафта давомида текис тақсимланиши жисмоний машқлар натижасини ҳисобга олиш ва кўпроқ ёки камроқ машқ қилишни белгилаш учун қулай бўлади.

Жисмоний тарбиядан чорак баҳоси ва йиллик баҳо чорак ёки йил давомида үқув нормаларини топширишда қўйилган баҳолардан чиқарилади. Үқув нормаларини топшириш эса мумкин қадар синф мусобақаларida ўтказилиши керак.

Ҳамма ўқувчилар йилига икки марта медицина текширувидан ўтишлари керак. Соғлиқни сақлаш министрлиги 1962 йил 17 июлда 360- бўйруқ билан СССР да жисмоний тарбия устидан врач назорати ўрнатиш ҳақида низом гасдиқлаган. Шу низомга асосан мактабларда медицина текшируви бутун бир чорак давом этмай, балки сентябрда тугалланиши шарт.

Жисмоний машқлардан вақтинча озод этилган ўқув-

чилар дарсда бўлишлари мажбурий. Ўқитувчи улардан судьялар, ташкилотчилар каби ёрдамчилар сифатида фойдаланиши мумкин.

Тайёрлов медицина группасига ўтказилган ўқувчиларни врач билан ўқитувчи доимий кузатиб боришлари керак. Бундай ўқувчилар билан жисмоний тарбия дарсida енгилроқ режим асосида ишланади. Лекин ўқитувчи бу ўқувчиларнинг 1—2 йилдан кейин асосий медицина группасига ўтишларини унутмаслиги керак. Уларниг ҳар бирiga алоҳида эътибор берниш, машқларни бажаришдаги талабни аста-секин орттира бориши, кучларига яраша қўшимча уй вазифалари бериш, ота-оналар билай яқин муносабатда бўлиш, уйдаги жисмоний тарбия режими талабларининг бажарилишини назорат қилинб бориши, умумий жисмоний тайёргарлик секциясига жалб этиш, бассейнлардаги «Согломлаштириш группа»ларпага юбориш каби тадбирларга риоя қилинса, соглиги сусайган болалар юқорида кўрсатилган муддатда асосий группага ўта оладилар.

Ўқитувчи болаларни доимо жисмоний машқ қилишга одатлантириши керак. Шу мақсадда уйда соғломлаштириш тадбирларини кўриш учун маҳсус программа тавсия этилган.

Тавсия этилаётган программада илгариги программага нисбатан анчагина янгиликлар бўлгани учун, авторлар коллективи амалий ходимлардан программани мукаммалроқ ва қулайроқ бўлишига ёрдам берадиган мулоҳаза ва таклифлар олишни умид қиласидилар.

## I-СИНФ

### Умумий назарий маълумотлар

Биринчи синф ўқувчисининг кун тартиби. Баданин ва оғиз бўшлигини озода тутиш шахсий гигиена талаблари.

#### Гимнастика вазифалари

1. Сафланиш ва қайта сафланишлар вақтида сафдаги ўз жойини тез топиб олишга ўргатиш.
2. Гавдани ҳамма вақт тўғри тутишга одатлантириш.
3. Эркин қадам ташлаб юриш ва югуришга ўргатиш.
4. Сакраганда ва машқ асбобидан ерга сёқ учидагани тушишга ўргатиш.

5. Улоқтириш томонига юз ўгирнб бир жойдá туриб, енгил буюмларни улоқтиришга ўргатиш.

6. Югуриб келиб баландликка ва уэунликка сакраганда бир оёқда десинишишга ўргатиш.

7. Ойда 1—2 марта эрталабки гигиена гимнастикаси комплексини бажаришга (5—6 машқдан иборат) ўргатиш.

8. Биринчи синф ўқувчисининг шахсий гигиенаси, ҳаракат режими ҳақида қизиқарли формада қисқача тушунча бериш; юриб кетаётганда, бир жойда турганда партада ёки стулда ўтирганда гавдани тўғри тутишни тушунтириш ва болалар уни мустаҳкам ўзлаштириб олишларига эришиш; катталар назорати остида «ва уларнинг ёрдами билан мактаб ва уй кун тартибидаги жисмоний машқларни систематик бажаришга одатлантириш.

9. Уюшқоқликка, ташаббускорликка, мустақилликка ҳоли-қудрат ижодий иш тутишга ва колектив ҳаракат қилишга одатлантириш.

### Назарий маълумотлар

Гимнастика дарсларида ўқувчиларга қўйиладиган талаблар.

Эрталабки гигиена гимнастикасининг ва уйга берилган топшириқларни ишлаётгандаги физкультпаузанинг аҳамияти.'

### Амалий материал

**Гимнастик сафланиш ва қайта сафланишлар.** Колоннага сафланиш, шеренгага сафланиш. Колоннага биттадан сафланиб юриш. «Становись!», «Разойдись!», «Шагом марш!», «Класс стой» командаларини ижро этиш. Шеренгадан қайта сафланиб қўл ушлашиб доира ҳосил қилиш. Колоннада ва шеренгада турганда қўллар узунлигида орани очиш.

Турган жойда сакраб ва оёқларнинг бирини олиб, бирини қўйиб ўнгга (чапга) бурилиш. Биттадан сафланиб турганда колоннадан, ҳар отделение ўзининг олдиндан белгиланган жойига бориб, колоннага учтадан, тўрттадан сафланиш.

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Буюмларсиз машқлар: асосий тик туриш, оёқларни кериб

туриш. Құлларнинг ҳолатлари пастда, ён томонларда, юқорида, сөйда, орқада, бош орқасида, елкаларда. Құзни юміб ва юмасдан, құлларни турли суръат билан асосий ійнешілші тарида ҳаракат эттириш. Нафасга мослаб, құлларни «бош орқасида», «елкаларда» ҳолатда бир оз тутиб турши. Оёқлар учиды күтарилиш. Құлларға таяниб чўққайиш. Гавданн түғри тутишга аҳамият берил, құлларни турли ҳолатда (ён томонларда, бош орқасида) тутиб чўққайишлар. Гавданн энгаштириш ва буриш (бир неча марта тақрорлаш). Тақлид қилиш машқлари: «Үтин ёриш», «Лайлак», «Тегирмон», «Насос», «Балиқча».

Турган жойда сакрашлар: иккала оёқда, (оёқларни жуфт қилиб, оёқларни кериб), бир оёқда. Шу машқларнинг ўзини 90° айланиб (турли суръатда, кўзни юмасдан ва юмиб), нафасга мослаб ижро этиш.

**Катта тўп билан бажариладиган машқлар.** Тўпни доира бўйлаб узатиш; колоннада биттадан турганда, бошдан ошириб кейинда турганга узатиш. Оралиги 3—4 қадам икки шеренгада туриб, тўпни юмалатиб бир-бирига ўтказиш. Тўпни юқорига отиб илиш.

**Коптокчалар билан бажариладиган машқлар.** Коптокни юқорига отиб, икки қўллаб илиш. Коптокни ерга уриб сапчтиб, икки қўллаб илиш. Коптокни 2—3 м баландликда деворга уриб, икки қўллаб илиш. Коптокни юқорига отиб, қўшимча ҳаракатлар (чапак чалиб, чўққайиб туриб) қўллардан кейин, илиш. Коптокни ерга уриб, қўшимча ҳаракатлар қилиб илиш. Коптокни ўрганилган усуллар билан бир қўллаб ва икки қўллаб бир-бирига отиб илиш (оралиқ 3—4 м).

**Қоматни расолайдиган ва оёқ мускулларини пишитадиган машқлар.** Бўйинни, куракларни, думбани, тоғонларни деворга теккизиб туриб, девордан олдинга 3—4 қадам қўйиб яна қайта ўз жойига турши; бўйинни ва куракларни деворга теккизиб туриб чўққайишлар; деворга орқа ўгириб туриб, қўлларни ён томонларга кўтариш. Бошда — 150—200 грамм юк билан оёқлар учиды кўтарилиш, одимлаб юриб скамейкага чиқиши, гимнастик скамейкада юриш.

Оёқлар учиды кўтарилиш ва қайтиб оёқлар тагини ерга тўла теккизиш. Оёқлар тагининг ташқари ёнларидан юриш. Оёқ тагидаги ботиқ ерларни буюм устига қўйиб, чамбарак, гимнастик таёқча, арқон устида юриш; гимнастик таёқча устига оёқлар тагининг ўртасини қўйиб.

йнб туриб гоҳ устига оёқлар учини теккизиш; ҳар хил майдың буюмларни оёқ панжалари билан тутиш ва бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйиш.

**Тирмашиб чиқиш.** 20—30° қиялатиб қўйилган гимнастик скамейкага тўрт оёқлаб тирмашиб чиқиб тушиш, ёнламасига (ўнгга, чапга) тирмашиб юриш.

**Тўсиқдан ўтиш.** Баландлиги 80 см гача бўлган тўсиқдан ошиб ўтиш.

**Мувозанат сақлаш.** Баландлиги 60 см скамейкада якка чўпда қўлларни турли ҳолатда тутиб юриш; тўп ва коптотча олиб юриш, бошга майды буюмлар қўйиб юриш, олдинга жуфтлама қадам ташлаб юриш. Ерда ва юқори кўтаришган таянчда кўз юмиб ва кўз юмасдан оёқлар учидаги туриш, бир оёқни иккинчисидан олдин қўйиб туриш. Яккачўпдан, скамейкадан 15—20 см баландроқ тортилган чизимчадан ҳатлаб юриш. Яккачўп, скамейка устида бошга бирон нарса қўйиб чўққайиш. Баландлиги 50 см скамейка устига чиқиш ва тушнш.

**Акробатика.** Ўтирганда, ётганда, чўнқайганда гужанак бўлиш. Қўлларга таяниб чўнқайиб ўтирган ҳолатдан орқага думалаш ва олдинга думалаб, ўтириб гужанак бўлиш. Бир тиззага таяниб туриш, ярим шпагат ҳосил қилиш. Ерга қараб ётиб белни букиб, қўлларни ён томонларга узатиб, оёқларни ердан узиш («Балиқча»).

**Танца қадамлари.** Бир мақомда юриш. Олдинга ва ён томонларга жуфтлама қадамлар қўйиш. Дикирлаб қадам қўйиш. Оёқ учини ташқарига буриб юриш.

**Юриш югуриш.** Гавдани тўғри тутиб, кенг эркнп одимлаб юриш. Қўлларни турли ҳолатда (белда, орқада, бош ортида) тутиб, оддий юриш, оёқлар учидаги юриш, оёқлар тагининг ташқи ва ички ёнларида юриш. Ўқитувчи санаб турганда қараб юриш. Чапак чалиб юриш. Ҳамма бараварига санаб юриш. Гавдани тўғри тутиб ва тўғри нафас олиб югуриш. Гоҳ югуриб гоҳ юриб (20 м югуриш, 10 м — юриш) 60 м масофа ни босиб ўтиш.

Узун аргамчининг айланиши йўналган томондан ушинг тагига кириб, икки оёқда оралиқ сакрашлар аралаш сакраб нариги томонга чиқиб кетиш. Қисқа аргамчи билан турган жойда икки оёқда оралиқ сакрашлар, аралаш сакраш. 60 см гача чуқурликка сак-

раб, майин тушиш. Турган жойдан узунликка сакраш. Рўпарадан югуриб келиб, бир оёқда депсиниб баландликка сакраб, икки оёқда ерга майин тушиш (планканинг, чизимчанинг баландлиги 40 см) 5—6 қадамдан югуриб келиб, узунликка сакраб ерга икки оёқда майин тушиш.

**Улоқтириш.** Улоқтириш йўналишига юз ўгириб турниб, 2,5 м баландликда ўрнатилган  $1 \times 1$  м ўлчамдаги шчитга 2 м наридан ўнг қўлда, кейин чап қўлда бош ортидан коптокча отиш. Шунинг ўзи, аммо масофа аста-секин ошириб борилади: ўғил болалар 6 м гача, қиз болалар 4 м гача.

## Ўқув нормалари ва талаблари

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Зарядка комплексини бажариш. Коптокчани отиш ва илиш.

**Тирмашиб чиқиш.** Гимнастика деворчасига чиқиш ва тушиш.

**Мувозанат сақлаш.** Баландлиги 60 см яккачўпда, скамейкада ундан 15—20 см юқорироқда тортилган чизимчадаш ҳатлаб юриш.

**Акробатика.** Чалқанча ётиб гужанак бўла билиш.

**Танца қадамлари.** Жуфтлама қадам билан сакраб-сакраб юриш.

**Юриш югуриш.** Гавдани тўғри тутиб, юриш, галма-галдан бир юриб, бир югуриб 60 м масофани босиб ўтиш (ижро техникасига баҳо қўйилади), 30 м га югуриш.

**Сакраш.** Қалта аргамчи оша бир ўнг, бир чап оёқда сакраш, рўпарадан югуриб бир оёқда депсиниб, 40 см баландликдан сакраб ўтиш; турган жойдан узунликка сакраб, ерга икки оёқда тушиш (иккала оёқда депсина билиш ва ерга иккала оёқда туша билиш баҳоланади). 60 см баландликдан пастга оёқ учидаги сакраб тушиш.

**Улоқтириш.** Коптокчани бош орқасидан отиш техникаси; 25 м баландликда ўрнатилган  $1 \times 1$  м ўлчамдаги нишонга ўғил болалар 6 метр наридан, қизлар 4 метр наридан копток отиш.

## Уйга бериладиган топшириқлар

1. Ҳар куни эрталабки гигиена гимнастикасини ва гавдани түгри тутишдан дарсда ўрганилган махсус машқларни бажариш.
2. Икки құллаб копток илиш.
3. Ерга чизилған чизиқдан юриб, мувозанат сақлашда дарсда ўрганилған машқларни бажариш.
4. Турли дастлабки ҳолатларда (ўтириб, ётиб, тик туриб) ғужанак бўлишни машқ қилиш.
5. Танца қадамлари: сакраб-сакраб жуфтлама қадам ташлаш.
6. Арғамчидан бир ўнг, бир чап оёқда сакраш.
7. Турган жойидан узунликка сакраш.

## Мусобақалар ва байрамлар

1. «Саломатлик куни» байрамида иштирок этиш.
2. Зарядка комплексини бажаришдан синфлараро мусобақаларда қатнашиш ва шу мусобақаларда биринчи, иккинчи ўрин олган синфларнинг мактаб спорт байрамида иштирок этиши.

## Ҳаракатли ўйинлар

Барча мускулларни ўстирадиган машқ элементлари бор ўйинлар. Құшнига коптокча узатиш. Космонавт. Коптокдан ўзиш. Ким олдин? Қоч бола, сор келди.

**Югуриш ўйинлари.** Ёмғир ёғалоқ. Октябрятлар. Байроқчани ол. Икки аёз. Чўпон. Балиқчи Салка. Қўлингни бер.

Баландликка ва узунликка сакраб ўйнаш (турган жойдан ва югуриб келиб сакраш ва тез юриб ўйнаш).

Узоққа ва нишонга улоқтириб ўйнаш. Ким узоқроқ ташлайди. Мерган бўл. Доирага тўп тушир. Чопқир кийикни отиш. Чуқурга тўп тушир. Қўл таёқ.

Асосан кузатувчанликни, эътиборни, замон ва мақонда мўлжал олишни кучайтирадиган ўйинлар. Тез сафга тур. Паканалар билан новчалар. Чумчуқлар. Кўз бойлагич. Пат.

**Музикали ўйинлар.** Сичқон тутар. Музикачи варраклар. Оқ теракми-қўқ терак.

## СУЗИШ

(Сузиш дарси ўтказишга шароити бор мактабларда ўтиладиган материал)

В а з и ф а л а р:

1. Сузишнинг аҳамияти ва сузувчининг гигиенаси ҳақидаги билим асосларини ўргатиш.
2. Сувда чўкмай туришга ўргатиш.
3. Сузишнинг спорт усуллари техникасининг элементлари билан танишириш.
4. Болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, чиниқишлирига ва мутаносиб ўсишларига кўмаклашиш.
5. Сувга дадил тушиб, сувда юришдан қўрқмасликни ўргатиш.

### Назарий маълумотлар

Киши ҳаётини сақлашда, соғлигини мустаҳкамлашда сузишнинг аҳамияти: сузишдан машғулот ўтказаётганда ва чўмилаётганда гигиена талаблари, сузиш бассейнидан фойдаланиш қоидаси: сузиш машгулотлари пайтида интизом.

**Сувга ўргатадиган машқлар.** Сувга тушиш. Зинапояндан ёки таги қия жойдан белгача сувга тушиш, бассейн четига ўтириб, иккита қўлни ўнг (чап) ёндан бассейн четига тескари қўйиб, белдан келадиган сувга сакраб тушиб, бассейн четини ушлаб туриш.

**Сувда юриш.** Белдан, кўкракдан келадиган жойда олдинга, ёnlамасига, орқага юриш; ҳаракат йўнилишини ўзгартириб ва у ёқ-бу ёққа бурилиб юриш. Қўлларни сувга тиқиб, юришга ёрдам берадиган ёки қаршилик кўрсатадиган ҳаракатлар қилиб юриш. Сувда «Денгизда жаңг» ўйини.

**Сувда югуриш ва сакраш.** Бир қўл ва икки қўл ёрдамида сувда югуриш ва сакраш. Сувда «Товоибалигу зоғарабалиқ» ўйини.

**Сувга шўнғиши.** Фақат юзни сувга тиқиши, фақат бошни сувга тиқиши; сувни бошдан ошириб шўнғиши, сув тагида нафасни тўхтатиб туриш; олдинига иккигача санагунча, кейинчалик 5 гача, 10 гача санагунча сув тагида туриш. Сувдаги ўйинлар: «Сузғич», «Беш санар», «Пуфакча».

**Сувда нафас чиқариш.** Фақат бошни сувга тиқиб, сувши бошдан ошириб сув тагида нафас чиқариш. Сув тагида нафас тұхтатиб турғандан кейин сувға нафас чиқариш. «Пәезд» ўйини.

**«Пұқак».** Сув тагидан «пұқак» бўлиб қалқиб чиқиш. «Пұқак» бўлиб қалқиб чиққандан кейин, тұла нафас чиқариб, гүжайак бўлиб, сув тагига тушиш.

**«Медуза», «Пұқак»** бўлиб қалқиб чиққандап кейин гавдани ёйиб, оёқларни, құлларни сув тагида чўзиб, бошни сувға тиқиб, гавдани эгіб туриш, яъни «медуза» деб аталадиган машқни бажариш. «Медуза» ҳолатидан құлларни ён томонларга узатиб, оёқларни кериб сув бетига чиқариб, бошни сувға тиқиб туриш, яъни «крест» машқиини бажариш. Ўйинлар: «Пұқак», «Велосипед».

**«Чўзилиш».** «Чўзилиб» туриш ҳолатини ўзлаштириш. Қуруқликда: оёқ учларидан күтарилиб, гавдани ростлаб туриб, құлларни юқори күтариб, олдинга қараган кафтларни бир-бири устига қўйиб, бошни құллар орасида сиқиб туриб, юқорига чўзилиш. Сувда, «крест» ҳолатидан оёқларни жуфтлаб, құлларни олдинга чўзиб бирлаштириб «чўзилиш» ҳолатига ўтиш.

**Сирпанишлар.** Сув тубидан депсиниб, «чўзилиш» ҳолатига ўтиб сув бетида сирпаниш. «Чўзилиш» ҳолатидан туриб, бассейн четидан депсиниб сирпаниш. Нафасни тұхтатиб, узоққа сирпаниб бориш. Сувда «Найзалар» ўйини. Құлда тахта ушлаб, бассейн четидан депсиниб сирпаниш (бошни сувға тиқиб ва сувдан чиқариб, тахта ушлаган құлларни узатған ҳолатда, құллар тахта устига қўйилған ҳолатда). Құллар ҳолатини ўзгартириб сирпаниш. Құлларни сузишга ёрдам берадиган ва сузишга қаршилик күрсатадиган қилиб ҳаракатлантириб сирпаниш.

Құлларни сувдан чиқармай кроль усулида кўкракда сузиш. Усулни тұла кўрсатиш. Оёқ ва құллар ҳаракатини алоҳида-алоҳида кўрсатиш.

Бассейн четида ўтириб, оёқлар ҳаракатини ўрганиш. Бассейн четини ёки бирор нарсаны ушлаб туриб, сувда кўкрак бериб ётиб оёқлар ҳаракатини ўрганиш.

Нафасни тұхтатиб, кўкракда сирпанаётганды оёқларни ҳаракатлантириш.

Тахта ушлаб, оёқлар ёрдамида сузиш.

Құлларни сувдан чиқармасдан «кроль» усулида ҳара-

катлантиришни қуруқликда туриб ўрганиш. Худди шунинг ўзини сувда туриб ўрганиш. Шунинг ўзини сув тубида юриб кета туриб бажариш.

Сувда турган жойда ва сув тубидан юриб кета туриб, нафасга мослаб қўлларни ҳаракатлантириш. Юзни сувга тиқиб ва нафасни тўхтатиб, қўлларни сувдан чиқармай кроль усулида кўкракда сузиш.

Битта нафас циклида (нафас чиқариш, нафас олиш) сузиш. Цикллар сонини аста-секин ошира бориш. Нафас тартибини бузмасдан сузиш масофасини аста-секин 15—25 м гача узайтириш.

15—20 м масофага қўлларни сувдан чиқармай кроль усулида кўкракда қайта-қайта сузиш.

**Сувга сакраш.** Бассейн четидап тиккасига сакраш. Старт курсисидан тиккасига сакраш. Старт курсисидан тиккасига сакраб, 5—10 м сузив бориш.

### Ўқув нормалари ва талаблари

(Қизлар ва ўғил болалар учун)

1. Старт курсисидан тиккасига сакраш.
2. Тахта ушлаб, кроль усулидаги оёқ ҳаракатлари ёрдамида камида 50 м масофага сузиш.
3. Истаган усулда 15 метрга сузив борса—«қониқарли», 15 метрдан ортиққа сузса—«яхши», 25 метр сузса—«аъло» баҳо қўйилади.

### Мусобақалар ва байрамлар

Сувда спорт байрами. Байрам ўқув йили тугашига багишлиланади.

1. Бассейн кўндалангига 10—15 м масофага сузишдан шахсий команда мусобақалари.
2. Синфларнинг терма командалари ўртасида турли қаршиликлардан ўтадиган ва муайян топшириқлар бажарадиган эстафетали сузиш.
3. Меҳмонга айтилган ва мактабдаги энг яхши сузувчиликларни намуна машқлари.
4. Сув полосасидан намуна ўйин.

## *Ез пайтида уйга бериладиган топшириқлар*

1. Ҳар куни сузиб туриш.
2. Ўрганилган машқларни қайта-қайта тақрорлаш.
3. Қатталар назоратида 15—20 м ва ундан ортиқ ма-софага сузиб туриш.

## **II СИНФ**

### **Умумий назарий маълумотлар**

II синф ўқувчисининг кун тартиби. Дам олиш куни тартиби. Табиий факторлар ва улардан чиниқиши мақса-дидага фойдаланиш.

### **Гимнастика вазифалари**

1. Гавдани тўғри тутишга ва одатдаги шароитда ун-га риоя қила билишга ўргатишни давом эттириш.
2. Ўқитувчининг сигналларига ва командаларига тез эътибор беришни ўргатиш.
3. Гимнастик сафланишлар, ўйинлар ва бошқа машқ-лар пайтидаги колектив ҳаракат малакалари ва кўник-маларини такомиллаштириш.
4. Ҳамма биргаликда бир хил қадам ташлаб юриши-ни ўргата бошлаш.
5. Оёқлар учини қўйиб югуришни ўргатиш; югуриб келиб, «оёқ йигиб» баландликка сакрашни ўргатиш; мўлжалга юз ўғуриб, турган жойдан енгил буюмларни улоқтиришни ўрганиш; югуриб келиб узунилкка сак-рашни ўргатишни давом эттириш.
6. Мувозанат сақлаш машқларида вестибуляр аппа-рат функцияларини такомиллаштириш.
7. 6—7 машқдан иборат эрталабки гигиена гимнас-тикаси комплексини (ойда 1—2 марта) ўргатиш.

### **Назарий маълумотлар**

Спорт зали майдончаси ва бошқа машғулот жойи-ларини супириб-сидириб йигиштиришдаги талаблар.

### **Амалий материал**

**Саф машқлари, гимнастик сафланиш ва қайта саф-ланишлар.** Колоннада биттадан сафланган ҳолатдан до-пра ҳосил қўлиб сафланиш. Бир чеккадан сидирға саноқ

ва «бир-икки» саноги. Бир шеренгадан ўқитувчи санаң турмасдан иккى шеренгә бўлиб қайта сафланиш.

Жуфтлама қадамлар билан орани узоқлаштириш ва яқинлаштириш. Турган жойда ўнгга (чапга) бурилишни қисмларга ажратиб бажариш. Қўрадиган ва эшитадиган сигналларга биноан сафлапиш ва қайта сафланишлар. Юришни чап оёқдан бошлиш.

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Қўлларни олдинга, ён томонларга, юқорига узатиб туриб букиш ва ёйиш. Олд томондаги ва ён томондаги тэқислик бўйлаб бир қўлпи айлантириш. Қўлларнинг «елкаларда, кўкрак олдида» ҳолатлари. Елкаларни кўтариш ва тушириш. Елкаларни олдинга ва орқага ҳаракатлантириш. Панжаларни турли текисликлар бўйлаб ҳаракатлантириш ва айлантириш. Қўлларни галма-гал ҳаракатлантириш. Олдинга, орқага ва ён томонларга оёқларни тебратиш. Қўлларга таяниб чўққайган ҳолатдан оёқларнинг иккаласини бирга, галма-галдан букиш ва ёзиш ҳамда оёқларни галма-гал кўтариш. Чўққайган ҳолатдан тиззаларда турншга ўтиш. Чордана қуриб ўтирган ҳолатдан қўлларга таяниб ва қўлларга таянмай туриш. Тиззаларда турган ҳолатдан қўлларга таяниб ва қўлларга таянмай ўнг ва чап томонларга ўтириш. Бошни турли суръатларда эгиш, буриш, айлантириш. Оёқ кериб туриб, гавдани олдинга энгаштириб ерга қўл етказиш. Қўлларни ҳаракатлантириб туриб, гавдани ён томонларга энгаштириш. Ерга қараб ётган ҳолатда гавдани орқага эгнб, оёқларни ердан узишга интилиш. Оёқларни чалиштириб туриб, бир оёқда десиниб сакраб,  $180^{\circ}$  айланниш. Худди шунинг ўзици олдинга 4—8 марта сакраб бориб бажариш. Ўрганилган қўл, оёқ, гавда, бош ҳаракатларнинг жўнгина бирималаридан иборат машқлар бажариш. Шунинг ўзини кичкина байроқчалар билан ижро этиш. Эрталабки гимнастика комплексларини ўрганиш.

**Тўп билан бажариладиган машқлар.** Тўпни баландроқ отиб илиш. Тўпни отғандан кейин, чапак чалиб илиш. Доира ясаб туриб тўпни ўнгга, чапга отиб узатиш. Икки шеренгага сафланиб, бир-бирига тўп отиши.

**Коптокча билан бажариладиган машқлар.** Коптокни бир қўллаб отиб-отиб ўйнаш. Коптокни дэворга отиб, икки қўллаб, бир қўллаб, бир айланниб илиш. Жуфт-жуфт бўлиб (оралиқ —4—5 м), бир-бирига копток отиши. Турган жойда коптокни ерга уриб ўйнаб, аста-секин орқага

айланиш. Шунинг ўзини коптокниг сапчиш баландлигини ўзгартира туриб бажариш. Коптокни баскетболдаги каби олиб юриш.

**Гавдани расолайдиган ва оёқ таги ботикини мустаҳкамлайдиган машқлар.** Деворга орқа бериб туриб, оёқни букиб кўтариб, олдинга ёзиб узатиш ва ён томонга узатиш. Шунинг ўзини оёқлар учida кўтарила туриб бажариш. Девордан ажралмай туриб, ўнгга, чапга энгashiш.

Бошда 150—200 г юк билан бажариладиган машқлар: қўлларни белга қўйиб чўққайиш ва туриш; чўққайганда қўллар бармоғини товонларга теккизиш ва туриш; гимнастика деворчаси ёнида ўнгга ва чапга силжишлар; гимнастик скамейка томонидаги тахта-чўп устида қўлларни ён томонларга узатиб ёnlamasига юриш: шу тахта-чўп устида бир оёқда туриб, иккинчи оёқни букиб кўтариш (қўллар бош орқасида).

**Оёқ таги мускулларини ўстирадиган машқлар:** скамейкада ўтириб, оёқ таги ботиқлари билан коптокча, гимнастика тўқмоқчаси каби майдада буюмларни тутиб туриш.

**Тирмашиб чиқиш ва ошиб ўтиш.**  $30^{\circ}$  қиялатиб қўйилган скамейкадан тўрт оёқлаб чиқиб бориб, гимнастика деворчасига ўтиш. Гимнастика деворчасига гоҳ оёқ қўйиб, гоҳ озроқ вақт осилиб туриш. Ўнг қўлда осилиб, чап оёқни қўйиб, чап қўлда осилиб, ўнг оёқни қўйиб, гимнастика деворчасига чиқиш. Баландлиги 90 см тўсиқдан ўтиш.

Мувозанат сақлаш (баландлиги 70 см скамейка ёки яккачўпда). Тўлдирма тўп устидан, яккачўпдан 20—30 см юқорироқ тортилган чизиқчадап тиззаларни баланд кўтариб одимлаб ўтиб юриш. Тўпни отиб-илиб, қўллар билан энг оддий ҳаракатлар қилиб, ўнгга ва чапга жуфтлама қадамлар билан юриш. Бир неча тез қадамлар ташлаш. Қўлларга таяниб чўққайиш ва туриш. Қўзни юмиб ва юммасдан бир оёқда ёnlama туриб ва тўғри туриб, иккинчи оёқни олдинга, ён томонларга, орқага узатиш. Оёқлар учida  $90^{\circ}$  айланиш.

**Акробатика.** Ён томонга айланиб сакраш. Чўққайиб ва ғужанак бўлиб ўтирган ҳолатлардан олдинга дўмба-лоқ ошиш. Қўлларга таяниб, ўнг тиззада туриб, чап қўлни, чап тиззада туриб ўнг қўлни юқорига кўтариш. Жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирига юзланиб туриб, ярим шпагат қилиш.

**Танца машқлари.** Белгиланган шакл ҳосил қилиб ритм билан юриш. Музика, құышқ суръатига мослаб сакрашлар. Жуфтлама қадам билан орқага юриш Олдинга, ён томонларга сакраб-сакраб қадам ташлаш

**Юриш ва югуриш.** Сустланишли ва тезланишли юриш (100 м гача). Энн 20 см йүлакчаларда оёқ учиды юриш. Тиззаларни балаңд күтариб юриш. Эни 30 см йүлакларда 40 м гача масофага оёқлар учиды югуриш (асосан оёқ учининг түғри қўйилишига эътибор берилади). 100 м га гоҳ югуриб, гоҳ юриб бориш (30 м — югуриш, 20 м — юриш). Белгиланган вақтда қаинча йўл босишни ҳисоблаб юриш (топшириққа қараб 30 секунд 1 минут юрилади) 30 м га тез югуриб, вақтни ҳисоблаш.

**Сакраш.** Қисқа аргамидан бир оёқда оралатиб сакраш, бир ўнг бир чап оёқда сакраш, 70 см баландликдан сакраб тушиш. Югуриб келиб баландликка сакраш, бир оёқда депсиниб сакраб, тегада осиглик нарсаларга (тўпгами ё бошқа нарсами) қўл етказиш. Рӯпарадан югуриб келиб, бир оёқда депсиниб 50 см баландликдаги планка ёки чизимча устидан сакраб ўтиб, иккни оёқлаб ерга тушиш. Югуриб келиб узунликка сакраш: бир-биридан 50—70 см узоқликда чизилган 4—6 доираларнинг биридан иккинчисига сакраб кетма-кет ўтиш; кенглиги 100—110 см жойдан: сакраб ўтиб, иккни оёқлаб ерга тушиш (депсиниш мумкин бўлган зона кенглиги — 60 см).

**Улоқтириш.** З м баландликка ўрнатилган  $1 \times 1$  м ўлчамдаги шчитга 8 м (ўғил болалар) ва 6 м (қизлар) масофадан улоқтириш йўналишига юз ўғириб туриб, тўпни бош орқасидан отиш. 2,5 м юқори кўтарилган тўсиқлардан (чизимча, волейбол тўри) коптокча ва шу каби енгил буюмларни отиб ўтказиш. Коптокни ва бошқа отиш буюмларини турган жойдан узоқликка отиш.

### Ўқув нормалари ва талаблари

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Турган жойда ўнгга ва чапга бурилиш.

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Эрталабки гимнастика комплексини ва байроқчалар билан бажариладиган машқларни баҳо олиш учун ижро этиш.

**Тирмашиб чиқиш.** Гимнастика деворчасига турли усулларда тирмашиб чиқиш.

**Тўсиқлардан ўтиш.** Баландлиги 90 см тўсиқдан ўтиш.

Мувозаат сақлаш. Баландығи 70 см яккачұп, скамейкада юриш; коптоказ отиб-илиб олиб 2—3 қадам юриш, құлларга таяниб чүккәйнің, үриндан туриш, құлларни ён томонларга, юқорига ва олдинга ҳаракатлантириб юриш.

**Акробатика.** Чүккәйніб ўтирган ҳолатдан ~~—~~ чиңга дўмбалоқ ошиб, ғужанак бўлиб ўтириб олиш.

**Танца машқлари.** Олдинга, ён томонларга сакраб-сакраб одимлаш.

**Югуриш.** 30 м га 5,8; 5,9; 6,0 секундда югуриш.

**Сакраш.** Қисқа арғамчидан оралатиб сакраш бир ўнг, бир чап оёқда сакраш, ижро техникасии баҳолаш. Турган жойдан 100—150 см, узуунликка сакраш.

**Улоқтириш.** 3 м юқори күтариленген 1×1 м ўлчамдаги шчитга 8 м (ўғил болалар) ва 6 м (қизлар) масофадан коптоказча отиш.

### Үйга бериладиган топшириқлар

1. Эрталабки зарядка комплексини ва ўқитувчи белгилаб берган қоматни ростлайдиган маҳсус мешқларни ҳар куни ижро этиш.

2. Байроқчалар билан бажариладиган, байрам кунинга тайёрланган мешқларни такрорлаш.

3. Чүккәйніб ўтирган ҳолатдан, олдинга дўмбалоқ ошиб, ғужанак бўлиб ўтириб олиш.

4. Олдинга, ён томонларга сакраб-сакраб одимлаш.

5. Қисқа арғамчидан оралатиб сакраш, бир ўнг, бир чап оёқда сакраш.

6. Турган жойдан узуунликка сакраш.

7. Ўқитувчи белгилаган индивидуал топшириқлар.

### Мусобақалар ва байрамлар

1. Эрталабки зарядка комплексини бутун синф билан бирга энг яхши ижро этишдан мусобақалар ва ғолиб чиққан синфларпенің мактаб спорт байрамида иштирок этиши.

2. Байроқчалар билан бажариладиган мешқлар (байроқчаларни ҳамма ўзи ясади) — ижро этиб спорт байрамида қатнашиш.

3. Синф ўқувчилари орасида уч кураш: югуриш, сакраш, улоқтириш.

## Ҳаракатли ўйинлар

Барча мускулларни ўстирадиган машқ әлементлари бор ўйинлар. Бўрон. Уядаги қушчалар. Ҳайкалтарош. Сувдан ўтиш. Дорбоз.

**Югуриш ўйинлари.** Оқ айқлар. Почта. Құгқариб ол. Қартошка экиш. Бекинмачоқ. Өвга чиққан балиқчилар. Гижинг тойлар. Инсиз қолган қүён. Қарвон-карвон.

Узунликка ва баландликка турған жойдан ва югуриб келиб сакрайдиган ўйинлар. Бақа билан лайлак. Қуёnlар. Қоровул лайча. Йўл-йўл жойда сакраш (мураккаблашган варианти). Экранга қүён кирди.

Узоқка ва мўлжалга улоқтириш ўйинлари. Ким узоқка отади (мураккаблашган варпант—парироқ масофадан оғирроқ буюм улоқтирилади). Мерган овчи. Овчилар. Доирага тушириш (кўэни юмиб). Қубба. Қўл таёқ.

Қўпроқ кузатувчанликни, эътиборни, замон ва маконда ўлжал олишни яхшилайдиган ўйинлар. От ўйин. Тулкилар билан наъматак. Сигналга қулоқ сол. Зийрак пошибон. Тез сафлан (сигналлар, сафланишлар ҳар хил бўлади). Каптар. Чумчуқлар.

**Музикали ўйинлар.** Карнайми-сурнай. Қафасдаги қушчалар.

## СУЗИШ

(Сузиш дарси учун шароити бор мактабларда тўлиқ ўтиладиган материал)

Вазифалар:

1. Спортча сузиш усуллари техникаси ҳақида асосий маълумотлар бериш.
2. Кроль усулида кўкракда сузиш ва чалқанча сузиш техникасини ўрганиш.
3. Старт турларини ва кроль усулида кўкракда сузандаги энг оддий бурилишларни ўрганиш.
4. Болаларнинг соғлигини мустахкамлашга, мутаносиб ўсишларига ва чиниқишиларига кўмаклашиш.

## Назарий маълумотлар

Спортча сузиш усуллари техникасини тасвиirlab ва кўрсатиб бериш, бу усулларнинг нисбий тезликларини гапириб бериш.

**Ұтғанларни такрорлаш.** Биринчи синфда ўтилган машқұлар ва ўйинлар материалыни қайта-қайта такрорлаш.

Ким узоққа сирпанишдан, 25 м масофага күкракда кроль усули билан тахта ушламай, оёқлар ҳаракати ёрдамида; құлда тахта билан 5—7 метргача нафас тұхтатыб бориб тез (вақтни ҳисоблаб) сузишдан мусобақалар.

Сувдаги ўйинлар: «Акулалар билан дельфинлар», «Кім чаққон».

**Кроль усулида күкракда сузиш.** Узатилған құлларда тахта ушлаб, бошни сувдан чиқариō олиб, оёқлар ёрдамида кроль усули билан күкракда суза ётиб, бир құл билан кроль усулида қулоч отиб, кейин құлни ҳавода айлантириб дастлабки ҳолатга қайтариш (олдин бир құллаб кейин галма-гал икки құлда такрорлаш).

Шунинг ўзини бошни сувга тиқиб бажариш: қулоч отиши охирида сувда нафас чиқариш; құлни ҳавода айлантириш бошланишида, бошни қулоч отаётған құл томонға буриб, нафас олиш.

Бассейн четидан депсиниб, оёқлар ҳаракатисиз сув бетида қисқа масофага сирпаниш: қисқа масофага кроль усулидагиdek оёқлар ҳаракати ёрдамида сирпаниб бориши, оёқларни ҳаракатдан тұхтатмай, бир құлда қулоч отиб, кейин құлни ҳавода айлантириб, дастлабки ҳолатга қайтариб сузишдан тұхташ. Худди шунинг ўзини олдин бир құлда, кейин иккинчи құлда бажариш. Худди шунинг ўзини бир неча марта узлуксиз қулоч отиб бажариш. Бассейн четидан депсиниб, 5—8 метр масофага кроль усулида күкракда нафас тұхтатыб сузиш.

Әнгашиб олиб турған жойда ва бассейн тубида юриб кетатуриб, құл ҳаракатларига мос slab нафас олиш.

Нафас цикли (нафас чиқариш, нафас олиш) ни құшиб, кроль усули билан күкракда сузиш. Нафас цикли миқдорини аста-секин икки, уч мартага етказиш ва ундан ҳам ошира бориши. Нафас тартибини бузмасдан, сузиш масофасини аста-секин ошира бориб, 25 метргача етказиш.

**Кроль усулида чалқанча сирпаниш.** Бассейн тубидан депсиниб, узатилған құллардаги тахтани сонлар устида тутиб, чалқанча сирпаниш. Шунинг ўзини тахтасиз бажариш. Бассейн четидан депсиниб, құлларни тана бўй-

лаб узатиб, құлларни бош орқасига олиб чалқанча сирпаниш. Сувда «Горпедо» ўйини.

Құлларни турли ҳолатларда тутиб, оёқларни кроль усулидағидек ҳаракатлантириб чалқанча сирпаниш. Құлларни тана бўйлаб узатиб, құллар билан сузишга ёрдам берадиган ҳаракатлар қилиб, оёқларни кроль усулидағидек ҳаракатлантириб, чалқанча сузиш.

Бир қўлни тана бўйлаб узатиб, бош орқасига олиб, иккинчи қўлни ишлатиб кроль усули билан чалқанча сузиш. Шунинг ўзини қўлларни галма-гал ишлатиб бажарпш.

Ҳамма ҳаракатларни тўла мослаб, 25 м гача кроль усулида чалқанча сузиш.

Старт олиш ва бурилишлар. Бассейн қирғонида оёқ осилтириб, қўлларни юқорига чўзиб ўтирган ҳолатдан секин-аста олдинга энгаша бориб, сувга ташланиш. Қирғонда энгашиб турган ҳолатдан сувга ташланиш. Шу машқларнинг ҳаммасини старт курсисида такрорлаш.

Сувга ташланаётганда оёқ ердан узилиши пайтида бассейн четидан ва старт курсисидан депсиниш.

Қирғонда ва старт курсисида энгашиб, қўлларни бош орқасида чўзиб турган дастлабки ҳолатдан старт олиб сакраш.

Қўлларни силкиб, курсидан қаттиқ депсиниб старт олиб сакраб, оёқ-қўлларни узатиб сувга кириш, сувдан чиқиб сирпаниш ва кроль усулида сузиш.

Қўлларни силкиб, бассейн четидан депсиниб, чалқанча сирпаниш. Чалқанча старт олгандан кейин, сувдан чиқиб кроль усулида чалқанча сузиш.

Бассейн четини ушлаб унга юз ўғириб турган ҳолатдан бурила туриб депсиниб, кўкракда сирпаниш. Бассейн четидан бир қадам бери туриб, шу машқнинг ўзини бажариш. Бир неча қадам наридан юра бошлаб, гоҳ ўнг қўл билан қулоч отганда, гоҳ чап қўл билан қулоч отганда бассейн четига яқинлашиб шу машқнинг ўзини ижро этиш. Бир неча қадам наридан суза бошлаб бассейн четига яқинлашиб, шу машқнинг ўзини ижро этиш.

Гужанак бўлиш ва чалқанчасига айланиш. Бассейн четига орқа ўғириб, ундан бир қадам берида бассейн четини ушлаб туриб, гужанак бўлиб орқага айланиб, бассейн четига оёқ қўйиб депсиниш. Шу машқнинг ўзини қилиб, сирпаниб кетиш,

Орқа билан юриб, бассейн четига яқинлашганда бурилиб, депсиниб сирпаниш.

- Бир неча қадам наридан суза бошлаб, гоҳ ўнг қўл билан қулоч отганда, гоҳ чап қўл билан қулоч отганда бурилиш шчитига яқинлашиб, чалқанчасига бурилиш.

## Ўқув нормалари ва талаблари

1. Қисқа масофаларга ( $10-12\text{ m}$ ) кроль усули билан кўкракда ва чалқанча сузиш техникаси учун баҳо қўйиш.

2.  $25\text{ m}$  масофани бир хил спортча усулда сузиб ўтса — «қониқарли» икки хил спортча усулда сузиб ўтса — «яхши», ортиқ масофани сузиб ўтса — «аъло» баҳо қўйилади.

## Мусобақалар

Иккинчи синфлар ўртасида қишки ( $25\text{ m}$  га эркин усулда сузишдан) ва ёзги ( $25\text{ m}$  га эркин усулда ва  $25\text{ m}$  га чалқанча сузишдан) шахсий команда биринчилиги ўтказиш.

### Ез пайтида уйга бериладиган топшириқлар

1. Кроль усули билан кўкракда ва чалқанча сузиш техникасини такомиллаштириш.

2. Кроль усули билан кўкракда ва чалқанча ҳар куни  $25\text{ m}$  дан  $50\text{ m}$  гача масофа дам олмасдан сузиб туриш.

3. Ҳар куни  $10-15$  метр масофага катта тезликда сузиб туриш.

## III СИНФ

### Умумий назарий маълумотлар

III синф ўқувчисининг кун тартиби. Сочлар, тирноқлар, кийим ва пойабзални тартибли тутиш. Кишидаги ақлий иш қэбилиятини ўстиришда жисмоний машқлар ва табиат омилларининг аҳамияти. Қомат расолиги һа киши саломатлиги учун чиниқтириш қоидалари, тўғри юришнинг аҳамияти.

### Гимнастика вазифалари

1. Тик туриш, ўтириш ҳолатларида қоматни тўғри тутиш малакасини мустаҳкамлаш, турли ҳаракатлар вақтида қоматни тўғри тутишга ўргатиш. Елка, қорин ва оёқ

мускулларининг тўғри ривожланишини таъминловчи мускулларни ривожлантиришга айниқса кўпроқ эътибор бериш.

2. Ҳаракат сифатларини такомиллаштиришни, вестибуляр анализатор функцияларини ривожлантиришни давом этириш.

3. Олдинга дўмбалоқ ошишни ўргатиб бўлиб елкада тик туришни ўргата бошлаш. «Чапга», «ўнгга», «орқага айланиш» ҳаракатларини қисм-қисмга бўлиб ўргатиш. Осилиш ва таянишнинг энг оддий усулларини ўргатиш.

4. Эрталабки гигиеник гимнастиканинг ҳамда физкульт паузаларнинг илгари ўрганилган комплексларини мустақил ижро этишини ўргатиш.

### Назарий маълумотлар

Софломлик ва ёрталабки гимнастика. Синфдан ташқи вақтларда очиқ ҳавода физкультура минутлари, ўйинлар ва кўнгил очар спорт машқларининг аҳамияти.

### Амалий материал

Саф машқлари, гимнастик сафланиш ва қайта сафланиш. Рапорт. Бир жойда туриб ўнгга ва чапга бурилиш. Орқага айланишини қисмларга бўлиб бажариш. Бир-бiri томон ва диагонал бўйича юриш (залда, майдончада). Турган жойда 9—6—3 кишидан зинапоя шаклида қайта сафланиш.

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Қўлларни олд ва ён томонлардаги текислик бўйлаб айлантириш. Қўлларни бир-бiri га тескари ҳаракатлантириш. Бир қадам олга ва бир қадам тескари ташлаб, бир оёқда тиззашлаш. Чўнқайиб, бир оёқда чўнқайиб қўлда ерга таяниш. Гавдани олдинга, орқага, ўнгга ва чапга қўл ҳаракатлари билан мослаб энгаштириш. Гавдани қўл ҳаракатлари га мослаб ҳар томонга буриш. Оёқларни бирга, навбат-ма-навбат букиш ва ёзиш. Қоринда ётиб, оёқларни навбатма-навбат кўтариб тушириш. Чалқанча ётиб, оёқларни навбати билан кўтариб тушириш. Говонлар устида ўтилган ҳолатдан оёқларни чўзиб, сонларни ерга тегизиб ётган ҳолга ўтиш. Бошни тез буриш, тез эгиш. Ўтирган ҳолатда бошни тез ва секин айлантириш. Қўл, оёқ, бош ва гавда билан бажариладиган ҳаракатларни қўшиб

ижро этиш (8 саноқли машқ ижро этиши билиш). Кичик чамбар билан ижро этиладиган, барча мускулларни ўстирадиган машқлар.

**Түп билан бажариладиган машқлар.** Шеренгада, колоннада сафланиб түпни ўнгга, чапга, бошдан ошириб оёқтар орасидан узатиш. Түпни баланд отиб, тұла айланып илиш. Иккі құллаб пастдан, ўнг ёки чап елкадан, бош ортидан 180° айланыб, бир-бирига түп отиши.

**Коптотка билан бажариладиган машқлар.** Коптоткин ўнг құл (чап құл) билан ташлаб, чап құл (ўнг құл) билан итиш. Коптоткин ерга уриб шу ҳаракатни тақрорлаш. Құтариған оёқ тагидан коптоткин отиши ва уни илиш. Ўнг құл билан орқадан ерга коптоткин уриш ва чап тарағдаң айланып уни илиш. Юриб кетаётгандан коптоткин юқори отиб, илиш. Коптоткин ерга уриб шу ҳаракатни тақрорлаш. Иккита коптоткин билан ҳуққавозлик қилиш.

**Гавдан расслайдиган ва оёқ таги ботигини мустаҳкамлайдиган машқлар.** Бошга юк құйый (150—200 г) орқага айланыш, оёқларини чалиштириб ўтириш, орқага айланып ўтиришни биргә ижро этиш, гимнастика деворида юқорига чиқиб тушиш; бир чизиқда оёқ учларидан туриш; бош устида юк билан бажариладиган машқлар (2-синфда ўтилган материал асосида).

Ерда ётган аргамчини оёқ бармоқлари билан оёқ тагига йиғишиши; коптоткин оёқ таги ботиқлари орасыда тутиб, 2—3 марта юқорига сакраш; парвоз пайтида тиззани түгрилаб оёқ учларидан (товорнлар бир-бирига тегиб туради) сакраш.

**Тирмашиб чиқиб түсиқлардан ўтиш.** Гимнастик скамейкада қоринда ва чалқанча ётган ҳолатда құллар билан гавданы бүкмасдан тортиш. Оёқларни чалиштириб, арқонни қисиб осилиш, ихтиёрий үсулда тирмашиб чиқиши. Баландлиги 1 м бұлган түсиқдан ошиб ўтиш.

**Мувозанат сақлаш** (скамейка, яккачұп — баландлиги 90 см), түпни отиб илип юриб, букиб құтарилған, түгри құтарилған оёқлар тагида чапак чалиш, аргамчидан ҳатлаб ўтиш. Оёқ учларидан тез юриш. Бир оёқдан бир сонда ўтиришга ўтиш. Иккі оёқлаб ўртача баландликка сакраш. Оёқ учларидан 180° айланыш. Юриб кетаётгандан ярим чүққайишлар. Чүққайиб ўтирган ва бир сонда ўтиригандан ҳолатда құлга таяниб сакраб туриш.

Бир оёқда туриб, иккінчисини олдинга букиб узатиб, құлларни турлы ҳолатларда тутиш.

**Акробатика.** Икки тиззада турган ҳолатдан, бир тиззада турган ҳолатдан ён томонларга тұнтарилиш. Таяниб чүққайған ҳолатдан олдинга дұмбалоқ ошиб, таяниб ұтириш. Таяниб чүққайған ҳолатдан орқага думалаш; таяниб ұтирган ҳолатдан орқага думалаб, күкракларға таяниб, гавдани букиб әтиш. Бирор өрдамида күкракларда тик туриш. Жұфт ва уч киши бўлиб оддий акробатик пирамидаларни ижро этиш.

**Танца машқлари.** Олдинга алмашлаб қадамлаш. Ер тапиллатиб, қадамлаш. Үрганилган материал асосида 8 саноқли комбинацияларни ижро этиш.

**Аралаш осилиш.** Тик туриб ва ётиб осилиш (олдиндан, ёнбошдан, орқадан), чүққайиб осилиш. Аралаш осилиб қўл ва оёқ ҳаракатлари (турганда, ётиб, ұтириб); ўнг қўлни, чап қўлни пастга тушириш, оёқни ён томонга, орқага узатиш; бир тур аралаш осилпшдан иккинчисига ўтиш.

**Юриш ва югуриш.** Қадамлар кенглигини ва тезлигини ўзгартириб юриш. Тұғри чизиқ бўйлаб, товоналарни параллел қўйиб югуриш. 40 метргача масофага тез югуриш. 150 м га гоҳ югуриб, гоҳ юриб бориш. Тұсиқлар оша югуриш (таёқлар, тўлдирма тўплар, югуриш йўлкасининг кенглиги 60 см).

**Сакраш.** Арғамчини орқага айлантириб, олдинга силжиётганды, оралиқ сакрашлар, икки оёқда сакраш. Арғамчини олдинга айлантириб, бир оёқда сакраб, ерга тўғри тушиш. Икки оёқда депсиниб, 70—80 см баландликдаги тұсиқлар устига чиқиб, тиззалаб туриб қолиш. 5—7 қадам жойдан тўғри югуриб келиб оёқ билан ерга тушиш (баландлиги 50—70 см аргамчи, планка). Югуриб келиб узуップликка сакраш: кенг тұсиқлар устига чиқиб қолиш (баландлиги 30—40 см, кенглиги 1,5—2 м). Юриб кета туриб, бир оёқда депсиниб сакраб, икки оёқ билан тушиш (депсиниши зонаси кенглиги 40 см). Ораси 40 см йўлакчага аниқ сакраш (биринчи йўлакча депсиниши зонасидан 110 см нарида, иккинчиси — 150 см, учинчиси — 190 см узоқликда).

**Улоқтириш.** 3 м баландликка ўрнатилған вертикаль нишонга 10 м гача (ўғил болалар), 8 м гача (қизлар) масофада турган жойдан коптоқ отиш. Нишон—диаметри 80 см лик думалоқ доира, унинг ичидә учта бир-бираидан кичик ҳалқа чизиқлари бор, биринчи ҳалқа диаметри 40 см, иккинчиси 50 см, учинчиси 80 см, 3 м ва ундан ҳам

күпроқ юқори күтарилган түсиқлардан (чизимча, баскетбол шчиги) копток ва шу каби енгил буюмларни отиб ўтказиш.

## Ўқув нормалари ва талаблари

**Сафланиш ва қайта сафланиш.** Орқага айланнини қисмларга бўлиб бажариш.

**Барча мускулларни ўстирадиган машқлар.** Баҳо олиш учун эрталабки гигиеник гимнастика комплексини ва кичик чамбар билан машқлар бажариш.

**Югуриш.** 30 м га югуриш; 6,0—6,1—6,2 секунд (қизлар), 5,6—5,7—5,8 секунд (болалар).

**Сакраш.** Қисқа аргамчидан бир оёқдан иккинчисига ўтиб сакраб, олдинга силжиш. Тўғридан югуриб келиб, бир оёқда депсиниб, баландликка сакраш (50—70 см). Югуриб келиб, узунликка сакраш (160—155 см).

**Улоқтириш.** Ўчта катта-кичик доира чизиги бор (40—60—80) думалоқ нишонга 8 м (қизлар) ва 10 м (болалар) масофада турган жойдан копток отиш: нишоннинг баландлиги 2—2,5 м. Узоқликка улоқтириш: 35—30—25 (болалар); 20—17—15 (қизлар).

**Тирмашиб чиқиш.** Арқон ёки лангарга ихтиёрий усул билан тирмашиб чиқиш: 1,5—2—2,5 м (қизлар); 2—2,5—3 м (болалар).

**Тўсиқлардан ўтиш.** 1 м гача баландликдаги тўсиқдан ўтиш.

**Акробатика.** Чўққайиб таянган ҳолатдан олдинга дўмбалоқ ошиб, яна чўққайиб таяниш.

**Мувозанат сақлаш** (яккачўп, скамейка баландлиги 90 см). Эгилган оёқ осгига чапак чалиб юриш, чўққайиб таяниш ва бир сонда ўтириш. Бир сонда ўтирган ҳолатдан қўл тираб сакраб тушиш. Қўлда ушлаб аргамчидан ҳатлаб юриш, 180° айланниш. Чўққайган ҳолатдан сакраб тушиш.

**Танца қадамлари.** Алмаш қадам билан юриш.

## Ўйга бериладиган топшириқлар

1. Рапорт беришни ўрганиш. Эрталабки зарядка комплексини ҳамда ўқитувчи белгилаб берган, қоматни ростлайдиган махсус машқларни ҳар куни ижро этиш.

2. Спорт байрамида қатнашиш учун кичик чамбар билан бажариладиган машқларни пишиқлаш — чамбарни ўзи мустақил ясайди.

3. Турган жойда орқага айланишни қисмларга бўлиб бажариш.

4. Коптоклар билан ҳуққавозлик қилиш.

5. Қисқа аргамчидан бир оёқдан иккинчисига ўтиб сакраб, олдинга силжиш.

6. Таяниб ўтиргап ҳолатдан дўмбалоқ ошиб, таяниб ўтириш.

7. Алмаш қадамлар.

8. Ўқитувчи белгилаб берган индивидуал топшириклар.

### **Мусобақалар ва байрамлар**

1. Зарядка комплексларини энг яхши ижро қилишдан мусобақалар.

2. Спорт байрамида буюмлар (кичик чамбар) билан машқ ижро қилиб қатнашиш.

3. Уч курашдан (югуриш, сакраш, ирғитиш) синф мусобақаси.

### **Ўйинлар**

Барча мускулларни ўстирадиган машқ элементлари бор ўйинлар Эҳтиёт бўл. Тўпни бошдан ошириш. Коптот ҳавода. Чўпон бола. Тўғри йўлда тўсиқ ошиб, югуриб, юқ кўтариб эстафета. Альпинистлар.

**Югуриш ўйинлари.** Уйсиз қўён. Кундуз ва тун. Чўртан балиқ. Ләққа балиқ. Асир олиш.

**Баландликка ва узунликка турган жойдан ва югуриб келиб сакрайдиган ўйинлар.** Қарама-қарши югурадиган, сакраш аралашган эстафета. Чизимчадан сакраб ўтиш. Қармоқча.

**Узоққа ва мўлжалга улоқтириш ўйинлари.** Нишонга ур. Қалъани ҳимоя қил. Овчилар ва ўрдаклар Ҳаракатдаги нишон.

**Асосан кузатувчанликни, эътиборни, замон ва маконда мўлжал олишни яхшилайдиган ўйинлар.** Ўз байро-фингизга боринг. Топишмоқ. Таъқиқланган ҳаракат. Кузатувчилар. Қушим боши. Чертмоқ.

**Музикали ўйинлар.** Музикали варрак. Денгиз ҳаяжонда.

## СУЗИШ

(Сузиш дарси учун шароити бор мактабларда тұла үтиладиган материал)

### В а з и ф а л а р:

1. Спорт сузиши ҳақида маълумот бериш.
2. Қроль усулида күкракда сузиш ва чалқанча сузиш техникасини такомиллаштириш.
3. «Брасс» ва «Дельфин» усулида сузиш техникаси билан таништириш.
4. Болаларнинг соғлигини мустаҳкамлашга ва мутаносиб ўсишларга кўмаклашиш.

### Н а з а р и й м а ғ л у м о т л а р

Сузиш мусобақаси, сузиш усуллари ва масофалар, мутаносиб ўсишларига кўмаклашиш.

### Қ а й т а р и ш у ч у н м а т е р и а л

Үтилганларни тақрорлаш. Бошланғич сабоқ машқларни тақрорлаш.

Кўкракда ва чалқанча сирпаниш машқларини кўп марта тақрорлаш.

Ёнбошлаб сирпаниш. Кўкракда сирпаниб келиб, сув қаршилигини кўпайтирмай ёнбошга, чалқанчасига айланниб сирпанишда давом этиш. Турли ҳолатлардан, сув қаршилигини кўпайтирмай, бир неча хил бурилишлар.

Ўйинлар: «Гуннелдан ўт», «Аргимчоқ», «Торпедалар».

Қроль усулида күкракда ва чалқанча сузиш. Тахта ушламасдан, қўлларни турли ҳолатларда тутиб, оёқлар билангина қроль усулида кўкракда сузиш, сувга нафас чиқармасдан, сувга нафас чиқариб сузиш.

Бир қўлни гавдага ёпишириб туриб, бир қўлни олдинга узатиб олиб қроль усули билан кўкракда ва чалқанча бир қўллаб сузиш.

Фақат қўлларни ишлатиб қроль усулида кўкракда ва чалқанча сузиш (оёқлар чамбар ёки тахтада; оёқлар чамбар ва тахтасиз).

25 м масофага қроль усулида кўкракда ва чалқанча қайта-қайта бемалол ва тез сузиш.

Бурилишларда тўхтаб қолмай, 50 м дан 100 м гача

ва ундан ортиқроқ масофага кроль усулида күкракда ва чалқанча сузиш.

Старт олиб қисқа масофаларга (10—15 м) кроль усулида күкракда ва чалқанча тез суръатда сузиш.

Күкракда ва чалқанча сузеб, паст суръатда ва тез суръатда бурилишлар.

Брасс ва дельфин усулларини тұла күрсатиш, оёқ ва құйл ҳаракатлари техникасини алоҳида-алоҳида күрсатиш.

Шуғулланувчиларнинг ўzlари брасс ва дельфин усулларни техникасини тұла ҳамда оёқ ва құйллар ҳаракатларини алоҳида-алоҳида синааб күришлари керак.

### Үқув нормалари ва талаблари

Ижро техникасини баҳолаш учун кроль усулида күкракда ва чалқанча 25 м масофага сузиш.

50 м масофани бир хил усулда сузеб ўтса — «қониқарли», икки хил усулда сузеб ўтса — «яхши» баҳо қўйилади. 100 м масофани бир хил усулда ёки 50 м дан зиёд масофани икки хил усулда сузеб ўтса — «аъло» баҳо қўйилади.

### Мусобақалар ва байрамлар

1. Синфлараро мусобақаларда икки марта иштирок этиши: биринчи ярим йиллик охирида 25 м га эркин усулда ва 25 м гача чалқанча сузишдан, иккинчи ярим йиллик охирида 25 м га эркин усулда, 25 м га чалқанча сузишдан.

2. Синфлар командаларининг III синфлар ёзги шахсий команда биринчилигига иштирок этиши: 25 м га эркин усулда, 25 м га чалқанча, 50 м га эркин усулда, 50 м га чалқанча сузишдан.

### Ез пайтида уйга бериладиган топшириқлар

Худди 2-синфдаги топшириқларнинг ўзи-ю, лекин 25 м дан 100 м гача дам олмасдан сузеб туриш.

# ТАСВИРИЙ САНЪАТ

## УҚТИРИШ ХАТИ

Коммунистик жамият кишисининг ҳар томонлама камол топиши эстетик тарбия билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, тасвирий санъат эстетик тарбиянинг самарали таъсир кўрсатувчи воситаларидан биридир.

Мактабда тасвирий санъатдан ўтказиладиган машғулотлар қўйидагиларни кўзда тутади.

Ўқувчиларда теварак-атрофдаги нарса ва воқеаларга эстетик муносабатни таркиб топтириш, уларни гўзалликни ҳис қила билишга ва тушунишга ҳамда шу ҳис ва тушунчаларни ҳаётга татбиқ этишга ўргатиш;

ўқувчиларга реалистик расм чизиш асослари ҳақида билим бериш, уларда нарсанинг ўзига қараб расмини чизиш, хотирадан, тасаввурдан расм чизиш соҳасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

декоратив — амалий санъатнинг хусусиятлари билан танишириш, тасвирий санъатнинг барча ўқув машғулотларини болаларда ижодий қобилият, дид, тасаввурларини ўстиришга қаратиш;

ўқувчиларни тасвирий санъат ва декоратив — амалий санъатнинг буюк асарлари билан таниширила бориб, уларда бу санъат тилининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тушунчаларнинг ўсишига ёрдам бериш;

уларда асарларга нисбатан эмоционал идрокни, санъатга қизиқишини ва уни севишни тарбиялаш;

турли-туман ижтимоий фойдали фаoliyatlарга эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда ижодий ёндошиш кўникмаси ҳосил қилиш;

ўқув фанлари ўрганилаётганда, шунингдек техник ижодиётда расмдан тасвирий санъат сифатида фойдалана билишга ўргатиш.

Синфда амалий ишлар олиб борилади ва ўқувчилар тасвирий санъат асарлари билан таниширилади,

Амалий машғулотларга расм чизишинг қўйидаги турлари киради: нарсанинг ўзига қараб расмини чизиш (шунингдек, хотирадан ва тасаввурдан расм чизиш), тема асосида расм чизиш ва декоратив расм чизиш. Машғулотларнинг бу турлари таълим жараёнида умумий таълим-тарбия вазифалари билан боғлиқ бўлган топшириклар циклини ташкил қилиб, бир-бирини тўлдириб бориши лозим.

Ўқувчиларни декоратив ишларда ишлатиладиган турли материаллар, уларни ишлаш усуллари, шунингдек, ўқувчиларнинг буюмлар шакли тўғрисида тушунчаларини кепгайтириш имконига эга бўлишлари учун тасвирий санъат машгулотлари бошланғич синфларда фаолиятнинг аппликация, тўқиши, кашта тикиш, ўйинчоқлар тайёрлаш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш каби турлари киритилган меҳнат дарслари билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим.

Расм чизиш машғулотлари ўқувчиларнинг нарса ва ҳодисаларнинг типик хусусияларипи кузатиш ва тасвирланётган нарсани ифодалаб тасвирлаш қобилиятини ўстиришга қаратилгандир. Бу вазифалар нарсанинг ўзига қараб расмини чизиш ва теварак-атрофдаги ҳаёт ёки бадиий нарсалар темаси асосида расм чизиш машғулотларида кўпроқ амалга оширилади. Ўқувчиларнинг ижодий образли тафаккурини ўстириш билан уларда яхши тушуниб, реалистик тасвирлаш малакалари ўргасида бирлик бўлишини таъминлаш мақсадида машғулот турлари ўртасида мустаҳкам боғланиш мавжуд бўлиши зарур.

Болаларда ҳаётнинг гўзаллигини кўра билиш ва акс эттира олиш кўнкимаси тарбиялаш учун моделлар, композиция тематикасини ва ҳаётнинг турли томонларини (табиатни, майший турмушни, ўқув ишларини, меҳнатни, техникани, спортни ва шу кабиларни) акс эттирувчи декоратив безашга оид топшириклар танлаш катта аҳамиятга эгадир.

Бунда машғулотнинг асосий тури нарсанинг ўзига қараб расмини чизишидир. Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш ўқувчиларда парса ва ҳодисаларнинг ҳажми ва фазода жойланишини тўла-тўқис идрок этишни тарбиялайди, нарса ва ҳодисаларнинг бирмунча типик белгиларини кузата билиш ва акс эттира олиш қобилиятини ўстиради.

Расм чизиш машғулотларда ўқувчиларда борзияниң күриб идрок этиш ва ҳаётни нарсанинг ўзига қараб чизилган раемдан, хотирадан, тасаввурдан бадийи — ифодали қилиб ҳамда түғри акс эттира билиш кўникмаси ҳосил қилишни аста-секин амалга ошириш керак.

Расм дарси жараёнида ўқувчилар расм шаклининг уиинг мазмунига мос келишини тушунишга, расмни тасвирилашни асосий бош мақсадга бўйсундиришга, бунда тасвирилашнинг энг ифодали композиция йўлини топа билишга ўрганишлари лозим. Улар расмда нарсаларнинг нисбатини, шаклини, рангини кўра билиш ва түғри акс эттира билишга, тасвирининг ана шу барча томонларининг (нисбатларининг, рангнинг мослиги, юқори ёки қуий уфқнинг ифодалилиги, ёритилганлик хусусиятлари ва бошқаларнинг) эстетик ифодалилигини ҳис этишга ўрганишлари лозим. Ўқувчилар ижодий режага қараб турли материаллардан фойдаланишга (қалам, акварель, гуашь ишлатишни, оқ ёки рангли қофоздан аппликация учун фон ёки материал сифатида фойдаланиш ва бошқалар) ни ўрганишлари лозим.

I — III синфда асосий вазифа ўқувчиларда нарсаларнинг нисбати, тузилиши, шакли, ранги нуқтаи назардан таҳлил қилиш малакаси ҳосил қилишдир. Шунингдек, ўқувчилар тасвирилаётган нарсанинг аввал умумий ва эстетик жиҳатдан аҳамиятли томонларини аниқлаб бўлганларидан кейин нарсанинг қисмлари ва деталларини акс эттиришни ўрганадилар. Бу синflарда ўзига қараб, хотирадан, тасаввурдан расми чизиладиган нарсалар шаклининг перспективи ўзгаришларининг (айрим ҳолларда бу ҳолат фронтал, бошқа ҳолларда ён томони билан деб аталиши мумкин) акс эттирилиши талаб этмайдиган ҳолатда қўйилади. Бироқ болалар пейзажни тасвирилаётганларida перспектива-нинг шундай ҳодисасини акс эттириш билан танишадиларки, бу бирор нарсани иккинчи нарса паналаб туриши, узоқлаша борган сари нарсалар ҳажмининг кичикроқ бўлиб кўринишидир. Барча синфларда ҳажми унча катта бўлмаган, ҳар бир партага улашиб бериладиган моделлардан (гуллар, дараҳт барглари, ҳашаротлар, қутичалар, идишларнинг моделларидан) фойдаланилади. Расмлар темасини ўқитувчи кўрсатиб

беради ёки ўқувчиларнинг ўзлари танлаб оладилар. Бу машғулотларда бола чизган расмнинг жонли чиқишига, персонажлар образининг характеристикасига, расмдаги элементларнинг маъно жиҳатидан боғланишига, шакл кўринишининг гармониклигига ва рангни фарқ қила билишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўқувчиларнинг темалар танлаши ва уларнинг тўғри тасвирлай олиш соҳасидаги мустақилликларини ва уни чизишда эмоционаллик, ифодалилик ва дадилликни рағбатлантирган ҳолда улардаги дастлабки ижодий фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқ керак. Ўқувчиларнинг тема асосида расм чизишларида уларнинг ижодий муносабатларини рағбатлантиришда турли бадиий материални қўлланиш айниқса катта аҳамиятга эга. Акварель, гуашь, аппликация ҳамда оқ ёки раңгли қофоз энг яхши материаллар хисобланади.

Ўқувчиларнинг расм чизишни яхшилаб ўрганиб олишлари кўпроқ расм чизишнинг меҳнат дарсидаги машғулотлар билан тўғри алоқа ўрнатилишига боғлиқдир. Масалан, 1-синфларда меҳнат дарсида лой ёки пластилиндан оддий сабзавотлар, қўзиқоринлар, мевалар ясаш болаларнинг нарсалар шакли, мутаносиблигини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.

Декоратив ишлар ўқувчиларда нарсадан қайси мақсадда фойдаланиш, унинг шакли, безакларининг материали ва элементларининг ўзаро боғлиқлиги тушунчасини тарбиялаш, уларни бадиий жиҳатдан ҳақоний тасвирланган нарсани дидсиз, мешчанларча ишланган нарсадан фарқ қила билишга ўргатиш зарур. Бу қанчалик тез амалга оширилса, ўқувчилар шунчалик кўпроқ халқ санъети асарларини ва бадиий санъет буюмларининг энг яхши намуналарини фарқ қила биладиган бўладилар.

Декоратив санъат билан танишиш нақшлар чизидан бошланади. Бу нақшлар намунага қараб чизилади ёки ўқувчилар томонидан ижодий равишда чизилади. Ўқитувчи кичик ёшдаги ўқувчиларнинг декоратив беzaш фаолиятида актив иштирок этишга бўлган интилишларига, нақшга бўлган қизиқишлирига таянган ҳолда, уларда безаладиган нарсанинг нимага ишлатилиши, шакли ва материалини назарда тутган ҳолда нақш ўйлаб топиш малакаси ҳосил қилишга унрайди.

Үқувчиларга барглар, гуллар ва капалакларнинг ўзига қараб расмини чиздириш билан уларни нақш чизишга тайёрланади. Бундан мақсад тасвиirlанаётган элемент шаклларини умумлаштириш, нарсани декоратив жиҳатдан янада ифодалироқ тасвиirlаниши талабларига жавоб берадиган рангларни топа билишдир. Бу расмлар декоратив тарзда қайта ишлангандан кейин фойдаланилади.

Үқувчиларда рангнинг безакдорлигини ҳис қилишларини муваффақиятли равишда ўстириш мақсадида декоратив ишлар дарсларида қуюқ кўринадиган, ёқимили бўлган ҳамда акварелга нисбатан қўлланилиши осон бўлган гуашь бўёқларидан фойдаланишни тавсия этиш лозим. Шунингдек, рангли (нурсиз бўлса яхши бўлади) қогоzlардан қилинган аппликациялардан қўлланиш ҳам фойдалидир.

Үқувчиларнинг тасвирий санъат машгулотларида ҳосил қилингани ритм, ранглар нисбатининг уйғунлиги, шакл ва рангларнинг мутаносиблиги ҳақида ҳосил қилгани тушунчалари кейинроқ бориб меҳнат дарсларида қўлланилади. Шунинг учун ҳам декоратив ишлар ва меҳнатга оид топшириқлар қандай вазифалар орқали бажарилиши ва уларни ўтказиш вақти билан мос бўлиши лозим. Масалац, бу синфда дараҳтларнинг оддий баргларини чизиш, меҳнат дарсларида қогоzlардан ўсимликлар шаклини қирқиш ва уларни қалин қоғозга ёпишириш машгулотлари билан узвий boglanganidir; шунингдек, «Куз» темасида расм чизиш «Куз» темасида аппликация ясаш машгулоти билан, арча ўйинчоқлари расмини чизиш, қоғоздан арча ўйинчоқлари (байроқча, қарсылдоқ) ясаш машгулоти билан, гуллар нақшини чизиш, китоб учун хат-чўп ясаш (аппликация) машгулоти билан узвий равишида boglanganidir.

Расм чизиш ва декоратив ишларга оид амалий топшириқлар, асосан, узоқ вақт давомида (1 соатдан 3 соатгача) чизиладиган расм тарзида бажарилади.

Ўқитувчига ёрдам бериш мақсадида мазкур программада ўқув темаларига доир амалий машгулотлар группаларга ажратиб берилган. Бунда топшириқлар группаси ўқув йили давомида ўтиладиган тартибда жойлаштирилган. Бироқ, ўқитувчи йиллик план тузишда, ўз истагича, машгулотлар турининг методик мақсадга мувофиқлигига риоя қилиб, бу изчилликни ўз-

гартиши мүмкин. Шунингдек, ўқитувчи программада кўрсатилганидан ташқари расм чизиш учун бошқа нарсаларни, расм чизиш ва декоратив ишлар учун берилган темаларни алмаштиришни, бунда у ёки бу синф олдига қўйилган таълим-тарбия вазифаларига ҳамда шароитга амал қилиши лозим.

Бошланғич синфларда ўқувчиларга расм чизиш, декоратив ишлар юзасидан уйга вазифалар ҳам берилади.

Тасвирий санъат билан танишиш ўқувчиларда эстетик идрок, бадий дид ўстиради, революциягача бўлган рус, ўзбек санъати ва совет санъати тўғрисида айrim маълумотлар беради. У ўқувчиларнинг ғоявий, эстетик, аклоқий тарбияларига ёрдам бериши лозим. Ўқувчилар тасвирий санъат асарлари билан танишиш жараёнида ҳосил қилган билимлари, бир томондан, ўқувчиларнинг тасвирий санъат соҳасида малака ҳосил қилишларига ёрдам беради, иккинчи томондан, уларнинг турли материаллардан, турли техникадан фойдаланишлари туфайли образли ифодалилик характеристерини тушунишларини ўстиради, ўқувчилар бадий дидининг ўсишига ёрдам беради.

Ўқувчилар билан санъат тўғрисида ўтказилган суҳбатлар уларни классик мерос билан чуқур тапиштира бориб, реализмнинг буюк анъаналари аҳамиятини йўқотмаслиги ва санъатнинг халқ учун хизмат қилиши, санъатда социалистик реализмнинг давом эттирилиши ва ривожланиши тўғрисида ўқувчиларда тушунча ҳосил қиласди.

I—III синфларда тасвирий санъат тўғрисидаги суҳбатнинг ўқув материали асосан ўқувчиларнинг амалий ишлари билан чамбарчас боғлангандир. Санъат асарларини кўрсатиш ва улар ҳақида сўзлаб бериш болаларда санъатга қизиқиш, муҳаббат ҳиссини ва санъат билан шугулланиш эҳтиёжини туғдиради. Асарларни кўрсатаётганда болаларни унда ифодаланган асосий фикрни ва бадий тасвирийни баъзи бир воситаларини тушунишга ўргатиш лозим.

I—II синфда тасвирий санъат асарлари билан тапиштириш амалий машғулотлар дарсида ўтказилиб, 10—15 минут давом этади.

III синфда бундай машғулотлардан ташқари тасвирий санъат ҳақида суҳбат ўтказиш учун маҳсус соатлар ажратилади.

Программада бадиий асарларнинг намунавий рўйхати ўқувчиларга бир дарсда кўрсатилиши тавсия этилган миқдордан кўпроқ берилган. Бундай қилишдан мақсад ўқитувчига шароитга қараб танлаб олиш имконини беришdir.

Ўқитувчидаги программада кўрсатилган суратлар репродукцияси бўлмаган тақдирда: уларни таълим-тарибиявий вазифаларга жавоб берса оладиган ва муайян ёшдаги ўқувчилар тушуна оладиган суратлар билан алмаштириш мумкин. Репродукциялар билан бирга, диапозитивлар, киноплёнка ва диафильмлардан ҳам фойдаланиш лозим.

Имкони бўлган жойларда музейларга ва бадиий суратлар галереясига, шунингдек санъат ёдгорликла-рига экскурсиялар уюштириш лозим.

Ўқувчиларнинг бадиий тарбияларини янада кучайтириш мақсадида ҳар бир мактабда тасвирий санъат бўйича синфдан ташқари ишлар йўлга қўйилиб, уларга иложи борича кўпроқ ўқувчилар жалб қилинади (бунида фақат истеъодди болаларни тортиш билан қаноатланмаслик керак).

Синфдан ташқи ишлар тури қўйидагича бўлиши мумкин:

Мактабда машғулотлар ўтказиш учун керакли шарт-шароит яратилади ва уларга мутахассис сифатида раҳбарлик қилиш имконини берувчи тўгараклар ташкил қилинади.

1. Лекция ва тематик эрталиклар. Совет тасвирий санъати арబоблари билан учрашувлар ўтказиш.

2. Тасвирий санъат асарлари репродукцияларининг даврий кўриклари ташкил этиш.

3. Тасвирий ижоддан ўқувчиларнинг синфда ва синфдан ташқарида бажарган ишларининг ҳар йиллик ҳисобот кўриклари ўтказилади (улар ичидан мактабда доимий экспозиция қилиш учун энг яхши ишлар ташкил олинади).

4. Нарсанинг ўзига қараб ёки тема асосида энг яхши чизилган расмлар, адабий асарга ишланган энг яхши иллюстрация, декоратив — амалий характердаги ишлар, табиий материаллардан (ёнгоқ, дуб ёнгоги, ўсимликлар илдизи ва шунинг кабилардан) одам, ҳайвонлар фигурасини ясаш каби ишлар учун конкурслар ташкил этилади. Конкурсларни ўқувчилар ишини мак-

таб ҳаётига, унинг биноларини, мактаб деворий газетасини безашда амалий қўлланиш билан боғлаш мақсадга мувофиқдир.

5. Галерея ва музейларга, санъат ёдгорликларига, рассом ва ҳайкалтарошлар устахоналарига, халқ бадиий ҳунармандлари жойларига экскурсиялар уюштириш лозим.

## ПРОГРАММА

### I СИНФ

(ҳафтада 1 соат)

Бу синфда тасвирий санъат машғулотларнда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

Ўқувчилар эътиборини (нима мақсадда ишлатилиши, шакли, ранги жиҳатидан) қизиқ нарса ва ҳодисаларга жалб этиб, уларда чизиш истаги уйғотиш, болаларни йилнинг турли фаслларида табиат гўзаллигни томоша қилишга ўргатиш;

расм чизиш процессида шакл, мутаносиблиқ, қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, рангини кузатишга ўргатиш;

тема асосида расм чизишда ҳосил қилинган дастлабки кузатиш малакаларини ўстириш;

хотирадан расм чизишнинг айрим малакаларини ҳосил қилиш;

тасвирланаётган нарсаларни мазмунан боғлай билишга, қофозга ранг бера олишга ўргатиш;

фазони тасвирлай олишга ўргатиш (энг олд томонда турган нарсалар тубини узоқроқда турган нарсалардан пастроққа жойлаштириб бир нарсани иккинчи нарса паналаб турганини тасвирлаш);

расм чизишда турли томонларга эркин, қийналмасдан (кўндаланг, тик, қия), қофозни айлантирмасдан чизиқлар торта билиш малакаси ҳосил қилиш;

рангларни фарқ қилиш ва ранг номларини: қизил, сариқ, яшил, бинафша, зарғалдоқ, кўк, ҳаво ранг, жигар ранг, оқ рангларни билиш;

бўёқ билан (акварель ёки гуашь билан) ишлашнинг элементар усулларини ўргатиш;

бўёқни сув билан ийлашга ва у билан керакли юза-

ни текис бўяшга, мўйқалам учи билан деталларни тўлдиришга ўргатиш;

нақш элементларининг такрорланиши ёки навбатмавнавбат келиши (шакл ва ранг жиҳатидан) тўғрисида тушунча бериш, йўл ичига оддий нақшлар чиза билиш;

ўқувчиларнинг тасвирий санъат асарларига бўлган қизиқишиларини ва тасвирий санъат асарларини актив идрок қилишиларини ўстириш;

ўқувчиларда шакл ва рангни сезиш хислатини ўстира бориб, уларга бадиий воситалар тўғрисида умумий маълумот бериш;

уларни халқ ўйинчоқлари, нақшларининг гўзаллигини ҳис қилишга ўргатиш; болаларни ўз иш жойларини яхши тутишга, тўғри ўтиришга, расм чизаётгандага қоғозни тўғри қўйишга, қалам, мўйқаламни тўғри ушлашга ўргатиш.

## Машғулотлар мазмуни

### 1-т е м а . Қалам ва бўёқда расм чизишнинг дастлабки усуллари (2 соат)

Намуна вий топшириқлар: а) «Ёзни қандай ўтказдик» темаси асосида расм чизиш; б) намунага қараб йўл ичига нақш чизиш (қалам ёки гуашда).

Меҳнат дарсларида бажариладигап ишлар: ҳисоб чўпларини картон ёки қоғоздан ясаш.

### 2-т е м а . Табиатдан олинган шакллардан нақшлар чизиш (6 соат)

Силуэтнинг декоратив ифодалилигини тасвирлаш.

Намуна вий топшириқлар: йўл ичига намунага қараб барглар ёки гуллар тасвиридан нақш чизиш; оддий баргнинг (тол, ёнроқ) ёки гулнинг ўзига қараб расмини чизиш (қалам, акварель, гуашда ёки апликация)<sup>1</sup>.

Темага оид бадиий буюмлар: салфетка, сочиқ ва бошқа нарса четига оддий жияк тикилган буюмлар.

<sup>1</sup> Апликация: масалан, китоб учун хатчўп ясаш, геометрик нақш билан безаш меҳнат дарсида бажарилиши мумкин..

Меңнат дарсларида бажариладиган ишлар. Гуллар аппликацияси ясаш, пластилиндан сабзавот ва мевалар ясаш.

### 3-тәмә. Расмда күз манзарасини тасвирилаш. Октябрь байрамига тайёргарлик (4 соат)

Намунавий топшириқлар: а) «Куз», «Дарахтлар кузда» ва бошқа темалар асосида расм чизиш; б) түрли шакл ва рангдаги байроқчаларнинг ўзига қараб расмини чизиш (тұғри тұрт бурчакли, уч бурчакли)<sup>1</sup>; в) «Октябрь байрамида болалар» темаси асосида чизиш (қаламда, акварель ёки гуашда).

Темага оид тасвирий санъат асарлари: И. Левитан —«Олтин куз»; «Слободка»; В. Поленов — «Олтин куз»; Н. Карабан — «Олтин куз»; В. Серов — «Октябрь» дарахтлар тасвириланган таблицалар.

Меңнат дарсларида бажариладиган ишлар: рангли қофозлардан дараҳт силуэтларини қирқишиш ва уни ёпишириш; қофозлардан байроқчалар ясаш.

### 4-тәмә. Янги йил учун расмлар чизиш (4 соат)

Намунавий топшириқлар: нарсаннинг ўзига қараб хотирадан ва тасаввурдан арча ўйинчоқлар — шарчалар, маржонлар, балиқчалар, қарсилдоқлар, арча шохчалари шаклини чизиш; «Янги йил арчаси», «Ўйинчоқлар осилган шохчаси» темалари асосида расм чизиш (қаламда, акварель ёки гуашда).

Темага оид буюмлар ва тасвирий санъат асарлари: ўзбек халқ ўйинчоқлари, янги йил арчаси учун ўйинчоқлар. Рассомларнинг қиши ҳақидағы суратлари.

Меңнат дарсларида бажариладиган ишлар: арча учун әнг содда безатиш буюмлари ясаш: ипга терилған байроқчалар, конфет қофозлар ва бошқалар.

### 5-тәмә. Расмда тұғри бурчакли учбурчак ва доира шаклидаги нарсаларни тасвирилаш (8 соат)

Намунавий топшириқлар: дафтар, ўқувчи портфели, конверт, хона деразаси, дуррача, җаво шари

<sup>1</sup> Денгиз алифбеси байроқчаларининг намунасидан ҳам фойла-  
ланиш мүмкін,

кабиларнинг ўзига қараб расмини чизиш (қалам ва акварелда); дастлабки кузатицлар; эртакларга иллюстрацияларни кўриш асосида «Деразалар қандай бўлади?», «Афсонавий дераза» темалари асосида расм чизиш (қаламда, акварель ёки гуашда).

Меҳнат дарсларида бажариладиган ишлар: китоб учун ясалган аппликатив нақшлар (масалан, квадратча ва доирачаларнинг алмашиниши шартижасида ҳосил бўладиган) билан безатиладиган хатчўп ясаш; мева, сабзавот, балиқ ва қушларни пластилиндап ясаш.

#### **6-т е м а. Адабий асарларга иллюстрациялар ишлашда тасвириланадиган нарсаларнинг маъно жиҳатидан боғланишини акс эттириш (2 соат)**

Предметнинг ўзаро мазмун жиҳатдан боғланишини, баъзи предметларни бошқалари тўсиб қолишини тасвирилаш.

Намуна вий топшириқлар: «Бўғирсоқ» эртагига (оддий сюжет — Бўғирсоқнинг дераза токчасида турган ҳолати, деразадан тушиб кетиб, йўлда думалаб кетаётган ҳолати, «Шолғом», «Митти» ва бошқа эртакларга расмлар чизиш (гуашь ёки акварелда).

Темага оид тасвирий санъат асарлари: Е. Чарушин — «Катталар ва кичиклар» китобига ишланган иллюстрациялар, 1-синф «Алифбе»сидаги «Митти» ҳикоясига ишланган иллюстрациялар.

#### **7-т е м а. Баҳорги кузатишларни расмда акс эттириш (3 соат)**

Намуна вий топшириқлар: қуртакли шохчанинг ўзига қараб расмини чизиш; тема асосида, масалан: «Сувда сузиб юрган кемачалар» деган тема асосида расм чизиш (қалам, акварелда).

Темага оид тасвирий санъат асарлари: Т. Саврасов — «Қора қарғалар учиб келишди», И. Остроухов — «Эрта баҳор», И. Грабарь — «Май ойининг бошланиши».

Меҳнат дарсларида бажариладиган ишлар: тема асосида аппликатив ишлар бажариш; масалан, аквариумдаги балиқларни кузатиш орқали «Сувдаги балиқлар» темасини ишлаш.

## **8-т е м а. Адабий асарларга ишлаган иллюстрацияларда персонажлар образини акс эттириш (3 соат)**

Намунавий топшириқлар: «Уч айиқ», «Эчки болалари ва бўри» ёки «Икки эчки», «Эчки ва бўри» каби ўзбек халқ эртакларига иллюстрациялар ишлаш (қаламда, акварелда).

Вазифани халқ ўйинчоқларининг ўзига қараб расмини чиздирилгандан сўнг бериш мумкин.

Темага оид тасвирий санъат асарлари: В. Васенцов—«Уч айиқ» ва бошқа рассомларининг эртакларга ишлаган иллюстрациялари; ҳайвонларни тасвирловчи ўйинчоқлар.

## **9-т е м а. Мустақил суратда нақш чизиш (2 соат)**

Намунавий топшириқлар: шакли оддий бўлган баҳор гуллари, уларнинг ўзига қараб чизилган хомаки расмлари асосида йўл ичига нақш ишлаш (қаламда, гуашь ёки акварелда).

Декоратив санъат буюмлари: ўсимлик элементларидан йўлсимон нақшлар тасвирланган кашталар.

Меҳнат дарсларида бажариладиган ишлар: китоб учун ўсимлик шохларидан қирқиб ясалган нақшли хатчўп (аппликация).

## **10-т е м а. Ёз темасида расм чизиш ҳақида суҳбат (1 соат)**

Нарсанинг ўзига қараб, тема асосида расмлар чизиш.

Суҳбатга оид тасвирий санъат асарлари: С. Герасимов—«Мажнунтол гуллади», И. Левитан—«Қайназор», П. Беньков—«Ўзбек ҳовлиси» ва бошқалар.

\* \* \*

## **II СИНФ**

(ҳафтада 1 соат)

Бу синфда тасвирий санъат машгулотларида қўйидағи вазифаларни амалга ошириш лозим:

Ўқувчиларнинг расмда табиатдаги нарсаларни тасвирлашда ҳиссий муносабатларини акс эттиришга инти-

лишларини ўстира бориб, мазмундаги қизиқ жойларни таъкинлаб ўтишга ўргатиш лозим;

ўқувчиларда расмнинг қоғоз варагида жойлашуви уйинг ҳажмлари билангина эмас, балки шакл ва раигларнинг кўриш мувозанатининг зарурлиги ҳамда энг муҳим томопларининг кўриниб туриши билан боғлиқлиги тушунчасини ўстириш;

ўқувчиларда нарсанинг умумий шакли (тўғри бурчак, думалоқ ва ҳоказо), нисбати, қисмларининг боғланиш характеристи нуқтаи назаридан изчиллик билан таҳлил қилиб, расмни нарсанинг ўзи билан таққослаш ва шу изчилликда расм чизиш (умумийдан қисмларга ўтган ҳолда) малакасини ҳоснл қилиш;

болаларга тема асосида расм чизишда одам гавдаси тузилишини тасвирлай билишни ўргатиш;

қоғоз юзасига нарсалар асосини тўғри жойлаштириш, бир нарсани иккинчи нарса паналаб турган ҳолатини акс эттириш йўли билан нарсаларни фазода тасвирлаш кўникмаларини такомиллаштириш;

декоратив шаклдаги силуэтнинг ифодалилиги тушунчасини ўстириш; болаларни квадрат (тўртбурчак) ичига нақш чизиш усуллари билан таништириш; нақш ранги ва фонини ўзаро ўйгунаштиришни ўргатиш;

